

ҚОДИРҚУЛ РЎЗМАТЗОДА

**ФАННИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИАТИ ВА ИЖОДКОР ШАХС
ШАКЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

ФАРҒОНА – 2026

Фаннинг фалсафий моҳияти ва ижодкор шахс шаклланишининг айрим масалалари. Монография. -127 б.

Масъул муҳаррир:

Ш.О. МАДАЕВА, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

М.А. МАМАТОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор,

З. Р. ИСАҚОВА, фалсафа фанлари доктори, профессор;

Мазкур монография фаннинг фалсафий моҳияти, фаннинг институтлашуви, олим шахсининг ноёб қирралари, ижодкор шахс шаклланишининг ижтимоий, ахлоқий, сиёсий, маънавий-ахлоқий жиҳатларини очиб беришнинг бағишланган. Шунингдек, ишда профессор, физика-математика фанлари доктори, академик М. Қ. Қорабоев шахси мисолида олим ва раҳбар шахсига хос муҳим хислат, сифат ва фазилатлар очиб берилган.

Ундан соҳа мутахассислари, магистрлар, изланувчилар, фаннинг методологик масалалари билан қизиқувчи тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I БОБ. ФАН - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	6
I.2. Социал институт сифатида фаннинг келиб чиқиши ва фалсафий моҳияти	17
II БОБ. РАЦИОНАЛ ҲАЁТ ТАРЗИ – ИЛМИЙ ТАФАККУР РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	
II.1. Инсоний ҳаётнинг маъноси.....	40
II 2. Илмий тадқиқот самарадорлигининг зарур шартлари. Илмий тадқиқотни рационал ташкил этиш.....	53
II. 3. Илмий ишлар ва уларнинг характерли хусусиятлари.....	90
II. 4. Илмий услуб.....	96
III БОБ. ОЛИМ ВА РАҲБАР ШАХСИНИНГ НОЁБ ҚИРРАЛАРИ.....	103
Хулоса.....	122
Фойдаланилган адабтётлар.....	124

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда фанни ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз илмий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилаётган ҳозирги даврда фаннинг инсоният маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини фалсафий аспектда тадқиқ этиш, илмий тадқиқотни амалга ошириш йўллари, шарт-шароитлари, олим шахсининг ноёб қирралари ҳақида аниқ билим ва тасаввурга эга бўлиш муҳимдир. Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш, илм-фанни ривожлантириш, жаҳондаги илғор мамлакатларнинг илм-фан соҳасидаги бой тажрибасини ўрганиш ғоясини илгари сурган жадидчиларнинг илмий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, олий таълимни ҳар томонлама ривожлантириш халқпарвар давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишига айланган ҳозирги шароитда фаннинг моҳияти, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти, олим шахсининг ноёб хусусиятларини илмий асосда ўрганиш долзарб ва муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёевнинг нутқ ва асарларида ижодкор ва мустақил фикрлайдиган шахсларни шакллантирмай туриб, на жамият, на давлат бошқарувида, на таълим - тарбия тизимида туб сифатий ўзгаришлар қилиб бўлмаслигининг алоҳида таъкидланаётганлиги ҳам мазкур муаммонинг долзарблигини тасдиқловчи асос бўла олади: “Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усуллари пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди. Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун...одамларнинг онги, дунёқараши ўзгариши керак”¹.

Мазкур ишда фаннинг келиб чиқиши, инсониятнинг интеллектуал ва маънавий тараққиётида тутган ўрни, ижтимоий онгнинг бошқа

¹ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. !. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 55,58-бетлар.

шаклларидан фарқланувчи муҳим жиҳатлари, олим шахсини шакллантиришнинг объектив ва субъектив омиллари, фаннинг институтлашув жараёнлари, Ўзбекистоннинг сўнгги юз йиллик тарихида фаннинг ривожланиш хусусиятлари ҳақида фикр юритилди.

Ишнинг алоҳида боблари илмий тадқиқотни амалга оширишнинг объектив шарт-шароитлари ва ижодкор шахсига хос бўлган қобилият ва истеъдодни рўёбга чиқариш усуллари таҳлилига бағишланди. Ишда олим шахсининг шаклланишига халақит бераётган омиллар, уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида фикр юритилди. Илмий тадқиқот ишлари муваффақиятини таъминловчи муҳим омилларни асослашда жаҳонга машҳур олимларнинг бой тажрибалари далил сифатида кўрсатилди.

Ишнинг алоҳида боби БМТнинг маслаҳатчиси мақомидаги Франция Информациология академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қорабоевнинг олим, шахс ва ташкилотчи-раҳбар сифатидаги ноёб фазилат ва хислатларини очиқ беришга ҳаракат қилинди.

Ишда йўл қўйилган айрим камчилик ва хатоликлар ҳақида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар учун олдиндан миннатдорлик билдираман.

I БОБ. ФАН - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

I. 1. Социал институт сифатида фаннинг келиб чиқиши ва фалсафий моҳияти

Инсон турли тарихий даврларда ақлли мавжудот сифатида ўзи яшаб турган атроф-муҳитни, олами, ўз борлиғини билишга интилиб келди. У илмий билиш орқалигина табиатни ўзлаштириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, ўзига муносиб ҳаёт ва турмуш даражасини яратиш имконига эга бўлди.

Инсоният минг йиллар давомида афсонавий, диний, бадиий - эстетик билимлар воситасида ўзининг билишга бўлган эҳтиёжларини қондирган бўлса, сўнгги икки юз йил мобайнида уни бундай билимлар қаноатлантирмай қўйди: инсониятнинг кўпайиши ва эҳтиёжларининг муттасил ўсиб бориши билан олами, табиат ва жамиятни, ҳатто инсоннинг ўзини ҳам ҳаққоний, тўла ва чуқурроқ билишга, ишончли билимлар ҳосил қилишга имкон берадиган илмий билимлар системасига - фанга эҳтиёж вужудга келди.

Гарчи дастлабки илмий билимлар (тажриба, кузатиш, текширишлар орқали ҳосил қилинадиган илмий билимларнинг илк куртаклари Қадимий Шарқда вужудга келган бўлса ҳам, унинг махсус фаолият тури, алоҳида институт, касб сифатида тўла шаклланиши XIX аср бошларида Европада рўй берди.

Илмий билимлар ўз табиатига, шаклланиш усулларига кўра, диний билимларга асло ўхшамас, ҳатто унга бутунлай зид эди: агар диний билимлар воқеликка шубҳа билан қарашни истисно этса, илмий билимлар воқеликка шубҳа билан, танқидий нуқтаи назардан қарашни талаб этади. Агар диний билимлар оламнинг Худо томонидан яратилганлигини қайд этишдан нарига ўтмаса, илм-фан аҳли воқеалар силсиласидаги сабабий алоқадорликни билишга, воқеликни тубдан ўзгартиришга, тараққиётни тезлаштиришга зўр бериб интилганлар.

Илмий билимлар ривожини ҳурфикрлилик, тафаккур ва виждон эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам ўрта

асрларнинг илғор мутафаккирлари ғоят эҳтиёткорлик билан диний мутаассиблик ва ақидапарастликни танқид қилишга, борлиқ ва инсоннинг пайдо бўлиши, ривожланиш қонуниятлари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилганлар.

Уларнинг бундай интилишлари мутаассиб дин пешволарининг кескин қаршилигига учраган. ўрта асрларнинг Ибн Рушд, Абу Райҳон Беруний, Фаробий, Умар Хайём, Абу Али ибн Сино сингари улуғ алломалари дин қобиғида ўз илмий қарашларини илгари сурган бўлсалар ҳам, Абуҳамид Ғаззолий сингари ислом ислоҳиётчилари уларни эътиқод ва иймон сустигида айблаганлар, хатто Умар Хайём ўз «гуноҳларини» ювиш учун Маккага уч марта хаж қилишга мажбур бўлган.

Виждон эркинлиги қатъий ман қилинган, ҳукмдорлар мусулмонларга амирлик даъвосини қилган Марказий Осиё ҳудудида илмий билимларнинг ривожланиши учун на иқтисодий, на маънавий, на ижтимоий имконият мавжуд эмас эди. Шу боисдан ҳам Марказий Осиёдан етишиб чиққан Мусо ал Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Фарғоний ва бошқа ўнлаб улуғ мутафаккирлар ўз она-юртини ташлаб, илм истаб, ўзга юртларга бош олиб кетишга мажбур бўлганлар.

Қадимги Шарқда деҳқончилик маданиятини, савдо-сотик, ҳунармандчиликни ривожлантириш, сунъий суғориш иншоотларини барпо этиш, хўжалик юритиш зарурияти арифметика, астрономия, медицина, ҳуқуқшуносликка оид илмий билимларни яратиш ва ривожлантиришни тақозо қилган эди. Бироқ инсоннинг табиий ва ҳаётий эҳтиёжларини чеклашга, сабр-тоқатли бўлишга, бориға шукр қилишга даъват этувчи тасаввуф ғоялари илмий билимлар ривожини йўлидаги катта мафкуравий ғовга айланди. Тасаввуф зоҳиран диний ақидапарастликни танқид остига олса-да, инсоннинг бутун эътиборини табиатни билиш ва ўзгартиришга эмас, балки ички руҳий оламга жалб этади. Тасаввуф таълимотига кўра, инсон Оллоҳнинг буюк қудрати олдида ҳечдир, инсон Қуёш (Худо)нинг бир зарраси, Денгиз (Худо)нинг бир томчисидир.

Тасаввуфнинг Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда кенг ёйилиши ва раванк топиши бу ҳудудда деҳқончилик ишлаб чиқаришининг ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ эди. Деҳқончиликнинг табиий - географик муҳит, иқлим, об-ҳавога қарамлиги инсон эҳтиёжларини ҳам чеклашни, шукрона ҳаёт кечиришга даъват этувчи тасаввуф ғояларини кенг тарғиб қилишни тақозо этган. Деҳқончилик ишлаб чиқариши эса, фаровон ва тўқ ҳаёт кечиришга эмас, балки бир амаллаб тирикчилик ўтказишга имкон берган, холос. Шу боисдан ҳам тасаввуф пешволари аҳли хос (элитар қатлам) онги ва дунёқарашида бойлик, мол-дунёга нисбатан бепарқлик ҳиссини шакллантиришга, нафс тарбиясига алоҳида эътибор берганлар.

Инсоннинг табиий эҳтиёжлари зўр бериб чекланган, виждон эркинлиги бўғилган, инсон эрки синдирилган, табиат (Худо) нинг буюк қудрати олдида инсоннинг ҳечлиги зўр бериб тарғиб қилинган ижтимоий муҳитда инсон учун куч-қудрат манбаи, оламни ўзлаштириш қуроли бўлган илмий билимларнинг ривожланиши амри маҳол эди.

Табиатнинг бутун моҳияти инсон вужудида мужассамлашган, инсон табиат тараққиётининг сўнгги кашфиёти экан, у ўзининг фикрлаш қобилияти (ақли) билан ўзлигини англаш, билиш қудратига ҳам эгадир. Тафаккур ривожига эса эркинликни, ўлик догма (ақида)лардан озод бўлишни тақозо этади. Тафаккур ва виждон эркинлиги мавжуд бўлсагина илмий билимлар ривожлана олар эди. Европа Уйғониш даври (XIV-XVI асрлар) нинг улуғ мутафаккирлари (уларнинг аксарияти санъат аҳллари эди) диний мутаассибликка қарши гуманизм ғояларини илгари сурдилар. Инсоннинг ақл-заковатига бўлган ишонч бу давр мутафаккирларини мавҳум куч (Худо)га эмас, конкрет - реал инсонга, унинг тафаккури, ақлига ишонишга ва уни севишга даъват этди. Бу билан улар Европада илмий билимларнинг ривожланиши учун, диннинг нафақат маънавий ҳаётдаги танҳо ҳукмронлигига, балки сиёсий ҳукмронлигига барҳам беришга

қаратилган атеизм ва виждон эркинлиги ғояларининг шаклланиши учун йўл очдилар.

Агар Шарқ мутафаккирлари олам ва инсон моҳиятини билишда умумийлик (Худо)ни билишдан айримлик (инсон, табиат)ни билишга бориш ғоясини илгари сурган, бу билан умумийлик (Худо)ни ақл воситасида билиб бўлмайди (Ғаззолий), бинобарин, ақл хулосалари шубҳали ва хатодир, дейиш билан илмий билимлар ривожини ман этган бўлсалар, Янги Замон Европа фалсафасининг буюк намояндалари (Ф. Бэкон, Р. Декарт, Ж. Локк, Ш. Монтескьё ва бошқалар) инсон тафаккурининг буюк ўзгартирувчан, яратувчан куч-қудратини исботлашга, илмий билишнинг энг самарали усуллари яратишга, фаннинг яшаш ва ривожланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга, илм-фан захматкашларини қадрлашга, буюк истеъдод эгалари мамлакатнинг бебаҳо бойлиги эканлигини асослашга ҳаракат қилдилар.

Европада фан ва саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши бир-бири билан ўзаро боғлиқ равишда рўй берди: табиатшунос олимларнинг буюк илмий кашфиётлари саноатчиларга табиатнинг бой ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, техникани янада такомиллаштириш, инсоннинг имконият ва эҳтиёжларини янада ривожлантириш, ҳазрати инсоннинг табиат устидан ҳукмлигини таъминлаш имконини берди. Айни вақтда мулкдорлар ҳукумати фан тараққиёти учун кўпроқ маблағ ажратишга, фанни институтлаштиришга (таълим муассасалари барпо этиш, илмий асарлар чоп этиш, илмий билимларни кенг тарғиб қилиш ва ҳоказо), олимлар меҳнатини муносиб тақдирлашга, олимларнинг илмий фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўпроқ эътибор бера бошлади. Фанни ижтимоий тараққиёт ва халқ фаровонлигининг муҳим омили деб ҳисоблайдиган индустриал жамиятда давлат илм-фан кишиларини буюк кашфиётлар қилишга рағбатлантириш учун илмий даража ва унвонлар беришни жорий этди. Ғарб мамлакатларида университетлар, илмий лабораториялар юқори малакали илмий

кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб боришнинг муҳим таянчи бўлиб қолди. Университетларда фанларнинг ўқитилиши, илмий журналларнинг мунтазам чоп этилиши билан фан воқеликни холисона ўрганиш, ўзлаштириш ва мақсадга мувофиқ равишда ўзгартиришнинг ишончли воситаси, алоҳида социал институтга айланди.

Фан алоҳида касб, меҳнат фаолиятининг анча мураккаб тури сифатида инсон олдида қатор ахлоқий талаблар қўя бошлади:

- ҳалоллик ва ростгўйлик,
- метиндек мустаҳкам ирода ва собитқадамлик;
- бутун ҳаётингни бағишлаш;
- қизиқишлар доирасини чеклаш;
- муттасил изланиш ва оптимизм;
- холислик ва самимийлик;
- эришилган натижаларга шубҳа билан қараш;
- воқеликка танқидий муносабат;
- илмий меросга ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;
- илмий жамоада соғлом рақобатли муҳит яратиш;
- дунё олимлари билан илмий-иждодий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш;
- ўзингга муносиб шогирдлар етиштириш ва ҳоказо.

Илмий фаолият олимларда ноёб ахлоқий фазилат ва хислатларни камол топтиради:

а) илм аҳли ниҳоятда ишонувчан ва соддадил бўладилар. Чунки улар аجدодлардан қолган илмий меросга ишонч билан қарайдилар. Ҳамиша ҳақиқатга интиланлари боис рост гапиришга ва бошқаларнинг сўзига сидқидилдан ишонишга мойил бўладилар. Айни вақтда улар самимий, яъни бошқаларга яхшилиқни илинувчи бўладилар. Ўз билганларини бошқаларга беришдан завқланадилар. Улар фан тарихида чуқур из қолдирган буюк алломаларнинг

илмий кашфиётлари, оддий ва камтаринлигидан ҳайратланадилар; фикран ўзларини буюклар билан қиёслайдилар ва уларнинг буюклиги олдида ҳеч нима эмасликларига кўп марта амин бўладилар. Шу боис ҳақиқий олимлар ўзларини атайин камтарин қилиб кўрсатмайдилар, балки табиатан камтарин бўладилар.

Воқеликка танқидий маносабат фан ривожининг муҳим қонунияти бўлибгина қолмай фаннинг ҳаётдан орқада қолмаслигининг зарур шarti ҳамдир. Чунки инсон эҳтиёжларининг муттасил равишда ўсиб бориш қонунияти илмий изланишларни давом эттириш, инсон меҳнатини енгиллаштириш, халқ фаровонлигини янада яхшилаш учун янгидан – янги кашфиётлар қилишни тақозо этади. Воқеликка танқидий муносабат эришилган натижаларни инкор қилишни эмас, балки, ижобий натижаларни авайлаб-асраш, қадрлаш ва янада кўпайтириш, камчилик ва нуқсонларни бартараф қилишни тақозо этади.

Демократик давлат ижтимоий тараққиёт ва халқ фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилар экан, олимларнинг илмий кашфиётларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди; олимни сиёсат ва мафкура тарғиботчисига айлантирмайди. Олим сиёсий ва мафкуравий тазйиқлардан озод бўлсагина самарали илмий фаолияти билан халқ фаровонлиги, мамлакат тараққиёти учун муносиб ҳисса қўша олади.

Фаннинг тараққийпарварлик, инсонпарварлик моҳияти олим меҳнатига алоҳида жозибадорлик, мазмун ва аҳамият бағишлайди: олим ўзининг ҳар бир илмий ютуғи билан бутун инсоният учун, унинг бахт-саодати учун хазмат қилаётганини қалбан ҳис этади, ўз меҳнатидан интеллектуал қониқиш ва ҳузурланиш ҳосил қилади.

Илмий ижодий фаолиятдаги ҳар бир ютуқ тадқиқотчига кучли стимул беради, у илмий кашфиётдан шахсан лаззатланар экан, бундан бойлик орттиришни, шоҳона ҳаёт кечиришни, бошқалардан устун туришни, унвон ва

мукофотлар олишни кўзламайди. Шу боис ҳақиқий фан кишилари дабдабали ҳаётни ёқтирмайдилар, камтарона оддий ҳаёт кечиришни маъқул кўрадилар.

Фаннинг институтлашуви аҳоли кенг қатламининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришни, халқ таълимига давлат хомийлигини рағбатлантиришни, омма ўртасида илмий билимларни кенг тарғиб қилишни тақозо этади. Чунки халқ орасидан иқтидорли, туғма истеъдодли ёшларни етиштириш, танлаш ва тарбиялашда халқ таълими муассасалари муҳим роль ўйнайди. Барча ривожланган мамлакатларда ўрта умумий таълимнинг бепул ва мажбурийлиги, юқори малакали илм олиш ҳуқуқининг мамлакат конституциясида кафолатланиши илм-фан ривожланишининг зарур шarti ҳисобланади.

Кенг аҳоли ўртасида илм-фанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, кишиларда илмий фикрлаш ва илмни кадрлаш ҳиссини шакллантириш ғояси Ғарбий Европа ижтимоий-сиёсий ҳаётига маърифатпарварлик номи билан кириб келди.

Маърифатпарварлик фалсафаси XVIII аср бошларида буюк француз мутафаккирлари Дидро, Дъаламбер, Вольтер, Сен-Симон ва бошқалар томонидан илгари сурилди. Маърифатпарварлик ижтимоий ғоя ва ҳаракат сифатида жамиятни буюк ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга, саноат ишлаб чиқаришга ўтишга тайёрлаш учун маънавий-интеллектуал замин яратди.

XIX аср бошларида буюк француз мутафаккири Огюст Конт (1857-1903) ўзининг машҳур «Социал физика» (Социология) асарида фаннинг яшаш ва ривожланиш ҳуқуқини асослашга, инсониятнинг маънавий тараққиётида фаннинг етакчи ва ҳал қилувчи ролини кўрсатишга ҳаракат қилди. Фан фалсафаси позитивизм номи билан фалсафа тарихига кирди ва у ҳозирги пайтда неопозитивизм номи остида ривожланыпти. Неопозитивизм асосчилари фанни сиёсат ва мафкурага қарамликдан ҳалос этиш ғоясини илгари сурдилар. Натижада жамият ва инсон моҳиятини ўрганувчи фанлар жамият ва инсон

сифатини янада яхшилашга хизмат қилувчи фан сифатида ривожланиш имкониятига эга бўлди.

Ғарбий Европа мамлакатларининг ижтимои-иқтисодий ривожланиш хусусиятларига мос равишда маърифатпарварлик ғоя ва ижтимоий ҳаракат сифатида турлича даврларда амалга оширилди. Хусусан, у Германия ва Англияда XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларида вужудга келган бўлса, Россияда маърифатпарварлик ғоялари XIX аср ўрталарида рус революцион демократлари: Герцен, Чернишевский, Добролюбов, Белинский, Писарев ва бошқаларнинг асарларида, шунингдек, народниклар ҳаракатида яққол намоён бўлди.

Маърифатпарварлик ғоялари эскилик сарқитларини, консерватизмни жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган, ҳар қандай янгилик ва ўзгаришларга қарши бўлган мутаассиб диндорларнинг кескин қаршилигига дуч келган. Чунки маърифатпарварлик ўзининг туб моҳиятига кўра ақидапарастлик ва жаҳолатга бутунлай зид бўлган, эркинлик ва озодлик ғояларига таянадиган илмий дунёқарашни шакллантиришга, одамларда илмий фикрлаш маданиятини тарбиялашга ҳаракат қилади.

Асосан деҳқончилик ишлаб чиқаришига асосланган, ҳунарманчилик ва савдо-сотиқ сусти ривожланган Туркистон хонликларининг маънавий ҳаётида дин пешволари етакчи роль ўйнаган, тасаввуф ғоялари авом халқ ўртасида бузиб тарғиб қилинган.

XIX аср ўрталарида Туркистоннинг Россия томонидан забт этилиши оқибатида Қўқон хонлиги ўрнида ташкил топган Туркистон генерал губернаторлиги ўлкада туб ижтимоий - сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, дунёвий мактаблар ташкил этишга, маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб этишга зўр берди.

Таниқли татар маърифатпарвар – зиёлиси Исмоилбек Гаспиринский Туркистонда маорифни тубдан ислоҳ қилиш, дунёвий илм-фанни аҳоли ўртасида тарғиб этиш ғоясини илгари сурди. Туркистон маърифатпарварлигининг Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Анбар Отин, Муқимий, Фурқат, Завкий, Ҳамза Ҳакимзода сингари атоқли вакиллари ўлка халқлари ўртасида дунёвий илм-фаннинг хосияти, жаҳолат ва нодонликнинг аянчли оқибатларини фош этувчи асарлари орқали рус илм-фани, маданияти, саноати, техникаси ва медицинаси ютуқларини кенг оммалаштиришга, халқ маънавиятини юксалтиришга катта эътибор бердилар. Бироқ мутаассиб руҳонийлар, консерватив кайфиятдаги кучлар таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларга, хусусан, рус-тузем мактабларининг ташкил этилишига жиддий қаршилик кўрсатдилар. Натижада Туркистон маърифатпарварлигининг биринчи босқичи муваффақиятсиз якун топди: дунёвий илм-фан Туркистон халқларининг миллий қадриятлари учун ёт ҳодиса бўлиб қолаверди..

1917 йил февралда Россияда амалга оширилган рус буржуа-демократик революцияси Туркистон халқларининг чоризм истибдодига қарши миллий озодлик курашига кучли туртки берди. Бироқ шу йил октябр ойида сиёсий ҳокимият тепасига келган большевиклар ҳукумати Туркистон халқларига миллий автономия бериш баҳонаси билан миллий озодлик ҳаракатини бостирди.

Чоризм истибдодига қарши миллий озодлик учун курашга раънамолик қилган Туркистон жаидчилари XX аср бошларида Қўқон, Бухоро ва Хива хонликларида диний фанатизм ва қолоқликка қарши маърифатпарварлик ғояларини илгари сурдилар. Туркистон жаидчиларининг пешқадам вакиллари (Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беъбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Боту, Ибрат ва бошқалар) халқ маънавиятини юксалтириш, дунёвий илм-фан ва маданиятни тарғиб қилиш орқали миллий давлатчилик асосларини яратиш мумкин, деган ғояни илгари сурдилар. Бироқ жаидчиларнинг интилишлари мустабид совет ҳукумати томонидан шафқатсиз

бўғиб ташланди: барча жаидчилар 37-йиллардаги оммавий қатағон қурбони бўлдилар.

Совет ҳукумати Туркистонда туб ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, ўлкада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, халқ хўжалигини бошқариш учун миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида маданий революцияни амалга ошириш (ўзбек совет интеллигенциясини шакллантириш, саводсизликни тугатиш, хотин-қизларни озод қилиш, таълим-тарбия муассасалари барпо этиш) га алоҳида эътибор бера бошлади.

Бу – маърифатпарварлик ғояларининг Туркистон халқлари тарихида учинчи марта кун тартибига қўйилиши эди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда катта ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар амалга оширилди: коммунистик эътиқодли ўзбек интеллигенцияси шаклланди, фан институтлашди, Фанлар Академияси, илмий тадқиқот институтлари, юқори малакали матахассис кадрлар корпуси яратилди. Ўзбекистонда таниқли фан, маданият, санъат арбоблари етишиб чиқди.

Совет Ўзбекистониде эришилган барча маданий ўзгаришлар совет ҳукуматининг бутун тарихи мобайнида ислом руҳонийларига, диний фанатизмга қарши кураши билан бир вақтда рўй берди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон шароитида дунёвий илм-фан, таълим-тарбия муассасалари, медицина, санъатининг ривожланишига тиш-тирноғи билан қарши бўлган мутаассиб диндорлар фаолиятини чекламай туриб, совет ҳукумати Ўзбекистонда маданий ислохотларни муваффақиятли равишда амалга ошира олмас эди.

Совет ҳукумати томонидан Ўзбекистон халқлари тарихида учинчи марта кун тартибига қўйилган маърифатпарварлик ғоялари ўз олдиға қўйган мақсадға эриша олмади: илмий тафаккур ўзбек халқининг фикрлаш тарзига айланмади, илмий кадриятлар миллий кадриятлар даражасига кўтарила олмади; илм-фан

Ўзбек зиёлисининг ўзлигини намоён этиш воситаси эмас, балки бир амаллаб тирикчилик ўтказиш, бойлик орттириш қуроли бўлиб қолаверди. Натижада фан қадриятлари халқимиз маънавиятини белгиловчи таянч қадрият бўла олмади. Оддий авом халқ илм олиш, фан асосларини эгаллашга ижтимоий тараққиёт омили деб эмас, балки осонроқ ҳаёт кечириш, амал ва мансабларга эга бўлиш воситаси сифатида қарашда давом этди. Ўзбек зиёлилари учун фан ҳақиқатни билишнинг энг ишончли воситаси, табиат, ижтимоий борлиқ ва инсон моҳиятини билишнинг синалган қуроли эмас, балки унинг турмуш ва фикрлаш тарзи учун ёт ҳодиса бўлиб қолаверди.

Шу боис совет ҳукумати йилларида ўзбекона турмуш тарзидан қатъий юз ўгирган, европача ҳаёт тарзига ўтган ўзбек олимлари, санъаткорлари, маданият ва сиёсат вакилларигина бирон бир муваффақиятга эриша олган эди.

Ўзбекистон тарихида маърифатпарварлик ғояларининг учинчи марта барбод бўлишининг бош сабаби шунда эдики, совет ҳукумати жамият ҳаётида туб ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга катта эътибор бергани, ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизларга кенг эркинликлар бергани ҳолда оилавий-маиший ҳаётда минг йиллардан бери давом этиб келаётган хотин-қизларнинг оилавий муносабатлардаги эрксизлиги, ҳуқуқсизлиги масалаларига эътибор бермаган эди. Чунки халқни мустабидларча бошқаришга қаратилган маъмурий буйруқбозлик системаси учун ўзбек оиласидаги эрксиз, итоаткор онанинг ўз фарзандларини ҳам итоаткорлик, мутелик руҳида тарбиялаши жуда маъқул эди.

Ўзбек оиласидаги эрнинг танҳо ва мустабидларча ҳукмронлиги совет раҳбарининг бутун жамият устидан танҳо ҳукмронлиги учун жуда мос эди. Яъни мустабид совет ҳукумати ўзбек аёлининг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқсизлиги, эрксизлиги ва чўрилиқ ҳолатидан тўла манфаатдор эди.

Совет раҳбарлари учун ўзбек халқини бошқариш худди ювош, тилсиз-забонсиз қўйларни бошқариш каби осон эди. Шу сабабли Москва Ўзбекистонни бошқариш учун раҳбар кадрлар армиясини жўнатар эди. Совет ҳокимияти йилларида ўзбек зиёлилари орасидан биронта сиёсий диссидент (давлат сиёсати ва идеологиясига қарши курашувчи шахс)нинг чиқмаганлиги ҳам ўзбек зиёлилари эркин фикрлаш қобилятидан махрумлигини, халқ ва ватан тақдирига бефарқлигини кўрсатувчи далил эди.

Хуллас, фан демократик қадриятлар амал қиладиган индустриал жамиятда шахс эркинликлари, инсон ҳуқуқлари амал қиладиган мамлакатдагина жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, ижтимоий фаровонликни таъминлашнинг қудратли воситасига айланади.

1.2. ИЖОДКОР ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ДОЛЗАРБ ФАЛСАФИЙ МУАММО

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида рўй бераётган туб ижобий ўзгаришлар, Ватан тақдирига дахлдорлик ва масъуллик ҳисси бугун биз дуч келган муаммоларнинг туб илдизлари ва уларнинг оқилона илмий ечими ҳақида фикрлашни, инсон, шахс, давлат, жамият ва ижтимоий тараққиёт омиллари ҳақида олимона холислик билан фикр юритишни талаб этяпти. Давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёевнинг нутқ ва асарларида ижодкор ва мустақил фикрлайдиган шахсларни шакллантирмай туриб, на жамият, на давлат бошқарувида, на таълим - тарбия тизимида туб сифатий ўзгаришлар қилиб бўлмаслигининг алоҳида таъкидланаётганлиги ҳам мазкур муаммонинг долзарблигини тасдиқловчи асос бўла олади: “Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усуллари пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз

бермайди. Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун...одамларнинг онги, дунёқараши ўзгариши керак”².

Таниқли файласуф, сенатор Абдурахим Эркаев таъкидлаганидек, агар биз ўзимизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторида кўришни хоҳласак, тарихдан, яқин ўтмишимиздан тўғри хулоса чиқаришимиз, биринчи навбатда, онгимизни, тафаккуримизни догматизм ва қарамликдан халос қилишимиз лозим. Лекин, афсуски, катта авлод онгида ҳалигача ташаббус кўрсатиш ёки фикрини очиқ айтишдан ҳадиксираш бартараф этилгани йўқ”³.

Абдурахим Эркаев халқимиз тарихининг энг муҳим даврлари, хусусан, биринчи ва иккинчи Ренессанснинг барбод бўлиш сабабларини таҳлил қилар экан, Ўзбекистоннинг чор Россияси ва совет мустамлакасининг аянчли оқибатларини кўрсатишга ва бундан тегишли хулосалар чиқариш зарурлигига эътиборни жалб қилади. Бироқ бу муҳим масалада таниқли олимга, афсуски, муаммони холисона ўрганиш ва мантиқий изчиллик етишмайди. Натижада рус колониализмининг фақат салбий оқибатлари кўрсатилгани ҳолда ерли аҳолининг ижтимоий - маиший ҳаёти ва дунёқарашида рўй берган прогрессив ўзгаришлардан ҳам тегишли хулосалар чиқариш лозимлигини атайин четлаб ўтади. Хусусан, таниқли файласуф XIX асрнинг иккинчи ярмида рус мустамлакачилари Туркистонни талаш ва маҳаллий аҳолини асоратга солишдан олдин ўлка аҳолисини ислом фанатизми ва хонларнинг қирқдан ортиқ солиқлари азобидан, қолоқлик ва жаҳолатдан халос этганлигини, Туркистонга хусусий мулкчилик ва умуман капиталистик муносабатлар, саноат, техника ва дунёвий маданиятни олиб кирганлиги ва охир-оқибатда миллий ва маҳаллий тадбиркорлик, савдо-сотиқнинг ривожланиши натижасида ўлкада дунёвий мактаб, медицина, илм-фан ривожи ва жаҳидчилик ҳаракатининг улуғ

² Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. !. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 55,58-бетлар.

³ Абдурахим Эркаев. Тарих сабоқлари ва учинчи Ренессанс зарурияти – «Халқ сўзи» газ., 2021 йил 6 январь.

намояндалари ҳамда миллий онг, миллий ғоя ва зиёли шахсининг шаклланиши учун пухта замин яратганлиги фактидан ҳам тегишли хулосалар чиқариш лозимлигини эътиборга олмайди.

Бизда ижодкор шахси шакллансагина Ватан равнақи йўлида ҳамма нарсадан, айниқса, мустамлакачиларнинг мамлакатни бошқаришдаги ижобий ютуқ ва усулларидан ҳам фойдаланишга интилиш вужудга келган бўларди. Шунингдек, Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган чорак асрлик тарихи давомида инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинликларини чеклашга қаратилган кучли давлат барпо этиш ғоясининг аянчли оқибатларидан ҳам тегишли хулосалар чиқармай туриб, бугун биз дуч келган ижтимоий-сиёсий ҳаётга лоқайдлик, коррупция, амалпарастлик, ёлғончилик ва мунофиқлик сингари иллатлар бартараф этиб бўлмаслигига алоҳида эътибор берилган бўлур эди.

Ижодкор шахсининг шаклланишини ижтимоий-гуманитар фанларсиз ҳатто тасаввур этиб бўлмайди. Таълим муассасаларида бу фанларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш эмас, балки кейинги йилларда уларнинг ўқув соатларини икки бараварга қисқартириш, бу ҳам етмаганидек, ижтимоий-гуманитар фанларнинг танлов фанлари қаторига киритилиши мазкур муаммони ҳал этишга тўсқинлик қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Дарвоқе, жамиятимиз дуч келган барча мушкул муаммоларни олимона холислик билан ўрганиш ва уларни оқилона ҳал этиш бўйича ҳукуматга тавсиялар бериш ижтимоий-гуманитар фанлар ва фалсафанинг буюк ва шарафли вазифасидир. Бироқ, афсуски, бизнинг фан ва фалсафамиз миллий мустақиллигимизнинг чорак асрлик тарихи давомида жамият ва халқ олдидаги вазифасини, яъни ҳақиқатни билиш ва уни ҳимоя қилиш вазифасини бажара олмади. Балки худди собиқ совет тузуми даврида бўлгани сингари, сиёсий буюртмаларни бажариш, юртбоши сиёсатининг тўғри эканлигини тасдиқлаш ва уни тарғиб этишдан нарига ўтмади. Бунинг оқибатида илмий-иждодий тафаккур ўлди, фан ва фалсафа ҳам, сиёсат ва дин ҳам бир амаллаб тирикчилик ўтказиш

воситасига, эрмакка айланди. “Юксак маънавият –жамият тараққиётининг асосидир” деган шиор остида жаҳолат, илмсизлик ва адолатсизликларни яширишга зўр берилди.

Бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанларни сиёсатга қуллик ва малайликдан озод қилиш учун, аввало, бу фанлар жамият ва инсон сифатини яхшилаш учун, инсоннинг борлиқдаги, табиат ва жамиятдаги ўрни ва ролини илмий асосда билиш учун, инсон шахсини камол топтириш ва ундаги яратувчан куч-қудратни рўёбга чиқариш учун зарурлигини англаш вақти келди. Қўрқитиш ва бостиришга асосланган давлат машинасининг ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳар қандай аралашуви аянчли оқибатларга олиб келганлиги сўнгги юз йиллик тарихимиздан ва бугунги кун реалликларидан яхши маълумдир. Сиёсат фалсафаси, сиёсатшунослик ва сиёсат социологияси давлатнинг жамият ҳаётини тартибга солишдаги иштироки меъёрларини белгилаши лозим. Бизда эса бу фанлар аллақачон йўқ қилинди. Буюк Гегель таъкидлаганидек, нимаики мутлақлаштирилса, ўзининг зиддига айланади. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг мутлақлаштирилиши оқибатида давлат ўз моҳиятидан бегоналашди ва шахсга қарши турувчи, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинликларини шафқатсиз бўғувчи кучга айланди.

Ўзбекистонда кучли давлат барпо этилди ва унинг аянчли оқибатларига жонли гувоҳ бўла бошладик: Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан алоқаларимиз кескин ёмонлашди, мамлакат ичкарисида умумий қўрқув, пессимизм, художўйлик, ҳаммани сабрли бўлишга чақириш, боқимандалик, ижтимоий ҳаётга лоқайдлик, хорижга иш излаб оммавий равишда кетиш, ахлоқсизлик, фахш, миллий бегоналашув авж олди.

Миллий мустақиллик йилларида демократик давлат, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, ваколати, кўппартиявийлик, плюрализм ҳақидаги эски ва яроқсиз қарашларимизни ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўришимиз учун имкон

берилмади. Ижтимоий онгда “Ҳамма муаммони давлат ҳал қилади. Давлат бош ислохотчи” деган ғайритабиий ва соғлом ақлга зид қараш мустаҳкам ўрнашди.

Инсон эркин ва мустақил фикрлай олмаса, шахснинг деградациялашуви, унинг оломонга айланиши рўй беради. Ўта сиёсийлашган жамиятда барча муаммоларни давлат ҳал қилади, деган бирёқлама ва зарарли қараш шаклланди, юртбошининг даҳосига сиғиниш, халқ ташаббусининг сўниши, боқимандалик психологияси ва тушкунлик ҳолати рўй бера бошлади. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ташаббуси билан ҳукумат давлат тасарруфидаги мансабдорлар, муассаса ва ташкилотлар фаолиятинигина эмас, балки бутун жамият ҳаётини сиёсий бошқариш амалиётини қўллай бошлади. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Давлат ва жамият бошқаруви академияси” деб номланди. Мавжуд сиёсий партиялар ҳукуматнинг кучли назорати остида “фаолият кўрсата” бошлади ва ҳукумат Франция ҳукумати тажрибасидан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг фаолияти учун маблағ ажрата бошлади. Натижада сиёсий партиялар худди собиқ совет жамиятида бўлгани каби мавжуд ҳукуматнинг сиёсатини қўллаб-қувватловчи ва тарғиб этувчи кучга айланди. Аслида нодавлат институт бўлган партиянинг худди маҳалла сингари ўз моҳиятидан бегоналашуви оқибатида гражданларнинг қўғирчоқ партияларга нисбатан лоқайдлиги вужудга келди.

Шукрки, фақат бадий адабиётгина ўтмиш замонларда бўлиб келганидек, мамлакатимизнинг кейинги юз йиллик тарихида зулм ва истибдодга қарши ўзининг озодлик ва шахс эркинлиги учун кураш анъаналарини изчил давом эттирди. Ўзбекистон файласуфлари ва жамиятшунос олимлари эмас, балки истеъдодли шоир ва адиблар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида авангардлик қилиб келяптилар. Жумладан, Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов ўзининг “Ватан орзуси” шеърини Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб эълон қилар экан, мустабид совет давлатининг шахс ва

унинг эркинликларига қарши бўлган зулм ва истибдодлари мустақил Ўзбекистонда такрорланмаслигини орзу қилди.

Миллий мустақиллик йилларида коммунистик ғоя ва мафкурадан расман воз кечилган бўлишига қарамай, биз мустабид тузумнинг яроқсиз бошқарув тизими ва усулларини мерос қилиб олдик. “Келажаги буюк давлат барпо этиш” шиори остида Биринчи Президент атрофида жипслашишни хоҳламаган ҳурфикрли юртдошларимиз мамлакатдан бадарға қилинди ёки турли тазйиқлар билан уларнинг овози ўчирилди.

Ўзбекистонда кучли давлат барпо этиш, аввало, давлат раҳбарининг, кейин эса республикамиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг программ мақсадига айланди. Ҳолбуки, Ғарб мутафаккирлари ва файласуфларининг кучли давлат инсон ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ва гражданлик жамияти барпо этишга, умуман, демократияга қарши эканлиги тўғрисидаги таълимотларини ўрганишни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмадик⁴.

Ниҳоят, жаҳондаги нуфузли демократик кучлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотларнинг кескин норозиликларидан кейингина Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти мамлакатда кучли давлат структурасини сақлаб қолгани ҳолда 2001 йилдан бошлаб “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” шиорини илгари сурди.

Миллий мустақиллик йилларида демократик давлат, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, ваколати, кўппартиявийлик, плюрализм ҳақидаги эски ва догматик қарашларимизни ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўришимиз учун имкон берилмади. Ижтимоий онгда “Барча муаммони давлат ҳал қилади. Давлат -бош ислохотчи” деган ғайритабиий ва соғлом ақлга зид қараш мустаҳкам қарор топди.

⁴ Эволюционная концепция Герберта Спенсера - История социологии. Учебник. Минск, “Высшая школа” 1997. С.51 - 57.

Ўзбекистонда кучли давлат барпо этилди ва унинг аянчли оқибатларига жонли гувоҳ бўла бошладик: Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан алоқаларимиз кескин ёмонлашди, мамлакат ичкарисидида умумий кўрқув, пессимизм, художўйлик, ҳаммани сабрли бўлишга чақириш, боқимандалик, ижтимоий ҳаётга лоқайдлик, хорижга иш излаб оммавий равишда кетиш, ахлоқсизлик, фахш, миллий бегоналашув авж олди.

Инсон эркин ва мустақил фикрлай олмаса, шахснинг деградациялашуви, унинг оломонга айланиши рўй беради. Ўта сиёсийлашган жамиятда барча муаммоларни давлат ҳал қилади, деган бирёқлама ва зарарли қараш шаклланди, юртбошининг даҳосига сиғиниш, халқ ташаббусининг сўниши, боқимандалик психологияси ва тушкунлик ҳолати рўй бера бошлади. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ташаббуси билан ҳукумат давлат тасарруфидаги мансабдорлар, муассаса ва ташкилотлар фаолиятинигина эмас, балки бутун жамият ҳаётини сиёсий бошқариш амалиётини қўллай бошлади. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Давлат ва жамият бошқаруви академияси” деб номланди. Мавжуд сиёсий партиялар ҳукуматнинг кучли назорати остида “фаолият кўрсата” бошлади ва ҳукумат Франция ҳукумати тажрибасидан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг фаолияти учун маблағ ажрата бошлади.

Мамлакатимизда, ниҳоят, Президент Ш. М. Мирзиёевнинг ташаббуси билан Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим –тарбия тизимининг сифат ва самарадорлигини оширишдан бошланиши тўғрисидаги концептуал ғоя илгари сурила бошланди. Ҳолбуки, бизнингча, таълим-тарбиянинг сифати ва самарадорлиги инсонга ва унинг шахсига бўлган муносабатнинг тубдан ўзгартирилишига, инсон, шахс, давлат, жамият ва бошқариш моҳиятини янгича тушуниш ва талқин этишга, айниқса, демократик ривожланиш йўлини танлаган Ўзбекистон жамиятида давлат ва унинг муқобили бўлган гражданлик жамияти

институтларининг ўрни, роли, вазифалари ва ваколатларини янгича идрок этишга боғлиқдир.

Республикамизнинг узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг самарадорлиги ўқитувчи ва мураббийларнинг илмий-педагогик фаолиятида тарбияланувчи, ўқувчи ва талабаларга таълим-тарбия объекти сифатида эмас, балки улар шахсини шакллантириш, ривожлантириш, бола, ўқувчи ва талабаларга шахс сифатида ёндашиш, улар шахсини қўллаб-қувватлаш зарурлигини талаб этмоқда.

Зеро, таълим муассасаларининг асосий вазифаси ўқувчиларга замонавий илм-фан асослари бўйича чуқур билим бериш, уларда зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш экан, таълим-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлиги тарбияланувчи, ўқувчи ва талаба шахсининг шаклланишига боғлиқдир.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи ва мураббий фаолиятига боланинг шахсий сифат ва фазилатларини қўллаб-қувватловчи, болага эса таълим-тарбия жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида қараш мамлакатимиз таълим тизими дуч келган қатор муаммоларни оқилона ҳал этишда муҳим омил бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз Президентининг Фармони билан 2017 йили Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши, ўрта умумтаълим мактаблари, айниқса, бошланғич таълим тизимида ўқитиш сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилаш, ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилган улуғвор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши таълим-тарбия тизимида таркибий ўзгаришлар қилишнинг ўзи етарли эмаслигини, балки таълим – тарбия мазмуни ва мақсадини бола шахсини шакллантиришга қаратишни талаб этяпти. Зеро, бола шахси шаклланиши билан у ўз-ўзини тарбияловчи, ўз “Мен”лигини, ҳаётий мақсадларини англашга

интилувчи, ўз-ўзини бошқарувчи ва ўз-ўзини муттасил такомиллаштиришга интилувчи, сабот-матонатли, мустаҳкам иродали ва яратувчи кучга айланади.

Таълим-тарбия жараёнида тарбиячи (мураббий) ва тарбияланувчи, муаллим ва ўқувчи, устоз ва шогирд муносабатларига бундай ёндашиш мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кейинги йилларда рўй бераётган муҳим ижобий ўзгаришлар билан, ўқувчи ва талаба-ёшларда эркин ва мустақил тафаккурни ривожлантириш, туб ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳисси ва фаол гражданлик позициясини шакллантиришга қаратилган туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, янгиланаётган Ўзбекистон истиқболига янгича назар билан қарашнинг илк нишонасидир.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизнинг узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг самарадорлиги ўқитувчи ва мураббийларнинг илмий-педагогик фаолиятида тарбияланувчи, ўқувчи ва талабаларга таълим-тарбия объекти сифатида эмас, балки улар шахсини шакллантириш, ривожлантириш, бола, ўқувчи ва талабаларга шахс сифатида ёндашиш, улар шахсини қўллаб-қувватлаш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ёшларнинг келажакда ўз ватанининг муносиб кадрлари бўлиб етишиши, кенг дунёқарашли, маданиятли бўлиши, ўзбек халқининг илғор анъаналарини муносиб давом эттиришлари учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур:

1) Барча таълим муассасаларида таълим-тарбия ишлари инсон шахси (бола шахси, йигит ва қизлар шахси, талаба шахси, ўқитувчи шахси...)ни тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш ва қадрлашга йўналтирилиши лозим.

2) Демократик кадриятлар назария ва амалиёт сифатида, аввало, олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида кенг тарғиб этилиши ва амал қилишига эришиш лозим;

3) Олий ўқув юртлири талабалари ўртасида демократик принциплар (шахс эркинлиги, рационализм, либерализм, плюрализм, индивидуализм, танқид

ва ўз-ўзини танқид кўникмалари ва маданияти)ни кенг тарғиб этиш ва ана шу кўникмаларни шакллантириш зарур;

4) Бошқача қарашларга нисбатан толерантлик маданияти, танқидий ва рационал фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш лозим.

5) Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари жамоасига фанларни ўқитиш, илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, кадрлар танлаш ва тайёрлашда кенг эркинликлар бериш, бунинг учун кафедра мудирларига ўқитиш, илмий тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш ва кадрлар танлаш бўйича кенг ваколатлар бериш ва уларнинг масъулиятини ошириш лозим;

6) Ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитишни тубдан қайта қуриш, унинг бош мақсади сиёсий буюртмаларни бажариш эмас, балки *инсон ва жамиятнинг моҳиятини илмий асосда ўрганиш, ёшларда фаол ҳаётий ва гражданлик позициясини шакллантириш, инсон шахсини камол топтириш, жамиятни такомиллаштириш ва инсон сифатини яхшилаш эканлиги “Ижтимоий-гуманитар фанлар ва олимнинг статуси тўғрисида”ги қонунда белгиланиши лозим.*

Ижтимоий-гуманитар фанларни сиёсат ва мафкурадан ҳалос этиш борасида ривожланган Ғарб мамлакатлари орттирган бой тажрибани ўрганиш айниқса муҳимдир.

7) Ёшлар социологияси, фан социологияси, сиёсат социологияси, дин социологияси, таълим социологияси фанлари олий ўқув юртларида ўқитилиши ва шундай йўналишларда юқори малакали мутахассис –кадрлар тайёрланиши зарур.

8) Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бугунги ҳақиқий ҳолати ва муҳим тенденцияларини илмий асосда ўрганиш учун мавжуд сиёсий бошқариш принципларининг аянчли оқибатларини эътироф этиш, жамиятни шахслар, давлатни эса сиёсатчилар бошқаришлари зарурлигини англаш ва давлат тоталитаризмига чек қўйиш айниқса муҳимдир.

Хуллас, таълим муассасаларининг асосий вазифаси ўқувчиларга замонавий илм-фан асослари бўйича чуқур билим бериш, уларда зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш экан, таълим-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлиги тарбияланувчи, ўқувчи ва талаба шахсининг шаклланишига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида ижодкор шахсининг шаклланиши учун пухта замин яратади.

Фан тараққиёти учун шахс эркинлиги, мустақиллиги ҳаётий заруриятдир. Бола шахси эса оилада, она бағрида, тарбия жараёнида, эркинлик муҳитида шаклланади. Эрксиз, муте она бола «Мен»лигини синдиришга, бола эркини бўғишга мойил бўлади. Чунки у боланинг мўмин-қобиллиги, итоаткорлигини ахлоқий тарбиянинг муҳим мезони, одобилик белгиси деб билади.

Ўзбек оиласида болалар ўз-ўзига хизмат қилиш ва ўз-ўзини бошқариш руҳида тарбия олмайдилар. Она ва қиз болалар бутун оила аъзоларига хизмат қилувчи беминнат чўрилар ҳисобланади. Оилада биргаликда яшайдиган чол ва кампирлар муттасил равишда қизларни ота ва ака-укаларга хизмат қилишга, эркакларнинг фариштаси улуғ эканлигини эслатишга зўр берадилар. Ўзбек оиласида ота ва ўғиллар барча рўзгор юмушларидан озод қилинадилар ва ўзларини ҳамма масалада ҳақ, ақлли деб ҳисоблайдилар, ўзларини мустабид ҳукмдорлардек тутадилар.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлиги масаласида эришилган ютуқлар, оилавий муносабатларда хотин-қизларнинг аянчли аҳволда қолаётганлиги масалалари Марфуа Тўхтаўжаеванинг⁵ «Ўтмиш толиқтирган аёллар» китобида кенг ва чуқур тавсифланди.

Миллий мустақиллик йилларида ҳукуратимиз томонидан амалга оширилган ислохотлар самарасизлиги, айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш зарурияти мамлкатимиз тарихида маърифатпарварлик

⁵ Тўхтаўжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. Тошкент, 2001

ғояларини тўртинчи марта кун тартибига қўйишни, халқимиз маънавиятини юксалтиришни талаб эта бошлади.

Ҳозирги пайтда медицина, маданият, таълим-тарбия ва фан соҳаларида хизмат қилаётган ходимларнинг кўпчилигини, шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўқитувчиларининг 90-95 фоизини хотин-қизлар ташкил этиб турган бир шароитда хотин-қизларнинг оилавий муносабатларда эркаклар билан ижтимоий муносабатларда тенглиги (гендер) муаммосини ҳал этиш ғоят долзарб муаммо эканлигини кўрсатапти. Айниқса, Ўзбекистонда гендер муаммоларини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб борган хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда хотин-қизлар дискриминацияси реал факт эканлигидан қаттиқ ташвиш билдира бошладилар.

Ўзбекистон биринчи президентининг қатор асарларида бозор иқтисодиёти шароитида мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, ижодкор, довюрак, билимдон, ҳар жиҳатдан етук авлодни – янги типдаги шахсни тарбиялаш зарурлиги алоҳида таъкидланиши ва шу мақсадда кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган бўлишига қарамай бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилмади. Билъакс, таълим-тарбия тизимидаги инқирозлар тобора хатарли тус олди. Таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг пухта ишланган илмий-назарий концепцияси мавжуд эмаслиги ислоҳотлар самарасизлигига олиб келди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида диний қадриятлар тикланиши ва виждон эркинлигининг кафолатланишига оид чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда диний мутаассиблик, экстримизм ва хилма хил диний оқимларнинг ривожланиши учун кенг йўл очди.

Дин фанга зид равишда сиёсий тоталитаризм, итоаткорлик, мутелик муҳитида гуркираб ривожланди, ижтимоий турғунлик ва таназзулни кучайтирди.

Диний тафаккур учун олға интилиш ва тараққиёт эмас, балки консерватизм, янгиликларга йўл қўймаслик, ақидапараслик, тафаккур турғунлиги хосдир.

Демократик давлат ўз конституциясида фикрлар, ғоялар, қарашлар хилма-хиллиги, плюрализмни ҳаётий принцип сифатида ҳимоя қилар ва ҳуқуқий қафолатлар экан, илмий тафаккурнинг устивор ривожланишига, илмий кадриятларнинг жамият маънавий ҳаётида етакчи роль ўйнашига эришмас экан, маънавий-ахлоқий таназзулни бартараф қила олмайди.

Ўзбек аёлининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини чеклаш, уни оила бағрига қайтариш йўлидаги ошкора ёки яширин ташвиқотлар самарасиз бўлибгина қолмай, мутлақо истикболсиздир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий кадриятларни тиклаш ва халқимиз ўртасида тарғиб қилишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ўзбек оиласида фарзандларнинг ота-онага қарамлиги, итоаткорлигини кучайтирибгина қолмай ўртаасрчиликнинг ўғил уйлаш, қиз чиқариш, бешик тўйи, неvara тўйи сингари чиркин маросим ва урф-одатларини янада кучайтирди, натижада ўзбек оиласи ғоят мушкул муаммолар гирдобига тушиб қолди.

Ўтиш даврида халқни ислом динига ёт бидъатлар (ўғил уйлаш, қиз чиқариш, неvara тўйи ва ҳоказо)дан халос этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ваҳҳобийлик оқими ҳукуматнинг қаттиқ қаршилигига учради: ҳукумат воҳҳобийларнинг халқ ўртасида обрў ва таъсирга эга бўлишидан жиддий ташвишланди; ваҳҳобийлик диний-экстремистик оқим деб баҳоланди ва унинг фаолияти таъқиқланди. Диний оқимларга бундай муносабат мамлакат Конституциясига зид эди, шу боисдан ҳам жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистон ҳукуматига норозилик билдирди.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти жаҳон афкор оммасининг талаби остида «фикрга қарши фикр билан, ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши

маърифат билан курашиш» принципини эълон қилди, бироқ амалда ғояга қарши куч билан, зўравонлик билан кураш, бошқача фикрлайдиганларни турли тухматлар билан қамаш йўли билан курашиш практикаси давом этди.

Макмлакатнинг биринчи президенти томонидан бозор муносабатларига ўтиш беш тамойили («Ўзбек модели»)нинг ишлаб чиқиши большевикларнинг СССРда социализм куриш режасига ғоят ўхшаса-да, моҳиятан бозор иқтисодиётига ўтишга асло имкон бермас эди. Мустақил Ўзбекистоннинг 25 йиллик тажрибаси бутун дунёга давлат тоталитаризми (антидемократия) шароитида табдиркорлик ҳам, бозор муносабатлари ҳам шакллана олмаслигини намоёни қилди. Шахс эркинликлари (сўз, матбуот, виждон эркинликлари, митингларда қатнашиш эркинликлари) шафқатсиз бўғилган, коррупция, порахўрлик, ўғрилик одатий ҳолга айланган, ҳамма бир хилда фикрлашга мажбур қилинган шароитда ҳукуматга олимнинг жамият ва унинг муаммолари тўғрисидаги тадқиқотлари кераксиз бўлиб қолди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган бирон бир ислохотнинг изчил эмаслиги, ярим-ёртилиги охиروқибатда ижтимоий-сиёсий таназзулни янада кучайтирди.

Ўзбекистонда фаннинг қадрсизланишини ва илмий тафаккурнинг ўлимини тезлаштирган асосий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) фанни мустабидларча авторитар бошқариш усули;
- 2) ҳаммани бир хилда фикрлашга мажбур қилиш;
- 3) ҳукумат сиёсатини маъқулламаган таниқли фан, санъат ва

маданият арбобларига нисбатан кучли босим ва тазйиқ ўтказилиши;

- 4) олим меҳнатига тўланадиган чойчақа маошнинг етишмаслиги

оқибатида таълим-тарбия муассасаларида таъмагирлик ва порахўрликнинг авж олиши;

5) ахлоқий тарбиянинг ақлга эмас, балки анъанага асосланганлиги;

6) мутелик ва итоаткорликни миллий фожеа деб эмас, балки ахлоқий баркамоллик мезони сифатида баҳоланиши;

7) юқори малакали мутахассис-кадрларни раҳбарлик лавозимларига қўйишда, кадрлар танлашда уларнинг билими, маҳорати ва интеллектуал солоҳиятига эмас, балки коррупциялашган сиёсий системага содиқлигига кўпроқ эътибор қаратилиши ва ҳоказолар.

Фан моҳиятан ўз-ўзидан қадрият бўлиб, инсоннинг воқеликни билишга бўлган қизиқувчанлик табиати, воқеликни ўзлаштириш ва ўз манфаатларига мос равишда ўзгартириш эҳтиёжи билан узвий боғлиқдир. У индивидларнинг субъектив эҳтиёжларини қондириш билан кифояланмайди: умумбашарий ва абадий қадрият сифатида жуда катта ижтимоий мазмун ва аҳамият касб этади.

Фан соҳасида қилинган ҳар бир кашфиёт бутун инсоният учун, ун қийнаётган муаммоларни оқилона ҳал қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун хизмат қилади. Ҳар бир илмий кашфиёт бутун инсониятга маълум қилинади, фан ютуқлари миллий чегарадан ташқари чиқади ва бутун инсониятнинг интеллектуал мулки ва бойлигига айланади. Шу боис ҳар бир халқ ўзи етиштирган улуғ олимлари билан ҳақли равишда фахрланади ва жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб қадрланади.

Интеллектуал салоҳияти юксак, эркин ва озод халқларгина улуғ алломаларни етиштира олади. Ҳар бир олим ўзи мансуб бўлган халқнинг нималарга қодир эканлигини, миллий маданиятнинг куч ва қудратини намоён қилади. Улуғ олимлар ўзи мансуб бўлган халқни бутун инсоният билан, аجدодларни авлодлар билан, ўтмишни келажак билан боғлайдиган олтин халқа вазифасини бажарадилар.

Миллий маҳдудлик фан табиатига, олим шахсига бутунлай ётдир. Фан маҳаллийчилик, миллатчилик сингари социал иллатларга барҳам беришнинг синалган воситасидир. Чунки фан эркин тафаккур ривожланишининг маҳсули сифатида яшар экан, одамларнинг миллий, ирқий, жинсий, диний ва социал белгиларини эмас, балки илмий-интеллектуал салоҳияти, социал сифатини қадрлайди, бутун диққатини тафаккур соҳибига – хазрати инсонга қаратади.

Инсоният ўзининг кўпасрлик тарихи давомида миллий, ирқий, диний ва социал айримачилик, ихтилофлар оқибатида келиб чиққан қонли тўқнашувлар ва урушларга гувоҳ бўлган. Фақат фангина халқлар ўртасидаги ҳар қандай айримачиликларга барҳам берган, халқларни ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка, ақл билан яшашга, ҳар қандай муаммони оқилона ҳал этишга ундаган.

Олим ақл ва тафаккур қудратини намойиш қилар экан, одамларни қалбни поклашга, эҳтирослар, ҳис-туйғуларни жиловлашга, воқеликни жиддий ўрганишга ундайди. Ҳақиқий олимлар ҳеч қачон ёмонликни, ёвузликни тарғиб қилмайдилар, балки ихтилофларнинг келиб чиқиш сабабларини холисона ўрганиш ва тинч йўл билан ҳал қилишга интиладилар. Эътимол, шу боисдан ҳам олимлар инсон камолотининг идеал намунаси, баркамол шахс сифатида қадрланадилар.

Кишиларнинг илм-фанга муҳаббат қўйиши ҳамма замонларда ҳам соғлом ижтимоий – ахлоқий муҳитнинг, нормал инсоний ҳаётнинг, сўз ва виждон эркинлигининг ҳосиласи бўлиб келган.

Минг йиллар муқаддам яшаб ижод қилган улуғ аجدодларимиз саройга, ҳукмдорларга яқин ва уларнинг ҳимоясида бўлганлиги учун ҳам самарали ижод билан шуғулланиш имконига эга бўлганлар.

Қашшоқлар юртидан ҳеч қачон буюк олимлар чиқмаган ва чиқа олмайди ҳам. «Доимий муҳтожлик барча муқаддас нарсаларни ҳақоратлайди»; - деб ёзган

эди буюк немис файласуфи Гегель. Қашшоқлар мамлакатада фан ҳам худди санъат ва дин сингари бир амаллаб тирикчилик ўтказиш воситасига айланади.

Инсоният маънавиятининг ибтидоси ахлоқ бўлса, унинг энг юксак чўққиси фандир. Маънавияти юксак халқлар фан билан фаол ва жиддий шуғулланадилар, илм-фан аҳлини кадрлайдилар, воқеликка илмий-танқидий муносабатда бўладилар, эришган ютуқлари билан қаноатланмайдилар, инсоний баркамолликка, етуклик тимсолига айланадилар. Европа халқлари, Осиёнинг Япония, Жанубий Корея халқлари илм-фаннинг равнақи шарофатидан юксак тараққиётга эришдилар.

Фан кишилари ҳеч қачон захматли меҳнатларидан нолимайдилар: тадқиқот жараёнида эришилган озгина ютуқ уларга катта ҳузур ва лаззат бағишлайди: фанга хос жозибадорлик олимга тинчлик бермайди, уни муттасил изланишга, илм захматлари ортида яширинган ҳузур-ҳаловатдан баҳраманд бўлишга ундайверади.

Ҳақиқий олимлар ўз меҳнатлари эвазига бошқалардан, ҳукуматдан мукофот кутмайдилар, улар таъмагирлик нималигини билмайдилар. Ҳақиқат ошиғига айланган буюк олимлар оддий одамларга ўхшамай қоладилар: оилавий ҳаёт қуришни, тўй-томошаларда ўйнаб-қулишни кераксиз ва ортиқча дахмаза деб ҳисоблайдилар: уйланишдан воз кечадилар, узлатга юз ўгирадилар. Умар Хайём, Алишер Навоий, Декарт, Спиноза, Ж. Локк, Исаак Ньютон, Кант сингари буюк алломалар, Аллоҳнинг васлига интилиб яшаган буюк мутасаввифлар ана шундай эдилар.

Мустақил Ўзбекистонда ота-оналарнинг фарзандларга, фарзандларнинг эса ота-онага қарамлиги ҳукумат томонидан маъқулланаётган, ўзбек оиласи мушкул муаммолар гирдобига тушиб қолган, ахлоқий парокандалик, зулм ва зўравонлик авж олаётган ҳозирги шароитда фақат илм-фангина, маърифатпарварлик ғояларигина жамиятни муқаррар халокатдан қутқариши мумкин. Агар биз

маънавий қадриятлар тизимида ахлоқий қадриятлар биринчи ўринда туришини, илмий қадриятлар эса юқори ўринда эканлигини эътироф этар эканмиз, Ўзбекистонда фаннинг истиқболи ахлоқий қадриятларга анъанавий ёндашишдан қатъий воз кечиб, унга ақл кўзи билан ёндашувимизга, яъни воқеликка илмий асосда ёндашиш талабларидан келиб чиқиб, ахлоқни рационаллаштиришимизга, кишиларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини баҳолашда ақл ва мантиқ талабларига бўйсунимиз зарурдир.

Европаликларнинг ахлоқи фан нуқтаи назаридан қанчалар оқилона ва мақсадга мувофиқ бўлса, Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи тасаввурида беҳаё ва бешарм бўлиб туюлар экан, Европа халқлари назарида шарқона ахлоқ соғлом фикрга бутунлай зид, ўта ибтидоий ва жўн бўлиб туюлади.

Воқеликка илмий муносабатда бўлишга интиладиган европаликлар ахлоққа ақл кўзи билан қарайдилар, инсон ҳуқуқини, шахс эркинлигини муқаддас қадрият деб биладилар.

Улар одамларнинг қандай кийиниши, ким билан яшаши, кимга уйланиши ва қачон фарзандли бўлишини муҳокама қилишни (ғийбат қилишни) ахлоқсизлик деб ҳисоблайдилар.

Ўзбек халқи минг йиллар давомида ахлоқ талабларига кўр-кўрона, онгсиз равишда муносабатда бўлиб келди: катталарни ҳурмат қилиш керак, деган тушунча катталарга хизмат қилиш керак, деб тушунтирила бошланди. Натижада ёши кичиклар катталар олдида ҳуқуқсиз, итоаткор кимсага айланадилар. Катталар ҳукм қилувчи, кичиклар жабрланувчига айландилар. Шу боисдан ҳам ўзбек халқини ўтган юз мобайнида бирор нарса харид қилиш учун навбатга туришга ўргатиб бўлмади: ёшинг катта бўлса, кичиклар ҳуқуқини бемолот поймол қилишинг мумкин. Ёши кичиклар катталар олдида ўзларини ҳамиша гуноҳкор ва айбдор ҳис этадилар. Европалик етмиш ёшли мўйсафид етти ёшли боладан кейин навбатга турар экан, бола шахсини, унинг инсоний кадр-

қимматини ҳурмат қилади, боладан олтмиш уч йил илгари туғилганлигини ўзининг буюк хизмати деб билмайди ва бунинг учун имтиёз талаб қилмайди.

Европаликнинг аёлга, хотин-қизларга бўлган муносабати ҳам тафаккур ҳукмларига тўла мосдир. Кимнидир ёруғ дунёга ўғил ёки қиз бўлиб келиши европалик тасаввурида улар ҳеч қандай имтиёз бермайди, зеро, Худонинг назарида ўғил ҳам, қиз ҳам бирдек азиздир. Европалик эркак аёлга ўз зурриёдини давом эттиришга имкон берувчи она, мураббий, меҳрибон дўст ва умр йўлдошим деб қарайди; аёлининг инсоний кадр-қимматини ҳамма нарсадан юқори қўяди, уни камситиш, ҳақоратлашга эмас, балки эъзозлашга, рўзғор юмушларида яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилади. Европалик аёл ёруғ дунёга аёл бўлиб келганидан афсусланмайди, аёллик қисматидан нолимайди, ўзини эркак билан ҳамма масалада тенг ҳуқуқли ва эркин ҳис этади. Европалик эркак оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлашни асосий бурчим деб билар экан, аёл ўз фарзандларини баркамол инсон қилиб тарбиялаш, вояга етказиш, оилада соғлом муҳит яратиш, эрни буюк ва эзгу ишларга илҳомлантириш оналик, аёллик бурчим деб ҳисоблайди. Европаликнинг оиласида ҳар ким ўз-ўзига хизмат қилади, бир-бирига кўмаклашади. Ота боласига иш буюрмайди, бирор ишни бажариб қўйишни илтимос қилади: оталик вазифасига имтиёз деб, барча оила аъзолари устидан ҳукмронлик қилиш воситаси деб эмас, балки инсоний бурчим деб ҳисоблайди. Европаликлар фарзандларини дунёга келтирганини, боқиши, кийинтириши, ўқитишини ҳеч қачон миннат қилмайдилар: фарзандга инсоний муҳаббат маҳсули, ҳаёт қувончи, зурриёдимнинг давоми, уни авайлаб вояга етказиш, мустақил ҳаётга кузатиш инсоний бурчим деб ўйлайди. Европалик тасаввурида фарзанд ота-онани боқувчи, унга ўлгунича хизмат қилувчи эмас, балки ўз-ўзини бошқарувчи мустақил ва эркин шахсдир. Балоғат ёшидаги йигит-қизлар ўз тақдирини ўзлари ҳал этадилар, ота-онага ортиқча юк, кулфат бўлмайдилар.

Демократик давлат оиланинг ички ҳаётига аралашмайди, балоғат ёшидаги йигит-қизларнинг хулқ-атвори, жиноий хатти-ҳаракати учун ота-онани жиноят курсисига ўтказмайди ёки аксинча, нобакор ота-онанинг ахлоқсизлиги, жинояти учун фарзандлар жабр тортмайдилар.

Европалик ота-оналар фарзандларини ёшига номуносиб ҳиссий кечинмаларга берилишдан эҳтиёт қиладилар, фарзандлари балоғат ёшига етиб боргани сайин тўғри жинсий тарбия беришдан уялмайдилар. Балоғат ёшидаги европалик ёшлар оила қуриш билан жинсий ҳаёт кечиришни бир-биридан фарқлайдилар: оила қуришга катта масъулият билан қарайдилар; бирон бир касбни эгаллаб, оила учун зарур иқтисодий замин яратмай туриб оила қуришга шошилмайдилар, бироқ ўзлари ёқтирган севимли кишилар билан яқин интим муносабатларда бўлиш орқали ўз жинсий эҳтиёжларини бемалол қондира оладилар. Европалик ёшлар оила қуриш учун жисмоний физиологик тайёргарликдан ташқари яна маънавий – ахлоқий ва иқтисодий тайёргарлик ҳам зарур деб ҳисоблайдилар. Нафақат жисмоний, балки маънавий-интеллектуал етук ота-оналардан эса жисмонан соғлом, зуваласи пишиқ фарзандлар дунёга келади.

Дунёга келган ҳар бир янги оила ўзида давр руҳи ва эҳтиёжларини акс эттиради: ҳар бир авлод ўзига хос дид, дунёқараш ва идеаллар асосида оилавий ҳаётга қадам қўяди. Кекса авлоднинг оила ҳақидаги тушунча ва қарашлари янги авлоднинг қарашларига мос келмаслигини яхши англайдиган европаликлар фарзандларининг ота-онадан мустақил равишдан оила бўлиб яшашларига асло тўсқинлик қилмайдилар. Ҳар бир оила ўз муаммосини ўзи ҳал этади.

Ўзбекистонда фаннинг миллий қадрият даражасига кўтарилиши, маърифатпарварлик ғояларининг ижтимоий ҳаракатга айланиши, халқимиз онгида илмий фикрлаш лаёқатини тарбиялаш учун биринчи навбатда шарқона ахлоқни рационаллаштириш, халқимизнинг турмуш ва фикрлаш тарзида инқилобий ўзгаришлар қилиш ҳаётий заруратга айланди. Иккинчидан,

аёлларнинг оилавий муносабатларда, уй-рўзгор юмушларини бажаришда, бола тарбиясида баб-баравар масъуллигини қарор топтириш, оилада хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилиш ҳолатларига барҳам бериш, оилада аёлнинг нормал дам олиши, ўз билим ва малакасини ошириши учун шароит яратиш жуда катта ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар учун замин яратади.

Инсон эҳтиёжлари муттасил равишда ривожланиб борар экан, фан ва техника тараққиётигина инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, инсон учун муносиб ҳаёт даражасини яратишга имкон беради. Фан мустақил, эркин ва ижодий тафаккур орқали ривожланр экан, эркин фикрлайдиган авлод оила бағридагина шаклланар экан, Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантирмоқ учун оилавий муносабатларда инқилобий ўзгаришлар қилиш талаб этилади. Воқеликка илмий нуқтаи назардан ёндашув, илмий дунёқараш орқалигина мамлакатни халокатдан, халқимизни эса диний мутаассиблик, қалоқлик ва қашшоқликдан қутқариш мумкин бўлади.

Оила қадриятларига илмий асосда ёндашиш, ижтимоий – сиёсий тараққиётимиз учун халақит бераётган ўртаасрчиликнинг чиркин анъаналаридан қатъий воз кечиш орқалигина халқимизнинг маънавий ҳаётида илмий қадриятлар устиворлигини таъминлаш, демократик тараққиёт сари кенг йўл очиш мумкин.

Биз ижтимоий-сиёсий ходисаларга: фанга, динга, санъатга, сиёсатга, иқтисодиётга, мафкурага ва ҳоказоларга миллий тараққиёт, миллий мустақиллик манфаатлари орқали ёндашсаккина кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин.

Диний эркинлик, виждон эркинлиги жаҳолат эркинлигига айланмаслигининг зарур шарт диндорларга зимдан тазйиқ ўтказиш эмас, балки халқимиз ўртасида маърифатпарварлик ғояларини, илм – фаннинг буюк халоскорлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш, илм аҳллариини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илм – фан, таълим-тарбия муассасаларида соғлом рақобатли муҳит яратишдир.

Ўзбекона турмуш тарзигина эмас, балки раъй-андиша ҳам, ўзбекона фикрлаш тарзи ҳам фан ривожини йўлидаги катта ғовга айланди. Ҳар қандай фикр ким томонидан айтилишидан қатъи назар, эътиборга, танқидий таҳлилга лойиқдир. Ана шундагина илмий тафаккур объектив ҳақиқатга яқинлашади.

Олимнинг халқ, жамият олдидаги, бутун инсоният олдидаги бурчи, вазифаси ҳақида алоҳида тўхташ мақсадга мувофиқдир.

Давлат халқдан ундириладиган солиқлар ҳисобига олимларнинг самарали илмий фаолияти, ҳаёт кечириши учун шароит яратади. Олим ўз халқига ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилишга, халқининг мушқулини осон қилишга, фаровон ва бахтли ҳаёт учун муносиб ҳисса қушишга бурчлидир. Зеро, халқ олимларга ҳамиша умидворлик билан қарайди, олимларни ҳақиқат, эзгулик, ёруғлик жарчиси деб билади. Олимлар донишмандларнинг бир неча минг йиллик билимларига таяниб, бугунги кун муаммоларини ҳал этишга киришадилар. Авом халқ ўз олимларига ҳалоскор, тўғри йўл кўрсатувчи раҳнамо ва донишманд сифатида қарайди.

Олимлар жамиятнинг истисносиз барча муаммоларини ҳолисона ўрганадилар. Мураккаб ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал қилиш учун ҳукуматга амалий тавсиялар берадилар. Олим меҳнати ўзининг инсонпарварлиги, тараққийпарварлиги билан катта ижтимоий аҳамиятга моликдир. Олимнинг илмий кашфиётлари ҳеч кимдан сир сақланмайди, балки ундан ҳамма бирдек баъраманд бўлади.

Анъанавий жамиятдан очик ва демократик жамиятга ўтиш даврида фан ва сиёсатнинг ўзаро муносабатини янгича идрок этиш ғоят муҳимдир. Давлат сиёсати фан ҳулосаларига таянсагина изчил, таъсирчан кучга эга бўлади ва кўзланган натижага эришади. Фанни сиёсат тарбиётчисига айлантириш, тафаккур ва ижод эркинлигини бўғиш, ҳаммани бир хилда фикрлашга мажбур қилиш охир-оқибатда фан обрўсининг тушишига, олим меҳнатининг

қадрсизланишига, фаннинг эрмакка, тирикчилик ўтказиш воситасига айлантиришига олиб келади.

Олим миллий тараққиёт манфаатлари йўлида захмат чекар экан ўз илмий кашфиётларининг социал оқибатлари учун бутун инсоният олдидаги масъулиятини теран англаши лозим. Урушларни, ирқий, миллий ва социал зиддиятларни кескинлаштиришга қаратилган илмий назариялар, инсоният ҳаётига таҳдид солувчи илмий кашфиётлар олим шахсига юксак ахлоқий талаблар қўяди.

Фан моҳиятан умумбашарий қадрият, эзгулик ва тараққиёт омили экан, олимлар ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, халқимизнинг илм-фанга бўлган муҳаббатини кучайтириш бугунги куннинг талабидир.

II БОБ. ОҒИЛОНА ҲАЁТ ТАРЗИ – ИЛМИЙ ТАФАККУР РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

II.1. Инсоний ҳаётнинг маъноси.

Яшаш, бу- орзулар қанотин кермоқ,
Яшаш, бу- муҳаббат гулларин термоқ,
Яшаш, бу –умрининг гулгун онларин
Эл учун яшамоқ, эл учун бермоқ
Омон Матжон

Инсоний ҳаётнинг мазмун-моҳияти унинг яратувчан қобилияти билан узвий боғлиқдир. Инсон ақлли мавжудот сифатида ўзи яшаб турган табиий ва ижтимоий борлиқни билиш ва ўзлаштириш қобилиятига эга бўлиб, ўзининг кундалик ҳаётий эҳтиёжларидан ортиқча неъматлар яратиш, бошқаларга кўмаклашиш, захирадаги неъматлар эвазига ўзининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш имконига эга бўлади. Хусусий мулк, захирадаги ортиқча маҳсулот инсонни табиатга қарамликдан, доимий муътожлик, очлик ва қашшоқликдан сақлайди. Инсон табиий офатлар олдида ўзини ожиз ҳис қилмайди.

Хусусий мулк инсоннинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, шахс эркинлигининг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Гегелнинг таъкидлашича, хусусий мулк инсон «Мен» лигини, унинг нимага қодир эканлигини кўрсатувчи далилдир.

Хусусий мулкдан маҳрумлик инсоний моҳиятдан маҳрумлик, эрксизлик, мутелик ва ожизлик демакдир. Шу боис мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи инсонни табиий ҳуқуқларидан бири бўлиб, дастлабки буржуа конституцияларида хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий кафолатланиши инсон ҳаётини муҳофаза қилиш зарурияти билан шартланган эди.

Мулкдан маҳрумлик, доимий муътожлик инсоний ҳаёт моҳиятига бутунлай зид бўлиб, социал ва табиий стихиялар олдида доимий кўрқув остида яшашга

олиб келади. инсон ақлли мавжудот сифатида кундалик эҳтиёжларидан ортиқча маҳсулот ярата олмагач, ўз эҳтиёжларини чеклашга, сабр-тоқатли бўлишга, очдан ўлмаганлиги учун шукр қилишга мажбур бўлади.

Бир амаллаб тирикчилик ўтказиш, ҳаётнинг маъносини бола-чақа боқиш, еб-ичиш, кўпроқ нарсаларга эга бўлишдан иборат деб тушуниш ҳайвонлар ҳаётининг моҳиятини ташкил этади.

Ҳайвонлар фикрлай олмайдилар, ўзларининг ночор аъволидан шикоят ҳам қилмайдилар. Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқи кўп асрлар мобайнида доимий мухтожлик, мулксизлик, ҳимоясизлик муҳитида тирикчилик ўтказишга, ўз эҳтиёжларини чеклашга мажбур бўлган, бу эса миллий психология, миллий менталитетнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган.

Ўзбекларнинг нонни авайлаб-асраши, фарзандларига нисбатан ўта меҳрибонлиги, меҳмондўстлиги, сабр-тоқатлилиги, ота-она бағридан узоқлаша олмаслиги заминида унинг ожизлиги, ўзига ишончсизлиги, ҳимоясизлиги ётади, албатта. Ўн минглаб одамларнинг ҳаётига чанг солган очарчилик, қурғоқчиликларнинг вақти-вақти билан такрорланиб туриши оқибатида одамларда нонга сиғиниш, уни авайлаб-асраш ҳисси шаклланган. Одамлар нондан ташқари ўтин, қоғоз, темир-терсакни ҳам кўз қорачиғидек эҳтиёт қилишга одатланганлар.

Турли касалликлар ва очарчиликлар туфайли фарзандлар ўлимининг кўпайиши оқибатида қашшоқ ва камбағал оилаларда серфарзандлик, болажонлик, фарзанд учун фидойилик психологияси шаклланган.

Шарқда деспотик бошқаришнинг танҳо ҳукмронлиги, аҳолининг меҳнат қобилиятини йўқотганида, ногирон бўлиб қолганида ижтимоий ҳимоясизлиги, қашшоқ ҳаёт-ана шуларнинг бари ота-оналани кексайганда фарзандлар ёрдамига умид боғлашга мажбур қилган. Шу сабабли ҳам ота-оналар балоғат ёшидаги

фарзандларининг алоҳида оила бўлиб ажралиб чиқишига асло розилик бермаганлар.

Хонликлар даврида инсон ҳуқуқлари, гражданлик ҳуқуқлари, кексайганда ижтимоий ҳимояланиш ва ҳоказо ҳақида ҳатто гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Минг йиллар давомида шарқликлар ҳаётининг иқтисодий асосини деҳқончилик ишлаб чиқариши ташкил этган. Ишлаб чиқаришнинг ўта ибтидоийлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, сувнинг танқислиги ва ҳоказо меҳнат маданиятининг ривожланишига, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга имкон бермаган. Жамоа бўлиб меҳнат қилиш деҳқонларнинг ожизлиги, ёлғиз ҳолда ишлаб чиқара олмаслиги билан боғлиқ эди.

Хонликлар даврида ишлаб чиқариш ҳам, ижтимоий-маиший ҳаёт ҳам анъанага асосланар, уни ўзгартириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Аграр ишлаб чиқаришга асосланувчи жамият Ғарбий Европа фалсафасида анъанавий жамият номи билан аталди. Бундай жамиятнинг маънавий ҳаётида диний дунёқараш танъо ҳукмронлик Қилар, ʻурфифрлик мано этилар, миллий маҳдудлик ва диний мутаассиблик кишиларнинг фикрлаш тарзини белгиларди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳукуматимиз томонидан миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланиши билан ўртаасрчиликнинг чиркин анъаналари миллий қадрият сифатида қайтадан тиклана бошлади. Ўғил уйлаш, қиз чиқариш маросимлари йилдан йилга кучайиб, уларни бажариш ёзилмаган қонун тусини ола бошлади.

Мамлакат Президентининг 1994 йили тўй маросимларини тартибга солишга қаратилган фармони кутилган ижобий самарасини бермади. Ота-оналарнинг маросимларни эл катори ўтказишга мажбур қилиниши оқибатида оиланинг қарзга ботиши, оналар ва болалар ўлмининг, камқонлик касалининг кучайиши хатарли тус олди. Ўтган ўн беш йил мобайнида ҳукумат томонидан ишбилармонлик, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари

яратилган, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилган бўлишига қарамай аҳолининг катта қисми ўз томорқасидан фойдаланиш, чорва молларини кўпайтириш, техника воситаларидан фойдаланиш имконига ҳам эга бўлмай қолди. Чунки ота-оналар қизларини турмушга бериш учун ўзларининг кундалик эҳтиёжларини чеклаш, томорқа даромадани тўласига сарфлаш ҳисобига ўртача 3-4 миллион сарфлашга мажбур бўляптилар. Қудаларнинг бир-бирига нисбатан ўта шафқатсизлиги ва таъмагирлиги миллатнинг ўз ичидан емирилишига, қарамлик, жаҳолат ва жинойтчиликнинг кучайишига олиб келяпти.

Бозор иқтисодиёти ўзининг туб моҳиятига кўра рақобат курашида кучлилар, ақллилар ва удабуронларнинг яшаб қолишини тақозо қилар экан, соғлом ақлга мутлақо зид бўлган анъаналар ҳамон кучайиб бораётганлиги охир-оқибатда иқтисодий ислохотларнинг барбод бўлишига олиб келди. Гап шундаки, доимий мухтожлик, қашшоқлик инсоннинг ўзига бўлган ишончининг йўқолишига, тушкунлик ва жинойтчиликка мойил қилиб қўяди.

Ўзбек оиласида анъаналарнинг сақланиб қолиш сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1) кекса авлод билан ёш оиланинг биргаликда яшаши. Кексалар анъаналарга тиш-тирноғи билан ёпишиб оладилар. Анъаналарга содиқликни гўё аجدодлар руҳига ҳурмат деб биладилар, анъаналарда ҳаётнинг маъносини кўрадилар.

2) хотин-қизларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқсизлиги. Балоғат ёшидаги қизлар турмушга чиқар эканлар, агар оиласи бузилса, қайтиб бу хонадонга ҳақли бўла олмасликларини англаганлари ҳолда тўйдан олдин ота-она мулкидан ўз улушини кўпроқ ундириб олишга, бунинг учун ота-она ва ака – укаларга нисбатан шафқатсиз бўлишга мажбурдирлар.

Буюк ўзбек мутафаккири ва адиби Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи яратилганига бу йил юз йил бўлди. Бироқ асарда Абдулла Қодирий

томонидан илгари сурилган шахс эркинлиги ғояси, чиркин анъаналарга қарши илгари сурилган илғор ижтимоий-фалсафий ва бадиий-эстетик ғоялар ҳамон долзарблигича қоляпти.

Ўзбек қизларининг бирон бир касбни эгаллаб, турмуши учун зарур маблағни ўз қўли билан яратиш, европалик қизлар сингари 25-30 ёшида турмуш қуриши учун шарқона ахлоқ талаблари изн бермайди. Чунки ўғилларининг “бузилиб” кетишидан, никоҳгача жинсий ҳаёт тажрибасига эга бўлишидан ташвишланадиган ота-оналар ўғиллари 20-21 ёшга етиши биланок уйлаб қўйишга ошиқадилар. Улар ўғилларининг ҳали оила қуришга маънавий жиҳатдан тайёр эмаслигини, ҳали рўзғор тебратишга қодир эмаслигини билганлари ҳолда келиннинг роҳатини кўриш илинжида ўғил уйлашга, сепли, дипломли келин олишга зўр берадилар.

Ота-оналар фарзандларини туғилишиданок мутелик, итоаткорлик, мўмин-қобиллик ва фикрламаслик руҳида тарбиялаганлари боис фарзандларининг ўз хоҳиши билан оила қуришига асло ишонмайдилар. Ўзлари емай-ичмай соғлигини йўқотиш ҳисобига ёш келин-куёвга ҳамма шарт-шароитни муҳайё қилишлари эвазига фарзандларидан қулдек хизмат қилишни талаб қила бошлайдилар.

Маҳалладаги ўлим, чақалоқ туғилиши, хатм ўқитиш, бешик тўйи, неваратўйи ва ҳоказо сон – саноксиз маросимларда кекса кампирлар ва маҳалла хотинлари суҳбатининг бош мавзуси фалончининг қизига совчи келганлиги, пистончининг келини бир йил ўтса ҳам хомиладор бўлмаётганлиги, кимнинг қизига қанча сеп келганлиги ва ҳоказолар кенг муҳокама қилинади. яъни маҳаллага тушган янги келиннинг бутун хатти-ҳаракати, хулқ-атвори маҳалланинг вайсақи, ғийбатчи кампирлари томонидан қаттиқ назорат қилинади ва минг йиллик ахлоқий мезонлар асосида баҳоланади: ё бутунлай ёмонга чиқарилади ёки бошқаларга намуна қилиб кўрсатилади. Агар келин бир йил давомида хомиладор бўлмаса, маҳалла кампирлари уни туғмасга чиқариши ва ёш

оилани бузиб юборишлари мумкин. Ўзбек келини фақат оиланинг катта-кичиги, қайна-қайнотага ва эригагина эмас, балки маҳалланинг кексаларига ҳам хушмуомалалик билан чурқ этмай хизмат қилишга мажбурдир. Чунки муқаддас анъана шундай, уни бузганлар маҳалла-қўйга аралаштирмай қўйилади.

Маҳалла – қўйда ҳам, оилада ҳам ҳаммага хизмат қилишга, ҳамманинг кўнглини олишга маҳкум қилинган, ҳуқуқсизлик ва чўрилиқ аъволи билан кўникишга мажбур қилинган ўзбек аёли ахир бир кун фарзандлари орқали роҳат – фароғат ва ҳузур-ҳаловат кўришга умид қилади. Ўзбек оиласидаги эр хотини ва болаларидан ҳурмат ва иззат талаб этади, ўзини ҳамма нарсага ʼақли деб ҳисоблайди. Оиланинг кексалари эркак ва ўғилларнинг фариштаси улуғлигини доимий равишда эслайдилар. Натижада ўғил болалар она ва опа-сингилларнинг беминнат хизматлари эвазига ўз-ўзига хизмат қилмайдиган, аёл кишисиз бир кун ҳам яшай олмайдиган ношуд ва нотаваон бўлиб вояга етадилар. Жуда кўп ўзбек оилаларида ота ва ўғил ўзига хатто оақат пишириш, чой дамлашни, меъмон кутишни ҳам билмайдилар. Шарқона анъанага кўра хотин эрнинг юзига тик боқмаслиги, гап қайтармаслиги шарт. Бироқ аёл ҳам инсон-ку! У тоқайгача оёқ-қўли соғ ногиронларга хизмат қилиши керак? Ҳуқуқсиз чўри она тўнғич фарзандлари вояга етгунича оилавий муносабатлардаги ноҳақлик ва адолатсизликларга чидайди: бунинг учун 20 йил келин олиш ва қайнанинг қандай бўлишини “кўрсатиб қўйиш”, қуданинг уйи тўрисида ўтириб роҳат кўришни орзу қилади. Ҳарбий хизматдаги «дедовшчина» ўзбек оиласида ёзилмаган қонун сифатида 20 йил амал қилади ва «ёқимли», «гўзал» анъана, ҳуқуқсиз аёлнинг орзуси сифатида келгуси авлодларга мерос бўлиб ўтади.

Тўнғич фарзандни уйлаш ёки қизни куёвга узатиш вақти етиши билан бутун умр бўйи хўрланган она фарзандларининг тўйи баҳонасида қадр-қиммат топиш, маҳаллага ош улашиш асносида обрў топиш мақсадида фарзандларини ўз ёнига олиб эрнинг олдида қатъий талаблар қўя бошлайди: эрдан кўпроқ пул топишни, қизини эл қатори чиқаришни талаб этади. Фарзандлар она ҳимоясига ўтгач, ота

таслим бўлади. Сўнг роллар алмашинади: аёл ҳукм чиқарувчига, ота эса чурк этмай буйруқларни бажарувчига айланади.

Шарқона анъаналарнинг қулига ва қурбонига айланган, умр бўйи китоб ўқиш, илм олиш, ҳаёт ҳақида фикрлаш қобилиятига, имконига эга бўлмаган илмсиз, жоҳил она эрга, бутун оилага ақл ўргата, оилани, келинни бошқара бошлайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ривож топган илмсизлик ва жаҳолат, қашшоқлик ва мухтожлик аёлни эркак билан баб-баравар меҳнат қилишга, бир амаллаб тирикчилик ўтказиш учун мардикор бозорига чиқишга мажбур қила бошлади. Натижада аёл олдида ўзининг оналик, мураббийлик, бекалик вазифасини адо этолмайдиган бўлиб қолди.

Ўзбек аёли одамларни инсоний фазилати, билимдонлиги учун эмас, балки қандай кийинишига қараб баҳолай бошлади. Натижада ўзбек хотин-қизлари ўртасида «Кийганингни эл кўрар, еганингни ким кўрар», «Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг-мен кафил» сингари мақоллар кенг ёйилди.

Албатта, демократик давлат оила сингари нодавлат институтнинг ҳаётига бевосита аралаша олмайди, бироқ давлат ёш оилалар учун барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар қуриш, ёш оилаларнинг ота-онадан ажралиб чиқиб, мустақил яшаши учун имкониятлар яратиш билан ёшларни ўртаасрчилик анъаналаридан қутқаришга яқиндан ёрдам бериши мумкин. Худди Россия, Қозоғистон сингари қўшни мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, барча қулайлик (мебель, холодильник, кир ювиш машинаси) ларга эга бўлган уйларни ипотека кредитларини ёш оилаларга бериш орқали нафақат оилавий-маиший, балки катта ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳам оқилона ҳал қилиш имконига эга бўламиз.

Гап шундаки, ёш оилалар кекса авлод билан бир хонадонда яшар экан, кексаларни хафа қилмаслик учун уларнинг 50-60 ёил илгари ҳаёт фалсафаси, ахлоқий қарашлари билан яшашга, итоаткор ва муте бўлишга мажбурдирлар.

Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида ота-оналар ҳам битта хонадонда 2-3 тадан келинни олиб ўтиришдан кўра, уларнинг тезроқ алоҳида бўлиб чиқиб кетишидан ҳаётий манфаатдордир. Бунга эса давлат яқиндан ёрдам бериши, оилани ўртаасрчилик анъаналаридан қутқариши зарур.

Бозор иқтисодиёти нафақат моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тадбиркорлик соҳасида, балки оилавий-маиший ва шахсий ҳаётда ҳам ақл билан иш кўришни, барча зарарли нарсалардан қатъий воз кечишни, ҳар бир ишда фойдани кўзлашни, исрофгарчиликларга барҳам беришни талаб этипти. Агар тўй ва ўлим маросимларимизга шу нуқтаи назардан қарасак, уларнинг бутунлай кераксиз ва зарарли эканлиги аён бўлади.

Ислом динида мусулмонларнинг кундалик эҳтиёжларидан ортиқча бойликларини ўз хоҳишлари билан камбағал ва етим-есирларга эҳсон қилиб туришлари савоб ҳисобланади. Бу эса минг йиллар давомида камбағал ва қашшоқларни ижтимоий ҳимоялаш, жамиятнинг бойлик ва камбағалликка кескин қутбланишини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этган. Бироқ кейинчалик моддий ишлаб чиқариш, илм-фан ва бошқа соҳаларда кадр-қиммат, обрў-эътибор топиш имконига эга бўлмаган имон-эотиқоди суст мусулмонлар эл-юртга ош-нон улашиш йўлида хатто қарзга ботишга ҳам рози бўлганлар.

Тўй ва ўлим маросимларимизнинг кейинги йилларда рекорд тусини олаётганлиги, аҳоли кўпчилик қисмининг камбағаллик ва қашшоқликка гирифтор бўлганлиги илмсизлик, фикрламаслик ва жаҳолатнинг аянчли оқибатидир.

Мулкка эга бўлмаган кишилар эрксиз, табиий ва ижтимоий кучлар олдида ожиз бўладилар. Эркинлик эса заруриятни англаш, соғлом ва носоғломни, зарур ва нозарурни бир-биридан фарқлашдир. Инсон эркин бўлиши учун у аввало социал зулмдан, жаҳолат ва қашшоқликдан озод бўлиши зарур.

Социал озодлик шахс эркинлиги учун шароит яратади. Ўзбек халқи ўртаасрчиликнинг чиркин анъаналари ҳукмронлигидан озод бўлмагунича социал зулм ва адолатсизликларни бартараф эта олмайди.

Эркин шахсгина мустақил фикрлай олади ва виждони буюрганни қилишга интилади. Эркин шахслар ғоят мустаҳкам иродали ва сабот-матонатли бўладилар: улар бутун куч ва имкониятларини ягона мақсад йўлида бирлаштира оладилар.

Биобарин, шахс эркинлиги аввало унинг мулкдор бўлишига боълиқ экан, шахснинг салобияти, куч-қудрати мулкда ўз ифодасини топар экан, ҳар бир ўзбек оиласининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кераксиз ва зарарли маросимлардан, ўғил уйлаш, қиз чиқариш, невара тўйи ва ўлим маросимларидан қатъий воз кечиши мақсадга мувофиқдир. Анъаналар ҳукмронлигини бузиш, жаҳолатни енгиш учун катта сабот-матонат, ирода талаб этилади. Шу боисдан ҳам ҳамма замонларда бўлиб келганидек, эскиликка қарши кураш узоқ давом этадиган машаққатли жараёндир. Ўзбек зиёлилари, илм-фан аҳлигина анъаналар ҳукмронлигига қарши ақл-идрок салтанатини ўрнатишда намуна бўлишлари мумкин.

Аҳолининг асосий кўпчилиги оч ва қашшоқ яшаётган, ёрдамга муҳтож бўлиб турган пайтда эл юртга ош-нон улашиш орқали обрў-эотибор топишга умид боғлаш кулгили ва мантиқсиздир. Биз бугунги кунда атрофимиздаги камбағал ва қашшоқларга хайр – эҳсон улашишдан кўра уларни жаҳолатдан озод қилишимиз, ўғил уйлаш, қиз чиқариш сингари зарарли анъаналардан халос қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, бугунги куннинг миллионерлари тўй – тамошоларни жуда тор доирада ортиқча ҳашам ва дабдабаларсиз тежамкорлик билан ўтказаетган эканлар, қашшоқ ва камбағаллар ундан ибрат олишлари, бегоналарни эмас, балки, аввало, ўзларини боқишлари, зарарли маросимлардан қатъий воз кечишлари фойдалироқдир.

Инсон табиати шундай қизиқ ва мураккабки, у инсонлардек нормал овқатланса, дам олса, уй-жойга эга бўлсагина нормал фикрлайди, ўз билимини ошириш, касбий маҳоратини такомиллаштириш имконига эга бўлади. Нормал овқатланиш меъёрлари ҳозирги замон медицинаси томонидан аллақачон аниқланган бўлиб, унга риоя қилинсагина инсон ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотга эриша олади. Қорни тўқ одамларнинг гапи бутун, иродаси мустаҳкам бўлади.

Уй-жойлар қуриш муаммосини давлат ўз зиммасига олсагина, халқимиз зарарли анъаналар зулмидан озод бўлсагина Ўзбекистондан тадбиркорликнинг ривожланишига умид боғлаш мумкин бўлади. Зеро, одамлар яхши ҳаёт кечирсагина яна ҳам яхшироқ, фаровонроқ ва бахтлироқ ҳаёт кечиришга, ўз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга эҳтиёж сеза бошлайдилар.

Буюк немис файласуфи Ф. Ницше барча социал иллатлар, кулфатлар, ёмонликлар инсоннинг ожизлигидандир. Инсон, ўз ожизлигига қарши кураш орқалигина ўзининг яратувчан моҳиятини намоён қилади, деган ғояни илгари сурган эди. Дарҳақиқат, инсон табиат кучлари, социал кучлар олдидаги ожизлигига қарши фақат илм-фан, эркин ижодий тафаккур орқалигина кураша олади. Илмий билимлар билан қуролланган инсонгина ўзини табиат стихиялари ва социал кучлардан қудратлироқ ҳис этади ва бу кучларни ўзига бўйсундиради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сиёсий, иқтисодий ва таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар бирин – кетин барбод бўлаётган, ёшлар иш излаб хорижий мамлакатларга бош олиб кетаётган, аёллар мардикор бозорига чиқаётган эканлар, буларнинг ҳаммаси халқимизнинг ожизлиги, илмсизлиги ва анъаналар ҳукмронлигининг аянчли оқибатидир.

Илмли одамларгина оқилона фикрлайдилар, зарарли одатлардан воз кечадилар, ақл ҳукмига итоат қиладилар, оломоннинг орқасидан эргашмайдилар.

Мол-мулкка, илмий билимларга эга бўлган кишилар эркинликни бошбошдоқлик (анархия), ўзбошимчалик деб тушунмайдилар, балки қонун доирасида яшаш ва қонунга итоат қилиш деб тушунадилар. Ёппасига мулксизлик, илмсизлик шароитида демократия ўзининг ҳақиқий тараққийпарварлик моҳиятини йўқотади. Мамлакатда демократик бошқариш усулининг жорий қилиниши ёки ман этилиши битта шахснинг хоҳиш - истаги эмас, балки кенг халқ оммасининг демократия шароитида яшаш ва фаолият кўрсатишга ўзини тайёрлаши, халқ маънавиятини юксалтириш учун зиёлиларнинг бутун масъулият ва ташаббусни ўз қўлига олиши билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёндир. Бу ерда гап халқнинг демократияга тайёр эмаслигини рўқач қилиш билан демократик эркинликларни чеклашни оқлаш устида эмас, балки зарарли анъаналарни бартараф этиш орқалигина, демократик эркинлик шароитидагина халқ ўзининг яратувчан қобилиятини рўёбга чиқариши мумкинлиги устида борапти. Бошқача қилиб айтганда, халқимиз анъаналар ҳукмронлигидан, илмсизлик ва жаҳолатдан озод бўлмас экан, Ўзбекистонда демократия кутилган ижобий самарасини бера олмайди: анъаналарга қул бўлган эрксиз, билимсиз халқни бошқариш учун антидемократик усулларида фойдаланиш, инсон ҳуқуқларини поймол қилиш давом этаверади.

Демократия тарих синовидан ўтган илғор сиёсий бошқариш усули сифатида илмий дунёқарашнинг шаклланишини, граждaнларнинг ўз-ўзини идора қилиш органлари ривожланишини, ижтимоий - сиёсий фаоллик ва ҳуқуқий маданиятни талаб этади.

Сиёсий бошқарувни демократик усули бозор иқтисодиёти талаблари билан, либерализм ғояларининг амал қилиши билан узвий боғлиқдир. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги ривожланган мамлакатлар тажрибасида синалган ва ҳозир ҳам амал қилаётган умумбашарий принцип бўлиб, давлатнинг ички ва қилади сиёсати иқтисодий ривожланиш талабларидан келиб чиқади ва иқтисодиёт талабларига бўйсунди. Эркин иқтисодиёт эса эркин, мустақил

фикрлайдиган, ташаббускор, билимдон мутахассисларни талаб этади. Юқорида кўрганимиздек, соғлом ва баркамол оила муҳитидагина эркин ва мустақил фикрлай оладиган бола шахси шаклланади.

Бозор иқтисодиёти инсон эҳтиёжларини чеклашни эмас, балки инсоннинг оқилона эҳтиёжларини янада кучайтириш ва тўлароқ қондиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Инсон эҳтиёжларининг муттасил ўсиб бориш қонуни эса илм-фанни ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Бинобарин, демократик жамиятда фан оилавий муносабатларни демократик асосда ислоҳ қилиш, кишилар онгида илмий фикрлаш, воқеликка илмий муносабатда бўлиш лаёқатини тарбиялаш орқали инқирозларни бартараф этиш, ижтимоий фаровонликни таъминлаш қуроли бўлиб хизмат қилади. Зеро, инсон эҳтиёжларининг муттасил ўсиб бориш қонуни фан қадри фан аҳамиятининг ҳам муттасил ошиб боришини ҳам тақозо этади. Инсоният фанни ривожлантириш орқалигина қолоқлик ва қашшоқликка, табиий ва социал кучлар олдидаги ожизликка барҳам бера олади.

Илм-фан маънавий қадрият сифатида инсонда ахлоқий фазилат ва хислатларини тарбиялайди. Фан холислик, ҳалоллик, ростгўйлик, беъаразлик муҳитидагина ривожланар экан, илм аълларида ана шундай фазилатларни шакллантиради. Фан раъй-андиша, иккиюзламачилик, ёлғон ва уйдирмалар билан асло муроса қила олмайди. Фан воқеликни ҳеч бир бўёқларсиз қандай бўлса, шундайлигича ўрганар экан, илм аҳлини ростгўй ва ҳалол бўлишга ўргатади.

Фансиз тараққиёт ва фаровонлик йўқ экан, биз оилавий муносабатларни такомиллаштириш, баркамол инсонни шакллантириш муммоларига фаннинг ривожланиш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёндашишга мажбурмиз. Оила

муҳитида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш оила аозоларида илм-фанга, илм аҳлига муҳаббат ҳиссини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Агар анъанавий жамиятда кишилар асосан тўй маросимлари вақтида маълумот олсалар, демократик жамиятда алоқа ва информация воситалари тармоғи ниҳоятда кенгаяди. Оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, радио, телевидение, интернет) тарқатадиган материалларни илмийлик (ишонччилик) даражаси қанча юқори бўлса, кишиларнинг уларга бўлган эҳтиёжлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Тўй ва ўлим маросимларининг ихчамлаштирилиши, ҳеч бўлмаганда бундай маросимларни фақат оила ва дўстлар иштирокидаги маросим даражасига келтирилиши одамлар ўртасида ёлғон маълумотлар, ғийбатлар тарқалишини камайтириш, расмий ахборот воситаларининг аҳамияти ортишига имкон беради.

Демократик жамиятда ва оила муҳитида фан аҳамиятини кучайтириш диний, ахлоқий, бадий – эстетик, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа қадриятлар аҳамиятини асло камситмайди, фаннинг ривожланиши дин, санъат, ахлоқ ва ҳоказолар ривожланишини хавф остида қолдирмайди, уларга халақит бермайди. Жамият маънавий ҳаётида фаннинг устивор мавқега эга бўлиши диний, ахлоқий, бадий – эстетик, сиёсий ва бошқа таълимотлар ривожига кучли туртки беради: дин, санъат, сиёсат арбоблари илмий кашфиётларга катта қизиқиш ва манфаатдорлик билан қарай бошлайдилар. Фан демократик жамиятда энг обрўли, жозибадор ва мафтункор касбга, фаолият турига ва социал институтга айланади.

Фаннинг ривожланиши фақат давлатнинг ғамхўрлигигагина эмас, балки халқ оммасининг илм – фанга интилишига, фан кишиларининг фидойилигига бевосита боғлиқдир. Оила олимлар сулоласини тарбиялаш, вояга етказиш ва илмий анъаналарни ривожлантириш орқали ижтимоий тараққиётга кучли таъсир кўрсатади.

II боб. Илмий тадқиқот самарадорлигининг зарур шартлари.

Илмий тадқиқотни рационал ташкил этиш

Улуғ аждодларимиз янги илмий билимлар ҳосил қилиш машаққатини игна билан қудуқ қазигга ўхшатганлар. Бироқ ана шу машаққатни завқли машғулотга айлантириш ҳам мумкин. Бунинг учун илмий тадқиқотга аста секин, босқичма-босқич, бир хил маромда ва системали равишда киришиш лозим.

Бунда меҳнат ва дам олиш вақти-вақти билан алмаштириб туриши, масалан, бир соат ақлий меҳнатдан сўнг ярим соат очик ҳавода сайр қилиш, музика тинглаш, ёки спорт билан жисмоний меҳнат билан шуғуллуниш мақсадга мувофиқдир.

Кўпчилик олимлар ақлий фаолиятининг самарадорлиги эрталабдан тушгача бўлган вақтга боғлиқлиги кузатилган. Сўнг куннинг иккинчи ярмида ижодий меҳнат қилишга бўлган иштиёқ ва қобилият аста-секин сўниб боради.

Инглизларда кечкурун икки соат ишлагандан эрталаб бир соат ишлаган яхшироқ, деган мақол бор. Шу сабабли оғир назарий ишларни куннинг биринчи ярмига режалаштирган маъқул.

Агар тадқиқотчи системали изчил ва жиддий ишлашни билмаса, унинг ишдан толиқиши рўй бериши мумкин. Кишилар ишни тўғри ташкил этишни, самарали ишлашни билмаганлиги учун ҳам тезда чарчаб қоладилар, ижодий ишлашдан беэиб қоладилар. Одамлар кўп ишлаганидан эмас, балки ишни оқилона ва тўғри ташкил этишни билмаганликлари туфайли ҳолдан тоядилар.

Илмий тадқиқот кишилардан диққатни тадқиқот объектига тўла қаратишни талаб этади. Бу анча оғир ва машаққатли жараён бўлиб, турли кишиларда диққатни тезда бир жойга йиғиш ва ишга киришиб кетиш учун улардан кўп вақт талаб этилмайди (3-5 минут этади). Бошқалар учун эса ярим соатдан кўпроқ вақт талаб этилади.

Хар куни ёки ҳафтанинг охирида бажарилган иш натижаларини якунлаш ютуқ ва камчиликларни бажарилган иш сифатини анализ қилиш, яъни ўз-ўзини назорат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ижодий ишда узок узилишларга йўл қўйиб бўлмайди. Бу иш суръати ва самарадорлигига жиддий путур етказди. Вақтни тўғри тақсимлаш ва қадрлашни ўрганиш зарур.

Иккинчи даражали номаъқул ишларга кўп вақтни ажратиш ижодий меҳнат қилишга бўлган имкониятларни камайтиради. Ижодий меҳнатнинг самарадорлиги олимнинг шаклланишига тадқиқотчининг собитқадамлиги, ҳалол ва меҳнатсеварлигига, ўз-ўзини бошқара олишига, камтарлиги, самимийлигига бевосита боғлиқдир (фаннинг ижодкор шахсни камол топтиришдаги ўрнива роли алоҳида бобда кўриб чиқилади).

Ижодий меҳнат самарадорлигининг иккинчи муҳим шарти- хотиранинг мустаҳкамлигидир. Яхши ва эркин хотиранинг инсон ҳаётидаги, айниқса, олимлар ҳаётидаги аҳамияти жуда каттадир.

Хотира ақл хазинасидир. Илмий ижод олимдан кўп фактлар, тушунчалар ва тадқиқот усуллари хотирада жуда тез ва аниқ тиклашни талаб этади.

Хотиранинг ўта сирли ва муҳим хусусияти шундаки у олинган тажрибани сақлаш ва тафаккур орқали предмет образини қайтадан тиклаш (эслаш) қобилиятига эгадир.

Эсда сақлаш ва қайтадан яратиш жараёни ўзининг тезкорлиги ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Хотира шахснинг индивидуал хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир.

Шахснинг ғоявий йўналиши стратегик мақсад ва интилишлари унинг ўз касбига, оила аъзоларига, жамиятга, яқин кишиларига бўлган муносабатини белгилайди; бунда хотира кучли хотира— инсон руҳияти соғломлигининг намоён

бўлишигина эмас, балки доимий тажриба ва машқнинг ижобий самараси ҳамдир. Хотиранинг бир неча турлари бир-биридан фарқланади.

- 1) оний хотира;
- 2) қисқа муддатли хотира;
- 2) узоқ муддатли хотира.

Оний хотира мазмунини субъект томонидан айна шу вақт (айтайлик, 45 дақиқа) ичида қабул қилинган барча маълумотни ташкил этади. Инсон ақли шахснинг стратегик мақсад ва ниятларига мувофиқ оний хотирадаги маълумотларни қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотира учун саралайди. Агар талаба мазкур фан учун олаётган билимларини фақат баҳо олиш учун эгаллаётган бўлса мақсадга эришганидан сўнг бу маълумотлар унутилади. Агар у ёки бу фаннинг ўзининг маънавий камолоти, касбини чуқур эгаллаш мақсадида эгалласа, бу маълумотлар узоқ вақт ва ҳатто бутун умри давомида хотирасидан ўчмайди.

Хотираси ёмонлигидан шикоят қиладиган, хотираси паришон кишилар ишига, вазифаси ва бурчига масъулиятсиз бўлганлиги учун доимо таъна ва маломатга учрайдилар; ҳолбуки, улар ўз хотираларини тарбиялаш, хотирасини мустаҳкамлаш ҳақида ўйламайдилар. Ғоявий йуналиш аниқ мақсаднинг йўқлиги хотирада муайян камчиликларни келтириб чиқаради.

Ўзига нисбатан талабчан, иродали, собитқадам кишилар муттасил равишда ўз хотираларини мустаҳкамлайдилар. Бунинг учун куйидаги усуллардан фойдаланадилар:

1. Такрорлаш. Халқимизда : “Такрорлаш- билимнинг онаси ” деган нақл бор. Олинган маълумотни жуда кўп марта такрорлаш натижасида у шахснинг ўз мулкига айланади. Шайх Саъдий таъбири билан айтганда инсон ўз билимларини қанча сарфласа, шунча кўпаяди. Чунки ҳар сафар билимларини сарфлаш учун уни

хотирлар экан билимлари шунча мустаҳкамланади ва янги билимлар ҳосил қилишда ғоя бўлиб хизмат қилади.

2. Хорижий тиллардаги мазмунан тушунарсиз, диний оятлар, шеър ва қўшиқларни ёд олиш. Қўшиқларнинг оҳанги, шеърларнинг эса қофияси уни ёд олишда муҳим роль ўйнайди: ҳофиз ўзи ижро этган қўшиқни шеър қилиб айтганда қийналади. Диний оятларни ёд олишда унинг муқаддас эканлиги, иймон-эътиқоднинг собитлиги муҳим аҳамият касб этади.

3. Касбни севиш. Ўз касбини севган ўқитувчи, врач, санъаткор, сиёсий арбоб ўз соҳасига оид маълумотларни чуқур билишга ва хотирасини муттасил чархлаб туришга кучли эҳтиёж сезади. Кучли хотирага эга бўлмай туриб, бирон-бир соҳада, айниқса, илмий ижодда муваффақиятга умид боғлаб бўлмайди.

Шу боисдан ҳам тарихда ўчмас из қолдирган буюк шахслар ўзларининг феноменал хотирага эга эканлиги учун ҳам ўлмас асарлар яратиш имконига эга бўлганлар. Шу ўринда кўп нарсани билиш ва хотирада сақлаш эмас, балки соҳа учун зарур ва керакли маълумотларни билиш ва хотирада сақлашни бир биридан фарқлаш ёш тадқиқотчилар учун, айниқса, муҳимдир. Айниқса фаннинг янгидан-янги соҳалари пайдо бўлаётган, мутахассислардан соҳа бўйича пухта билим, кўникма ва малака талаб қилинаётган ҳозирги информация асрида қомусий билимдонликка интилиш тадқиқотчи учун фазилат эмас, балки жиддий нуқсон эканлигини англаш, ҳамма адабиётларни эмас, балки соҳага оид адабиётларни танлаб, саралаб ўрганиш муҳимдир. Фаннинг аниқ бир соҳасига ўзини бағишламай туриб, илмий ижодда жиддий ютуқларга умид боғлаб бўлмайди.

Фаннинг бирон соҳасига ихтисослашиш тадқиқотчини фаннинг фалсафий-методологик муаммо ва масалаларини билишдан озод қилмайди. Зеро, умумийликни билмай туриб, алоҳидаликнинг моҳиятига етиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, бугунги тадқиқотчи олдида ўз хотирасини кераксиз, номаълум маълумотлардан озод қилиш, ўз соҳасига оид билимларни кўпроқ эгаллаш муаммоси пайдо бўлди: кераксиз ва ҳатто зарарли информациялар хуружидан ҳимоянинг биз яшабтурган даврнинг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолди.

Буюк аждодларимиз: Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбекнинг нақадар кучли хотирага эга эканликларини тасдиқловчи тарихий манбалар бизгача етиб келган. Бизга яқин замондош бўлган академик Юнус Ражабий кўп асрлик тарихга эга бўлган “Шашмақом”ни тўла ёд билган ва шу туфайли бу маънавий меросни нотага кўчирган феноменал хотира соҳиби бўланлигини ҳикоя қиладилар.

Хотирада мустаҳкам сақлашнинг яна бир усули сўзни (тушунча, атама) қалам билан ёзишдир. Бу эса сўзнинг шакли ва маъносини хотирада сақлашни осонлаштиради. Айниқса, янги танишган кишиларнинг исмини ёзиб олиб, исмнинг маъносини билиш-хотирада мустаҳкам сақлашга имкон беради.

Хотирани ортиқча маълумотлардан озод қилиш учун:

1. Исм ва фамилияларнинг алифболи рўйхати;
2. Соҳага оид предметли луғат;
3. Муҳим воқеалар картотекаси;
4. Кундалик дафтар юритадилар;
5. Ён дафтарча тутадилар.

Машҳур олимлар хатто ухлаётганларида ҳам ёнларида қоғоз ва қаламни сақлашга ва қимматли фикр ва ғояларни қайд этишга алоҳида эътибор берганлар.

Самарали ижодий меҳнат кўп жиҳатдан иш кабинетининг шовқиндан ҳоли, озода ва шинам бўлишига ҳам боғлиқдир. Хонада нормал намлик ва иссиқлик нормал 18-20С атрофида бўлиши ва елвизак (сквозняк) ка йўл қўймаслик зарурдир. Иш сифати ва унумдорлиги тадқиқотчининг иш жойи ва кайфиятига боғлиқдир. Тадқиқотчи бошқа юмушлар билан чалғимаслиги, диққатини тадқиқот предметига қарата олиши, ўтириб ишлаши учун қулай стул ва иш столига эга бўлиши зарур.

Қуёшнинг ярқираган нури ва яшил ранг инсон кўзини тез толиқтиради. Айни вақтда кескин контраст ранглар (қора, оқ, қизил) кўриш аъзоларини тез чарчатади, сарғич, яшил, сутранг каби аралаш ранглар кўриш қобилиятини яхшилайдди.

Теварак-атрофдаги майсалар ва дарахт баргларининг яшил ранги кўриш аъзоларига ижобий таъсир қилиши аниқланган.

Ҳаддан ташқари хира ва ҳаддан ташқари ёруғ хонада китоб ўқишдан қочинг!

Кўзойнак танлашда адбатта окулист врач билан маслаҳатлашинг. Ҳеч қачон тасодифий кўзойнаклардан фойдаланманг. Кўзойнакни нотўғри танлаш кўз оғриғини келтириб чиқаради. Кўздан ёш оқишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўзнинг кўриш қобилиятини бир хилда сақлаш учун кўзойнак билан ишлашда ҳар бир соатдан сўнг кўзга 5-10 минут дам беринг. Дам олиш вақтларида ётиб китоб ўқиш тафсия этилмайди: бу зарарли одат ҳисобланади.

2. Илмий тадқиқотда дам олиш ва овқатланиш маданияти

Бир хил меъёردа ишлаш, мароқли дам олишни билиш ижодий иш самарадоорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Маънавий комилликка эришишнинг зарур шарти сифатида машойиҳлар: “кам егил, кам ухлагил ва кам сўзлагил” деганлар ва шунга амал қилганлар. Ёки донишманд кишилар: ким кўп билишни ҳоҳласа, камроқ ухлаши керак, деганлар. Ёш тадқиқотчи вақтдан унумли фойдаланиш учун сутканинг 6-7 соатини ухлаб дам олиш учун ажратиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар куни, ҳар ҳафта ва ҳар йилда бир марта мунтазам дам олишни ўрганиш (ҳафтанинг бир кунини тоғ сайли учун, йилнинг бир ойини саёҳатга ажратиш) инсон саломатлиги ва иш унумдорлиги учун ижобий таъсир кўрсатади.

Дам олишнинг асосан икки тури: актив ва пассив дам олиш турлари биридан фарқланади. Актив дам олиш-бу, машғулотлар турини ўзгартириш, яъни ақлий меҳнатни жисмоний машғулот билан, спорт ўйинлари билан алмаштиришдир. Актив дам олиш жараёнида организмда қон айланиши яхшиланади, асаблар тинчланади,

Пассив дам олиш телевизор кўриш, мусиқа тинглаш ёки ухлаш кабилардан иборат бўлиб, инсонни ланж қилиши, меҳнат қилишга бўлган иштиёқини сусайтириши мумкин.

Узоқ ўтириб ишлашга тўғри келадиган ҳолатларда иш бошлангунига қадар енгил гимнастика билан шуғулланиш, енгил гимнастика билан очик хавода сайр қилиш, енгил ванна қабул қилиш ёки чумилиш, мақсадга мувофиқдир.

Тўғри ташкил этилган оқилона овқатланиш, шубҳасиз, ақлий меҳнат самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳаддан ташқари кўп овқатланиш организм учун ортиқча юк, зарарли бўлгани сингари етарли даражада оқсилга бой таом истеъмол қилмаслик кишининг жисмоний заифлашувига таъсир кўрсатиши мумкин.

Тиббий мутахассисларнинг тавсиясига кўра илмий ҳодимлари ҳар суткада 3000-3200 калорияли овқат истемол қилиши, овқат таркибида 110 гр оқсил(гўшт), 16% ёғ, 65-67 % углевод бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Марказий нерв системаси фаолиятида ва умуман бутун организм фаолиятида оқсиллар жуда муҳим роль ўйнайди. Маълумки, гўшт, гўшт маҳсулотлари, балиқ, сут, тухум, нон, нўҳат озиқ-овқат рационига оқсил сифатида киради.

Ақлий меҳнат самарадорлиги илм кишиларидан турмуш ва ҳаётини оқилона ташкил этишни, тамаки чекиш, маишатпарастлик, ичкиликбозлик сингари зарарли одатлардан узоқ туришни талаб этади. Ичкиликбозликка ружу қуйиш инсон саломатлигига жиддий путур етказади, инсонни охир-оқибатда иродасиз, сабутсиз махлуққа айлантириб қўяди. Узоқ муддат тамаки чекиш инсон хотирасини кучсизлантиришга, ақлий меҳнатга бўлган лаёқатининг сўнишига, турли касалликларнинг келиб чиқишига олиб келади.

3. Илмий тадқиқот учун мавзу танлаш

Мустақил илмий ижодий ишда энг муҳими тадқиқот мавзусини танлашдир. Тўғри танланган мавзу ишининг ярим ютуғи ҳисобланади. Мавзу танлашдаги хатоликни ўзингга муносиб турмуш ўртоғи танлашдаги хатоликка ўхшатиш мумкин. Нотўғри танланган мавзу тадқиқотчининг бир неча ўн йиллик меҳнати зое кетгани, охир-оқибатда янги мавзу устида ишлашга мажбур бўлгани сингари кишилар оила қуришда йўл қўйган хатолари туфайли бутун ҳаётларини укубатда ўтказишга, ёки янгидан оила қуришга мажбур бўладилар. Халқимизнинг: “етти ўлчаб бир кес” деган мақоли мавзу танлашда илмий раҳбар, кафедра аъзолари, соҳа мутахассислари билан обдан чуқур ўйлашни талаб этади.

Гап шундаки, тадқиқот мавзуи, биринчидан, долзарб бўлиши, (яъни фан ривожини учун муҳим ва аҳамиятли бўлиши), иккинчидан, фан учун янгилик бўлиши (яъни илгари ишланмаган, жамият учун фойдали бўлиши), учинчидан, фанни илмий изланишларга йўналтириши, фанда ҳозиргача ҳал этилмаган муаммо ва масалаларни ҳал этиш йўлидаги янги қадам бўлиши зарур.

Фан, илмий кашфиётлар жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжлари туфайли вужудга келади. Шу боисдан ҳам, ижтимоий-гуманитар фанларда тадқиқот учун мавзу ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари, давр руҳи ва талабларидан келиб чиқиши лозим бўлади. Лекин фаннинг ўзига ҳос бўлган ривожланиш мантиғи ҳам мавжуд бўлиб, у ижтимоий амалиёт талабларидан анча илгарилаб кетиши ҳам мумкин. Шу сабабли ҳам диссертация мавзуини танлаш ўта жиддийва масъулиятли иш ҳисобланади. Бу фақат тадқиқотчи мансуб бўлган илмий жамоа учунгина эмас, балки бутун мамлакат фани учун аҳамиятли масаладир.

Диссертация мавзуини танлаш, унинг долзарблиги ва фан учун янгилик баҳолашда ва кейинги тадқиқотлар учун аҳамиятини белгилашда илмий раҳбар ёки илмий маслаҳатчининг ёрдами айниқса зарурдир.

Тадқиқотчи учун илмий раҳбарнинг бўлиши шартми? Кўп ҳолларда бўлиши зарур, лекин бу тадқиқотчининг ўзи мустақил мавзу танлаш ҳуқуқини инкор

этмайди. Кўп ҳолатларда катта илмий салоҳият ва тажрибага эга бўлган илмий муҳитда “яшаётган” олимлар билан мавзу танлаш фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки эндигина илм йўлига кириб келаётган ёш тадқиқотчи “катта” фаннинг мураккаб сўқмоқларидан дадил юриши учун илмий жамоа ишлаётган муаммоларнинг бирон бир соҳасини диссертация мавзуи қилиб олиши мақсадга мувофиқдир.

Жамоадаги соғлом ижодий муҳит тадқиқот сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ёш тадқиқотчи ўзи мансуб бўлган жамоанинг ички тартиб-қоидаларини ҳурмат қилиш, камтар, меҳнатсевар, ҳалол бўлиш орқалигина қадр-қиммат топиши, устозлар меҳри ва ишончини қозониши мумкин. Илмий жамоа ёш мутахассисни ахлоқан пок билимдон шахс сифатида қабул қилсагина уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва унга меҳр-мурувват кўрсатиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ёш тадқиқотчи яхши одам бўлмай туриб, гўзал инсоний сифат ва фазилатларга эга бўлмай туриб, фаннинг машаққатли сўқмоқларини босиб ўта олмайди, ярим йўللарда қолиб кетиши мумкин. Лекин бундан ёш тадқиқотчи ҳушонадгўй, лаганбардор, иккиюзламачи бўлиши керак экан-да, деган нотўғри ҳулоса келиб чиқмаслиги керак.

Фаннинг равнақини устоз-шогирдлик, ҳамкорлик, дўстлик муносабатларисиз ҳатто тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Гап шундаки, илм яратишнинг машаққатли йўлини босиб ўтган, катта ҳаётий тажриба ва илмий салоҳиятга эга бўлган олимлар ўз илмий ғояларини шогирдлари томонидан давом эттирилишини, ўз билим ва тажрибаларини ўзига муносиб шогирдларга беришни жуда хоҳлайдилар. Ёш тадқиқотчи ҳалол, беғараз, самимий, очиққўнгил устозни топишни қанчалар хоҳласа, устозлар ҳам меҳнаткаш сабот-матонатли, меҳр-оқибатли, фанга садоқатли ва фидоий шогирдлар топишни шунчалик хоҳлайдилар. Ниятлари, ҳуқ-атвори мақсад-муддаоси мос устоз ва шогирдларнинг бир-бирини топа олиши ҳар иккиси учун Аллоҳнинг буюк инояти ҳисобланади. Устоз ёки шогирд танлашда йўл қўйилган хато мислсиз уқубат ва бахтсизлик келтириши мумкин.

Ўта билимдон ва катта салоҳиятга эга бўлган олимлар инсоний муносабатларда ўта содда, самимий, бағрикенг, меҳр-шафқатли бўлганлари ҳолда илмий тадқиқотда ўзларига ва шогирдларига нисбатан ўта талабчан, инжиқ, қаттиққўл ва шафқатсиз бўладилар.(академиклар: И. П. Павлов, Д. П. Желобенко ва А. Эйнштейн сингари фан даҳоларининг илмий ишда ўта инжиқ, қаттиққўл бўлганлари ҳақида ҳикоя қиладилар; Қ. Мўминовнинг “Кўнгил ишғоли” асари).

Тадқиқотчи илмий раҳбар билан диссертация мавзуини танлашда қуйидаги усул ва қоидалардан фойдаланиши мумкин:

- 1) Фан ва техника ютуқлари ҳақидаги илмий обзорларни кўриб чиқиш.

Шу ўринда жаҳонга машҳур олима,икки марта Нобель мукофоти лауреанти Мария Кюри –Складовскаянинг фанга кириб келиш йўлига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир. Франциянинг Сарбона университетининг табиийшунослик (физика ва математика) факультетини тамомлаган Мария Складовская илмий журналларда чоп этилган фаннинг сўнгги ютуқлари билан танишар экан, таниқли француз физиги Анри Беккерелнинг илмий мақоласида ҳозиргача кам ўрганилган ураннинг радиоактивлик ҳоссаси тўғрисидаги ғоя унинг эътиборини тортади. Унинг бутун борлигини ана шу илмий муаммони ўрганиш ғояси эгаллайди. Ниҳоят, 1898 йили эри Пьер Кюри билан ҳамкорликда уран радиоактивлик ҳоссасига эга эканлигини, унинг янги элементлари-полоний ва радийни кашф этадалар. 1903йили П.Кюри, М. Кюри физика бўйича халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланди⁶.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда чоп этилаётган илмий журналларда муназара равишда фан ва техниканинг ютуқларига бағишланган танқидий обзорлар бериб бориляпти. Бу эса ёш тадқиқотчиларга фаннинг кам ўрганилган соҳаларини аниқлаш ва тадқиқот мавзуини белгилашда ёрдам бериши мумкин.

⁶ Кюри Е. Мария Кюри. М.Атомиздат, 1979. С 3-4.

2) Фанларнинг туташ нуқталарида эришилган илмий ютуқлар билан яқиндан танишиш ҳам фаннинг кам ишланган мавзуини аниқлашга ёрдам бериш мумкин.

Турли фанларнинг туташ нуқталарида вужудга келган фаннинг янги соҳалари: биофизика, биокимё, биотехника, космик медицина, генинженерия ва шу кабилар табиатдаги рўй бераётган мураккаб жараёнлар ҳали ўрганилиши зарур бўлган соҳалар кўп эканлигидан гувоҳлик бериши ва тадқиқотчини илмий изланишларга ундаши мумкин.

3) Халқ хўжалигининг аниқ соҳаларини лойиҳалаш, янги технологиянинг самарали усулларини саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таътиб этишга бағишланган тадқиқотлар ҳам диссертация мавзуи бўлиши мумкин. Бундай методик тадқиқотлар юқори даражада амалга оширилса, иқтисодий ва техник жиҳатдан асосланиб, амалиётда синовдан ўтказилса, диссертация учун яхши мавзу бўла олади.

4) Янги фактик материалларни жалб қилиш орқали янги позиция ва янги методлар билан эски объектлар устида ишлаш ҳам диссертация учун истиқболли мавзу бўлиши мумкин.

Фан тарихида эски илмий кашфиётларни янгича нуқтаи назардан чиқиш ажойиб ижобий натижалар берганлиги маълум. Маълумки, рус математиги Н.И. Лобачевский қадимги юнон олими Евклиднинг геометриясини қайта кўриб чиқиб, ноевклид назариясига асос солган.

5) Илмий экспедиция даврида муаллиф томонидан тўпланган материалларни чуқур анализ қилиш ва умумлаштириш асосида ҳам диссертация мавзуини белгилаш ва тайёрлаш мумкин. Масалан, буюк инглиз табиийётшуноси Чарльз Дарвин “Бигль” кемасида Тинч океани ороллари бўйлаб қилган илмий экспедиция материалларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ўзининг машҳур “Турларнинг табиий танланиш йўли билан келиб чиқиши” номли асарини яратган ва эволюция назариясига асос солган.

6) У ёки бу соҳанинг кам ўрганилган муаммоларини аниқлашга ёрдам берадиган фан арбоблари, техника, санъат мутахассислари билан маслаҳатлашиш ҳам диссертация мавзуини танлашга яқиндан ёрдам бериши мумкин.

7) Ҳимоя қилинган диссертациялар каталогини кўриб чиқиш ҳам фаннинг ўрганилмаган муаммолари тўғрисида тасаввур қилишга ёрдам бериши мумкин.

Ёш тадқиқотчилар магистрлик ёки докторлик диссертациялари устида ишлашга киришишдан олдин унча катта бўлмаган тадқиқот мавзулари устида ишлаб ўз кучини синаб кўриши, муайян илмий ижод кўникмаси ва малакасини ўзида шакллантириши мақсадга мувофиқдир.

Кўпинча ёш тадқиқотчилар талабалик давридаёқ фан тўғаракларида илмий докладлар қилиб, илмий журналларда 5-6 та мақола чоп этгач, ўзининг илмий ижодий ишга лаёқатли эканлиги билан устозлар назарига тушади.

Фаннинг мураккаб ва машаққатли йўлини босиб ўтган ҳар бир олим ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлашга, ўзига муносиб шогирд тайёрлашга интилади. Чунки фан ҳалоллик, бағрикенглик, устоз-шогирдлик муносабатлари қарор топган жойдагина ривожлана олади.

Буюк рус императори Пётр Биринчи 1704 йили Россия Фанлар Академиясини таъсис этиш тўғрисидаги қонунга имзо чекишдан олдин олимлар табиатини яхши билганлигидан қонунга 19- моддани ўз қўли билан шундай деб ёзган: «Олимлар табиатан ўз ҳузур-ҳаловатлари, фаровонликлари ҳақида қайғурмайдилар. Шу сабабли уларга бу ҳақда қайғурадиган кураторлар бириктирилсин».

4. Илмий тадқиқотни режалаштириш

Тадқиқотчи, аввало, диссертациянинг мақсад ва вазифаларини, унинг моҳияти, тақдим этилаётган (ёки илгари сурилаётган) илмий ғоянинг янгилиги, ва мавзуининг долзарблиги, унинг назарий ва амалий аҳамияти нимадан иборат эканлигини аниқ билиши ва белгилаши зарур.

Диссертациядаги янгилик ва мавзунинг долзарблиги ҳақида гап кетар экан ҳар қандай янгилик прогрессив бўлавермагани сингари ҳар қандай эскиликка қоқоқлик тамғасини босиб бўлмаслиги тўғрисидаги қондани унутмаслик муҳимдир. Лекин шунга қарамай, янгилик эскилик бағридаги прогрессив ибтидони ўзида мужассамлаштиради ва шу боисдан ҳам истиқлол сари йўл очади.

Илмий тадқиқотни мустақил режалаштириш усулини билиш иш самарадорлиги ва тадқиқотни ўз вақтида якунлашда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотни рационал ташкил этиш, аввало, ишни босқичма –босқич амалга оширишни, режага қатъий амал қилишни талаб этади. Пухта ўйлаб тузилган режа, белгиланган вазифаларни изчил, ҳар куни ва ҳар ҳафтада ўз-ўзини назорат қилиш, ишларнинг бажарилишини текшириш-илмий иш самарадорлигининг гаровидир. Ишдаги изчиллик, собитқадамлик, қўйилган вазифаларни ҳал этишдаги қатъийлик (талабчанлик, жиддийлик) , олинган илмий натижаларни танқидий ва камтарона баҳолаш ақлий меҳнат унумдорлигини таъминлайди. Тадқиқотчининг илмий ишга ўзини тўла эҳтирос билан бағишлаши ундаги ижодий қобилият ва истеъдодни рўёбга чиқаради. Ўз ишиги муҳаббат билан ёндашсагина тадқиқотчидаги истеъдод камол топади.

Машҳур рус физиолог И. П. Павлов ёш тадқиқотчиларга қилган мурожаатида: “Мен ватанимнинг ўзини фанга бағишлаган ёшларига нималарни тилашим мумкин? Энг аввало, изчил бўлишларини тилайман. Самарали илмий ижоднинг ана шу энг муҳим шарт ҳақида мен ҳеч қачон ҳаяжонсиз гапира олмайман. Изчиллик, изчиллик ва яна изчиллик. Ўз ишингизни аввал бошиданок сиз ўзингизни билимлар тўплашда қатъий изчилликка ўргатинг”⁷.

Диссертация устида ишлашни шартли равишда қуйидаги беш босқичга бўлиш мумкин:

1. Тайёргарлик кўриш
2. Диссертация устида иш бошлаш

⁷ Павлов И.П. Полн. Собр. Соч. В 6 томах. Изд.2. т.1. М.-Л. Изд. АН СССР. 1951. С.22.

3. Диссертацияни боб ва параграфлар бўйича ёзишга киришиш

4. Диссертация ва авторефератни ОАК талаблари бўйича расмийлаштириш (қўлёзма вариантыни илмий муҳокама учун тайёрлаш)

5. Диссертациянинг қўлёзма варианты муҳокамадан ўтгандан сўнг , таклиф ва мулоҳазалар асосида такомиллаштириб, ҳимояга тайёрлаш ва ҳимоя қилиш.

Ўзининг ҳажми ва мураккаблигига кўра юқоридаги ҳар бир босқичда, бажариладиган ишлар турлича вақт ва меҳнатни талаб қилади.

Биринчи босқич (тадқиқотга тайёргарлик кўриш) даги иш мазмунини 1) ихтисослик фанлари бўйича минимум имтиҳонларни топшириш 2) тадқиқотни илмий асосда ташкил этиш усулини билиш 3) диссертация мавзуини танлаш тадқиқотнинг мақсад ва ғояларини белгилаш ташкил этади. Бунинг учун, аввало, тадқиқотнинг методологик масалаларини, тадқиқот усулларини ўрганиш; иккинчидан, чет эл ва Ватанимиз машҳур олимларининг илмий тадқиқот усулларини билиш; учинчидан, ақлий меҳнатни илмий усулда ташкил этиш;

Тўртинчидан, илмий адабиётлар билан ишлаш методларини эгаллаш (билиш) талаб этилади.

Иккинчи босқич (диссертация устида иш бошлаш)да бажарилган иш мазмунини :

- 1) мавзунинг ҳозиргача ишланганлик ҳолатини аниқлаш;
- 2) иш режага аниқлик киритиш;
- 3) тадқиқотнинг боб ва параграфлари бўйича материаллар тўплаш;
- 4) илмий иш натижаларини расмийлаштириш.

Учинчи босқич. Диссертацион асар устида ишлаш:

- 1) Материалларни тасниф қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- 2) Диссертация боблари ва параграфлари бўйича материалларни жойлаштириш, уларни изчил баён этиш;

3) Диссертацияни оққа кўчириш: масаланинг ўрганилиш ҳолати; мавзунинг назарий ва амалий аҳамияти; ишда қўлланилган методлар; янги илмий натижаларни аниқ кўрсатиш; амалий таклиф ва тавсиялар.

4) Автореферат тузиш: 1) диссертацион ишнинг қисқа ва лўнда моҳияти; 2) диссертация мавзуи бўйича муаллифнинг чоп этган ишлари (илмий мақолалари) рўйхати:

Тўртинчи босқич. Диссертацияни ОАК талаблари даражасида узил-кесил расмийлаштириш:

1) Диссертация текстини оқ қоғозга кўчириш кўчириш;
2) Имло ва стилистик хатоларни тузатиш;
3) Жадвал ёки график чизмаларни ишга илова қилиш; барча материалларни муқовалаш.

4) Диссертация авторефератини китобча ҳолига келтириш: 1) авторефератини узил-кесил таҳрир қилиш; 2) уни типографияда чоп этиш.

Бешинчи босқич. Диссертацияни ҳимояга тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш

1) Диссертация мавзуи бўйича Ихтисослашган илмий кенгаш учун доклад тайёрлаш; докладни муҳокама қилиш;

2) Расмий индивидуалва коллектив диссертация ва автореферат бўйича тақризлари билан танишиш;

3) 20 дақиқалик доклад учун авторефератда баён тартибда илмий ғояни асос қилиб олиш мумкин.

4) Автореферат ва диссертация бўйича билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларнидиққат билан ўрганиш ва уларга асосли жавоб тайёрдаш.

5) Илмий кенгашда диссертация мавзуи бўйича оғзаки доклад қилиш.

Диссертация устида ишлашда тадқиқотчининг ўзи учун режалаштирилган ишларни тартиб билан бажаришни, ишдаги энг муҳим нарсани ажрата билиш ва бутун эътиборини ана шунга қаратиши муҳимдир.

Лекин бундан ишдаги иккинчи даражали, номуҳим ишларни эътибордан соқит қилиш керак экан, деган хулоса чиқариш ярамайди, балки аксинча, бутун диққатни асосий масалага қаратган ҳолда ишдаги майда-чуйда бўлиб кўринган масалаларни кўздан қочирмаслик зарурдир.

Фан тарихида иккинчи даражали бўлиб кўринган масалаларни диққат билан кузатиш натижасида муҳим илмий кашфиётлар қилинган ҳолатлар кўп бўлган.

Тадқиқотнинг бош йўналишидан чалғимаган ҳолда бутунликдаги энг муҳим қисмни кўра олиш – бу, олимнинг энг муҳим сифатадир.

Энг қийини - диссертация ёзишни бошлашдир. Бунга эса пухта тайёргарликсиз эришиб бўлмайди. Тадқиқотнинг режасини тузиб олиш, “катта” ва “кичик” ишлар рўйхатини қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу-адабиётлар топиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш кабилардир.

Ёш тадқиқотчи хорижий тиллар (рус, инглиз, француз, немис)ни ўрганишга жиддий эътибор бериши, ана шу тилларда чоп этилган соҳага оид илмий асарларни таржима қила оладиган, сўзлаша оладиган бўлиши керак.

Тадқиқотнинг илк бошидаёқ ўзи тузган иш режасига қатъий амал қишга ўрганиши лозим. Ҳафтанинг маълум кун ва соатларини табиат бағрига экскурсияга чиқишга, китоблар устида ишлашга ажратиши лозим.

Ўз ишингизни том маънодаги хўжайини бўлинг. Агар режанинг айрим қисмларини ёки бутунлай ўзгартиришга тўғри келса, бундан афсусланмай, дарҳол ўзгартиринг. Илмий тадқиқот ғоят машаққатли ва мураккаб ижодий иш, у жиддийлик ва собитқадамликни талаб этади.

Агар иш лоқайдлик, ҳафсасизлик билан олиб борилса тез орада зерикарли юмушга айланади ва кутилган ижобий натижа бермайди. У худди жанг майдонидаги жасурлик сингари тадқиқотчидан катта ижодий энергия, сабот-матонат талаб этади.

Академик А. Э.Ферсман олимнинг ижодий меҳнатини шундай баҳолаган эди: “Табиат ва унинг сирларини уюшган, режали, системали курашсиз эгаллаб бўлмайди. Табиат сирларини, унинг кучларини эгаллаш учун курашда олимнинг ҳаёти, қувонч ва изтироблари, қизиқишлари, эҳтирос ва ёниш бахти бор. Агар тадқиқотчида ана шу эҳтирос бўлмаса, агар олти соат ишлаб, лаборатория эшигини шоша-пиша беркирар экан, агар у охириги маълумотларни олаётганда ёки чўнги ҳисоб-китоб ишларни қилаётганда қўллари қалтирамас экан-у, ҳақиқий олим эмас”⁸. Зеро, улуғ мутафаккирлардан бири таъкидлаганидек, инсоний эҳтиросларсиз ҳақиқатга эришиб бўлмайди. Агар сизда тадқиқот режаси пухта тузилганлигига шубҳа пайдо бўлса вақтинча ўз тажриба ва кузатишларингизни тўхтатинг, иш дастурингизни қайтадан кўриб чиқинг, уни янгича позициядан амалга оширинг.

Кўпинча пухта ўйлаб тузилган тадқиқот режаси кутилганидан ҳам яхшироқ ижобий самара беради.

Ижодий жараённинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, тадқиқот режасида ҳамма нарсани ҳисобга олиш зарур, шундагина юқори иш самарасига эришиш мумкин.

Фанда тасодифий кашфиётлар бўлиши мумкин, лекин илмий тадқиқотни бахтли тасодифга умид боғлаб ташкил этиш мумкин эмас. Мураккаб вазифаларни ҳал этишда эҳтимол тутиладиган ҳолатларни ҳисобга олиш пухта билим, реал, ижодий фантазия, илмий башорат учун йўл очади.

Фақат режали илмий тадқиқотгина табиатдаги, теvarак-атрофдаги объектив қонуниятларни очиш ва чуқурроқ билишга имконият яратади.

Рационал режалаштириш усули жамоавий илмий ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Диссертация тугалланишининг

⁸ Писаржевский О.Н. Александр Евгеньевич Ферсман (1883-1945) (Серия “Жизнь замечательных людей”).М., “Молодая гвардия”, 1955. С.240.

сўнгги босқичида ва уни ҳимояга тайёрлашда бажарилган ишларнинг изчиллигига, бу ишларнинг энг яхши ва тез бажариш усуларини пухта ўйлаб кўриш зарур.

Диссертация режаси автореферат тайёрлашга ва ҳимоя бўйича доклад тайёрлаш учун асос бўлиши мумкин. Айрим тадқиқотчилар диссертацияни ёзиш даврида олинган илмий натижаларни амалиётга татбиқ этадилар (апробация қиладилар), бу эса бажарилган диссертациянинг назарий ва амалий аҳамиятини оширади. Тадқиқотчи диссертацияни якунлаш бўйича ишларни режалаштирар экан, ўзининг бутун кучини ўзи бажарган ишнинг туб моҳияти уни халқ хўжалигига тадбиқ этишнинг натижалари тўғрисида маълумот беришга қаратиши лозим.

4. Илмий тадқиқотда моделлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти

Оламни билиш жараёнини осонлаштириш учун фан ривожланишининг илк босқичлариданок турлича моделлар қўлланилган. Илмий тадқиқотда моделлаштириш Анаксимандр, Демокрит, Эпикур, ўрта аср олимлари: Коперник, Галилей, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар самарали фойдаланганлар.

Моделлаштириш Ватанимиз буюк олимларининг ижодий фаолиятида жуда муҳим роль ўйнаган.

Ҳозирги пайтда илмий моделларни шартли равишда икки турга ажратадилар:

- 1) Моддий (физик, ашёвий. ҳаракатчан) модел;
- 2) Идеал (мантиқий, логик математик тасаввурдаги) модел.

Моделлар маълум маънода реал воқеликнинг инъикоси ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай моддий модел даставвал инсон миясида вужудга келадиган идеал модел билан узвий боғлангандир, кейин эса металл, ёғоч, пластмасса ва бошқа материаллар орқали яратилади.

Ҳозирги замон биологик кузатишларда кенг қўлланиладиган турли ҳайвонлар (м: бақа, маймун, ит ва ҳ.о.) тирик моделлар ҳисобланади.

Биологик қонунятларни ўрганишда моделлаштиришнинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериш хатодир, чунки моделлар мураккаб ҳаётий жараёнларни ўрганишда кўмакчи восита ҳисобланади, холос.

Агар илмий тадқиқотда қўлланиладиган моделлаштириш қандайдир объектни шунчаки сунъий равишда яратиб, унинг ички, яширин хоссаларини билишга имкон берсагина у ўзини оқлайди.

Ҳозирги замон табиётшунослигида ўхшатиш назарияси аналогия кенг қўлланилмоқда, бу эса турли моделлар яратиш имконини бермоқда.

Моделлар яратишда унинг ўрганилаётган система билан барча даражаларда тўла мос бўлишига интилишнинг кераги йўқ, бошқача қилиб айтганда, бундай қурилмалар том маънода моделлар бўлмайди.

Модел ва моделлаштирилаётган объект ўртасидаги муносабат айният муносабати эмас, балки ўхшатиш (аналогия) муносабатидир. Бунда аналогиянинг барча даражалари эмас, балки асосан структура даражасидаги аналогия рўёбга чиқади.

Илмий тадқиқотда физик моделларни муваффақиятли қўлланилишига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

1) Италиян хирурги ва табиётшуноси Даниэл Петруччи инсон эмбрионини сунъий шароитда ўстирмоқчи ва ҳомиланинг ривожланиш жараёнини кузатмоқчи бўлди. Олим организмнинг озиқланиши учун кўплаб мосламалар яратиб, ойна камера - “биологик бешик” ка жойлаштирди ва ҳомиланинг ўсиш жараёнини кузата бошлади. Ҳомиладор аёлнинг қон плазмаси ҳомиланинг озиқланиш манбаи бўлиб хизмат қилди. Киноаппарат туғилиш ва ўсишнинг барча босқичларини суратга олиб, мунтазам равишда ҳомиланинг ўсиш жараёнини кузатди.

Плёнқада биринчи хужайранинг пайдо бўлиши, инсон танасининг асосий аъзоларининг шаклланиши акс этди⁹.

Бироқ Петруччининг кузатишлари эмбрион ривожланишининг 59-кунигача давом этди: тадқиқот Ватиканнинг қатъий талаби билан тўхтатилди, унда католик черкови диний асосларини емирилишини кўрдилар. Ҳозирги замон фанида идеал ёки логик моделлаштириш кенг қўлланилмоқда. Уни баъзан информацион моделлаштириш ҳам дейилмоқда.

Моделлаштиришнинг бу тури ҳақида академик В. М. Глушков шундай деб ёзди: “Инсон миясига динамик информацион моделлаштиришнинг универсал инструменти (воситаси) сифатида қараш мумкин. Бу ерда универсаллик мияга қандайдир муайян динамик информацион моделнигина эмас, балки ихтиёрий моделни яратиш имкони мавжудлигини англатади. Миянинг бундай универсаллигида инсоннинг теvarак-атрофдаги объектив оламни билишга бўлган чексиз қобилияти мужассамлашгандир”¹⁰.

Мантиқий моделлаштириш фикран эксперимент ўтказиш билан, яъни тасаввур қилинадиган турлича шароитларда объектнинг турлича ҳаракатланиш вариантлари тўғрисида мантиқий мулоҳаза юритиш билан боғлиқдир. Бунда турли тил системалардан, шартли белги, схема, расм, чизма, оддий материал ва ҳ.о. дан фойдаланиш мумкин.

Фикрий эксперимент моддий моделдаги физик экспериментнинг олдини олиши, тажрибаларининг энг юқори сифатда бўлишига имкон яратиши мумкин. Моделлаштириш методи аналогия методи билан узвий боғланган. Аналогия

методи кибернетикада кенг қўлланилмоқда. Кейинги йилларда кибернетика модели табиётшунослик билан бир қаторда жамиятшуносликда ҳам қўлланилмоқда. .

⁹ Песков В. Шаги по росе. М., «Молодая гвардия», 1963. С. 65-66.

¹⁰ Глушков В. М. Гносеологическая природа информационного моделирования. – Вопросы философии, 1963, № 10 С.14.

Ғарб социологиясида, жумладан, АҚШ социологиясида математик метод - социометрия муваффақиятли қўлланиляпти.

5. Илмий тадқиқот логикаси

Илмий тадқиқот ишларининг умумий методик масалалари доирасида илмий тадқиқот логикасининг предметини ташкил этувчи асосий категориялар ва унинг йўналиши ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Унинг назарий ва амалий аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Илмий тадқиқот логикаси фақат диалектик логиканигина эмас, балки формал логиканинг ҳам эътиборини тортяпти.

Илмий тадқиқот логикасининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Бу ерда билиш жараёни реал воқеликни билишда янги натижалар олиш мақсадида махсус воситалар билан қуролланган уюшган илмий тадқиқот сифатида намоён бўлади.

Илмий тадқиқот логикасининг предмети кенг масалаларни ўрганиш ҳисобланади. Уларнинг айримлари қуйидагилар :

1. Асосий категориялар моҳиятини, яънифакт (илмий факт) проблема (муаммо) система, назария моҳиятини, шунингдек, тадқиқот жараёнини акс эттирувчи гипотеза, идея (ғоя), илмий концепция, прицип, интуиция, изланиш, моделлаштириш ва. ҳ.о. моҳияти ва мазмунини аниқлаш;

2. Тадқиқот конкрет методининг уч сифатий томонини –ишончлилиги, аниқлиги, янгилигини, шунингдек, унингдинамик, ҳаракатчанлик хоссаларини, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамиятини янгича очиб беришга хизмат қиладиган методлар уюшмаси(йиғиндиси) ни , илмий методнинг изланувчанлик характерини очиб бериш.

3. Кузатишнинг изчиллигини, эксперимент босқичларининг ўзаро боғлиқлигини анализ қилиш, фактлар тўплаш, уларни тавсифлаш ва ўрганиш, фактларни эгаллаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш.

4. Умумий ёки хусусий муаммоларни, мавзуларни қўйиш соҳасидаги ижодий тадқиқот жараёнининг муайян системасини кўриб чиқиш, кейин эса янги илмий натижалар олишметодикасини танлаш. Уларни системалаштириш ва умумийлаштириш, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш алоҳида ўрин тутди.

5. Коллектив ижодий илмий ишларнинг шакли, методлари ва ўзаро боғлиқлигини мантикий таҳлил қилиш. Коллектив ташкил этувчи гуруҳ, лаборатория, институт, конструкторликбюроси, олимлар ва ишлаб чиқариш мутахассисларининг бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатади.

Илмий тадқиқот логикаси масалаларини системали равишда кўриб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаган ҳолда (бу алоҳида тадқиқотни тақазо этади) мантикий назариянинг асосий категориялари моҳиятини очиб берадиган бир неча мисоллар келтириш билан чекланамиз.

Факт нима? Илмий адабиётларда бу саволга асосли жавоб йўқ. П.В. Кониннинг таъкидлашича, илмий фактни тушунишдаги субъективизм ва ноаниқлик илмий тадқиқотга жиддий ғов бўлмоқда¹¹. Машҳур рус тилшуноси В.И. Даль ўзининг “Рус тилининг изоҳли луғати”да “факт –таяниш мумкин бўлган ҳодиса, воқеа”¹² деб ёзган эди.

Факт лотинча *faktim*-“қилинган” сўзидан олинган бўлиб, “ҳақиқий, ўйлаб топилмаган ҳодиса” маъносини англатади ва унинг ягона характерини таъкидлайди.

Илмий факт тушунчаси кундалик ҳаётда кенг маънода қўлланиладиган факт тушунчасига нисбатан аниқ ва мазмундордир.

¹¹ Конин П. В. Логика научного исследования и её основные понятия. // «Вопросы философии», 1964, № 3. С.65.

¹² В. И. Даль. Толковый словарь русского языка. Спб. – Москва, 1882.,Т.4.С.531.

Илмий факт ҳақида сўз борса, билишнинг муайян сифатини, фан ютуғини, объект моҳиятини билишдаги янгиликни, ҳақиқатни тушунамиз. Факт ва илмий факт тушунчалари ўртасидаги тафовут ана шундадир.

Илмий фактнинг характерли белгилари:

1) Илмий фактлар аниқ ва ишончлидир. Илмий фактнинг аниқлиги объектив методлар томонидан белгиланади ва предмет, ҳодиса, воқеаларнинг энг муҳим белгилари, миқдорий ва сифатий ўзига хослигини тавсифлайди.

Фактнинг ишончилиги унинг шубҳасиз мавжудлиги ва ўхшаш вазиятларда такрорланиши билан тасдиқланади (исботланади). Илмий тадқиқотда алоҳида фактларни эмас, балки кўриб чиқиладиган масалага доир фактлар мажмуасини олиш талаб қилинади, акс ҳолда, фактлар атайин танланган, деган шубҳа пайдо бўлиши мумкин.

Илмий тадқиқотни баҳолашда кўпинча “эркин факт”, “янги факт”, “мутлақо шубҳасиз факт”, “асосий факт”, “фундаментал факт” сингари таснифлар берилади.

Янги илмий фактларнинг билишда катта аҳамиятга эга эканлиги уларнинг фан ва амалиётдаги таъсирчанлигини ҳисобга олишни ва танқидий баҳолашни талаб этади.

Янги илмий фактларни билиш, биринчидан, бизнинг оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитади, иккинчидан, бизнинг реал воқеликни ўзгартириш имкониятларимизни кенгайтиради, учинчидан, янги илмий кашфиётлар инсониятга таҳдид солмаслиги учун ҳушёр бўлишга чақиради.

Илмий фактларнинг ўзига хослигини баҳолаш уларнинг халқ хўжалиги учун аҳамиятини билишга ёрдамлашади. Афсуски, оламда илмий фактларга ўз вақтида етарли баҳо берилмайди.

Йирик саноат корхоналарида илмий кашфиётларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ниҳоятда қийин кечади. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик хусусий корхоналарда фан ва техника соҳасидаги илмий кашфиётларни ҳаётга татбиқ этиш реал иқтисодий даромад келтиради. Собиқ совет жамиятидаги планли иқтисодиёт фан ва техника ривожига халақит берди.

Илмий фактлар кундалик ҳаётдаги фактлардан фарқли равишда замонда (вақт ичида) кенг ҳаракатланиш диапазонида эгадир: у ўтмиш ҳодисалари (археологик фактлар) га ҳам, бугунги кундаги кузатишларга ҳам , хатто келажакка ҳам тегишлидир.

“Муаммо” тушунчаси нимани англатади? Илмий муаммо нима? Юнонча “problema”сўзи “топширик, вазифа” маъносини англатади.

Илмий муаммо – қандайдир йирик вазифани ўрганиш ва ҳал этиш учун бир неча муҳим вазифаларни режалаштиришни англатади.

Муаммо тушунчаси катта миқёсдаги назарий ва амалий характерга эга бўлган вазифаларни белгилайди.

Кенг планда илгари суриладиган муаммо тушунчаси билан бир қаторда унинг таркибига кирувчи хусусий муаммолар бир-биридан фарқланади. Илмий мавзунинг кенг комплексидан анча конкрет вазифаларни ажратиб олиш кўп фанларга хос қимматли усул ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда ҳар қандай муаммони тадқиқ этишга умумийлик ва алоҳидаликнинг бирлиги сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Илмий тадқиқот ишларининг турлари. Диссертация материалларини тўплаш
ва ишлаш усуллари

Танланган диссертация мавзуси ва тадқиқот методига боғлиқ равишда илмий асарнинг тури белгиланади. Айрим илмий ишларда эксперимент, баъзиларида

объектни қиёсий ўрганиш, бошқаларида тавсифлаш, ҳисоблаш-анализ қилиш фактик маълумотлар тўплаш учун асос бўлади. Кўпинча тадқиқотчи битта ишда фактлар тўплашнинг бир неча туридан фойдаланади.

Ҳар бир тадқиқотдаги энг асосий вазифа-тадқиқотчининг ўзи тўплаган илмий нуқтаи назаридан янги материаллари, уларни умумлаштириши, яна муҳими-фактларни анализ қилиши, тушунтириши, хулоса ва таклифлар беришидир.

Баъзилар тадқиқотчи-олимни мураккаб ва оригинал бино қураётган архитектор-қурувчига ўхшатадилар. У эҳтиёткорлик ва зийраклик билан ўзи қурадиган бино учун зарур “қурилиш материаллари” –ғоя ва фактларни тўплайди. Агар қурилиш материаллари ортиб қолса –бунинг ёмон томони йўқ. Муҳими, асосий ва зарур маълумотлар етарли даражада бўлиши керак. Тўпланган барча материалларни тўлалигича диссертацияга киритиш шарт эмас. Диссертацияни расмийлаштиришда (ёзиб тугатишда) энг керакли, энг муҳим материалларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Энг аввало, илмий кузатишларни қатъий ҳисобга олиш ва мунтазам равишда ёзиб боришга одатланиш зарурдир. Ҳар куни қадам бақадам тадқиқотнинг бориши, ютуқ ва камчиликларни, қўлланаётган усулларнинг хусусиятларини белгилаш зарур.

Диссертациянинг ҳар бир боби ва параграфлари бўйича алоҳида папка юритиб, тўпланган маълумотларни тегишли папкага солиб бориш, махсус дафтар юритиш лозим. Тадқиқотчининг кундалик иш дафтари шунчаки қоралама эмас, балки у кўпинча ҳали ишланмаган диссертациянинг бўлажак бўлим ва боблари ёки монография учун қимматли илмий фактлар бўлиши ва ана шу боисдан ҳам сўзлар тўлиқ, аниқ, мазмунли қилиб ёзилиши зарур.

Баъзан зарурият туғилса, бу материаллар расмий оппонентга, илмий кенгаш аъзоларига далил сифатида кўрсатилиши мумкин.

Шу сабабли қоралама илмий материаллар, кундалик дафтарлар илмий архивга топширилгунга қадар эҳтиёт қилиб сақланиши керак. Зеро, муҳим илмий хулосалар ана шу дафтарларда акс этган материаллар асосида қилинган бўлиб, тадқиқотчининг кўп йиллик меҳнати маҳсули ҳисобланади.

Режалаштирилган тадқиқот ниҳоясига етишдан олдин олинган илмий натижаларни таҳлил қилиш ва дастлабки илмий хулосаларни қоғозга тушириш тавсия этилади. Албатта, бунинг учун етарлича материал бўлиши зарур.

Ана шу маълумотлар бўлғуси диссертациянинг макети бўлиб, унинг асосида тадқиқотчи илмий доклад ва илмий мақолалар тайёрлаши, мутахассислар билан уни муҳокама қилиши мумкин.

Тадқиқотни амалга ошириш натижасида эришилган илмий ва амалий жиҳатдан қимматли бўлган ишингиздаги янги, оригинал янгиликларни алоҳида ажратиш муҳимдир.

Ўз илмий изланишларининг дастлабки натижаларини қўлга киритган тадқиқотчи мутахассисларнинг танқидий мулоҳазаларига нисбатан ҳолис (объектив)ва эътиборли бўлиши керак. Бу тавсиялар сизга алмисокдан қолган эски гаплар, хулосалар бўлиб туюлган тақдирда ҳам уларни улоқтириб ташламанг.

Сиз буюк табиийётшунос, академик И.П. Павловнинг ёш олимларга қилган маърузасини унутманг: “Ўз билимларингиздаги камчиликларни яширишга асло уринманг. Мағрурланишга асло йўл қўйманг. Ўша туфайли сиз қилиниши лозим бўлганида қаршилик кўрсатасиз, ўша туфайли фойдали маслаҳат ва дўстона ёрдамдан воз кечасиз, ўша туфайли сиз объективлик меёрини йўқотасиз”¹³.

Тадқиқотчи илмий изланишлар жараёнида риск (таваккал) қилиш ҳуқуқига эгадир. Илм ҳосил қилиш, тажриба орттириш хатоларсиз, қабул қилинган метод ёки режалардан четга чиқишларсиз бўлмайди. Ўз-ўзингизни танқид қилишни

¹³ Павлов И.П. Полн. Собр. Соч. Т.1.

ўрганинг ҳамкасбларингиз олдида йўл қўйган хатоларингизга иқроф бўлинг. Хатоларни таҳлил этиш уларни яна такрорлшдан сақлайди ва сизни янги билимлар билан қуроллантиради. Хатони ёлғон фан дейиш ярамайди

Сохта фан – илм-фан ривожига ҳалақит берадиган, калондимоғлик, қайсарлик, ўз хатоларингни тан олмасликдир.

1. Экспериментга асосланувчи тадқиқот

Эксперимент (лотинча “experimentum”- тажриба, синаб кўриш) –аниқ ҳисобга олинадиган шароитларда атайин келтириб чиқарилган ҳодисани кузатиш илмий асосга қўйилган тажриба бўлиб ҳар сафар ана шу шароит такрорланганда ана шу ҳодисани қайтадан яратишга ва уни бошқаришга имкон берадиган илмий фактлар ҳосил қилиш усулидир.

Илмий тадқиқотда эксперимент воқеликни билиш ва ўзгартиришнинг асосий усули ҳисобланади. Одатдаги пассив кузатишдан фарқли равишда эксперимент тадқиқотчининг ўрганилаётган объектга фаол таъсир кўрсатишига имкон беради ва шу хусусияти билан оддий кузатишдан фарқланади. Шу жиҳати билан эксперимент инсоннинг қулай ишлаб чиқарувчи амалий фаолиятининг муҳим шарти ҳисобланади.

Лаборатория эксперименти ва ишлаб чиқариш эксперименти бир-биридан фарқланади. Ижтимоий ҳаёт соҳасида социал экспериментдан фойдаланилади.

Шунингдек, табиий ва сунъий экспериментлар бир-биридан фарқланади.

Табиий эксперимент психологияда кишиларнинг ишлаб чиқариш, таълим ва турмуш шароитидаги психик жараёнларини ўрганишда қўлланилади.

Сунъий эксперимент жуда кўп фанларда кенг қўлланилади. Сунъий экспериментнинг характерли хусусияти шундаки, бутунликнинг бирон бир

қисмини ўлчаш миқдорий ва сифатий жиҳатдан баҳолаш имконига эга бўлиш учун бошқа қисмидан ажратилган ҳолда ўрганишдир. Бундай сунъий эксперимент воқеликни қўпол равишдабузиш, ўлик ҳолга келтириш билан баробардир.

Масалан, ҳаво муҳитининг метеоролик шарт-шароитларини ўрганишда тадқиқотчи вақтнинг муайян кесимида ҳаво температурасини, намлигини, ҳаракати кўрсаткичини ўрганиши мумкин, ҳолбуки, атмосфера муҳитининг бу ва бошқа физик хоссалари ягона объект ва жараённинг айрим томонларидир.

Бу тебраниш, шовқин, радиация омилларини ўрганишга ҳам тўла тегишлидир.

Биз реал воқеликни ўрганиш жараёнида ўлчаш ишлари давом этаётган қандайдир вақт ичида кузатилаётган объект ўз ҳаракати, ривожланиши ва ўзгаришидан шартли равишда тўхтаб қолишига йўл қўямиз. Бундай эксперимент ҳодисаларнинг нозик ва сирли хусусиятларини ўрганиш, унинг моҳиятига чуқурроқ кириб боришимизга имкон беради.

Ёш тадқиқотчи диссертация мавзуини энг аввало эксперимент, тажрибада синаб кўриш йўли билан ҳал қилинадиган масалаларга эътибор бериши керак. Худди ана шундай ишлар табиийётшуносликда, техник биологик, медицина ва қишлоқ хўжалиги фанларида қимматли натижалар бериши мумкин.

Диссертант (тадқиқотчи) экспериментал тадқиқотни ташкил этар экан, муайян илмий гипотезага амал қилиши, иш ғоясини пухта ўйлаши, ҳодисалар моҳиятини тушунишга интилиши ва нима учун? деган саволга жавоб бериши керак.

Агар тадқиқотчи нимани излашни, қаердан излашни ва қандай излашни билмаса, бу ишдан ҳеч қандай маъно кутиб бўлмайди.

Экспериментал диссертацион тадқиқотларни бажаришнинг методик вариантлари ниҳоятда хилма хил, фанда қабул қилинган инсон тажрибалари, махсус усуллари, кузатишлар ҳазинаси ниҳоятда улкандир.

Экспериментал тадқиқот вақтида, баъзан диссертант ўз ишлари билан банд бўлиб, тажрибаларнинг бориши устидан назоратни йўқотиши ва хато хулоса чқариши мумкин: тасодифий натижани кутилган натижа сифатида эълон қилиши мумкин.

Бундай шошма-шошарлик билан чиқарилган хулосани илмий раҳбар билан муҳокама қилингандан сўнг тадқиқот тўғри йўлга солиниши мумкин.

Баъзан янги иш бошлаган тадқиқотчилар эксперимент ўтказишдан олдин кузатишни қийинлаштирадиган жиддий муаммоларга дуч келишлари мумкин. Бундай ҳолатларда осон йўлни ва тажриба ўтказиш учун қулай шароит бўлишини кутиб ўтирманг. Кўпинча тадқиқотчи ғоят қийин, оғир ва нотинч вазиятларда ўз олдига қўйган вазифани ҳал этиши-табиат сирларини очиши мумкин.

Жаҳонга машҳур олимларнинг энг ибратли фазилати ўзини фанга тўла бағишлашидир. Агар вазият инсон устида эксперимент ўтказишни талаб этса, ёрқин инсонпарварлик майлларида келиб чиқиб, ўзлари устида эксперимент ўтказганлар. Бунга рус фани тарихидан бир неча мисоллар келтириш мумкин. Рус врач С. С. Андеевский 1788 йили ўзига сибир ярасини юктириб, бу хасталикнинг инфекцион характерга эга эканлигини ва у ҳайвондан инсонга ўтиши мумкинлигини исботлади.

Одессалик врач П. Н. Минх ўзига қайталанма тиф (терлама) касаллиги билан оғриётган бемор қонини қуйиб, оғир хасталикка учради. Бироқ ана шу хатарли тажриба орқали Обермейр спирохета (касаллик тарқатувчи спирал шаклидаги бактерия)си ичидан ҳам қайталанувчи тиф (терлама) нинг кўзғовчиси эканлигини исботлади. Бундай мисолларни жаҳон фани тарихидан кўплаб келтириш мумкин.

3. Методик тадқиқотлар

Метод (юнонча *metodos*- тадқиқот йўли, усули) –фалсафада объектив оламни билиш усули, маъносини англатади.

Методология термини эса 1) олами илмий билиш тўғрисидаги таълим; 2) воқеликни тадқиқ этиш усуллари мажмуаси деган маънони англатади.

Методика деганда эса бирон бир тадқиқотни, шунингдек, ўқитишни изчил ва самарали амалга ошириш усуллари системаси тушунилади. Ҳар қандай фанда методик характердаги тадқиқотлар ғоят қимматли ҳисобланса-да, диссертация мавзуи сифатидаги тадқиқотлар жуда кам учрайди.

Шу ўринда академик И. П. Павловнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: “Метод –энг биринчи , асосий нарсадир. Тадқиқотнинг бутун тақдири, жиддийлиги, хатти-ҳаракат усулига боғлиқдир. Метод ўз қўлида тадқиқот тақдирини ушлаб туради”¹⁴ .

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳар қандай ишда уни амалга ошириш усули белгиланган вазифани муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартидир.

Методология масалаларига бағишланган тадқиқотлар диссертантдан ишнинг методик масалаларига алоҳида диққат билан қарашни талаб этади.

Методика масалаларига бағишланган баъзи тадқиқотлар саноат ёки қишлоқ хўжалик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенг ёйилган ва муҳим усулларини тубдан яхшилашни, яна бир тадқиқотлар фойдали қазилмаларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш усулларини, учинчи бир тадқиқотлар эса таълим ва тарбия усулларини янада яхшилашни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Баъзан тадқиқотчилар тадқиқотни номлашда ўзлари ўрганаётган методнинг моҳиятини алоҳида таъкидлайдилар. Масалан: “Маданий донли экинлар табиатини ўзгартиришнинг янги йўллари” ва ҳ.о.

¹⁴ Павлов И.П. Лекции по физиологии. 1912-1913. – М, 1956. С.16.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир илмий кашфиёт –бу, қандайдир олимнинг махсус ютуғи эмас, балки ана шу кашфиёт учун йўл очган кўплаб ўтмишдаги олимлар меҳнатининг маҳсулидир.

Маълумки, Максвелл ўзидан олдинги яшаб, ижод қилган Ампернинг электродинамика қонунлари асосида электротехниканинг уч қонунини кашф этди. Ампер эса Эстреднинг электротехника соҳасидаги яна ҳам қадимий кашфиётиги асосланган эди.

Методика масалаларига бағишланган тадқиқотларнинг характерли белгиси сифатида қуйдагиларни кўрсатиш мумкин: 1) конкрет метод ва методикани объектив баҳолаш; 2) мазкур методнинг янги муҳим хусусиятларини унинг фойдасига очиб бериш; 3) конкрет соҳадаги ҳозирги методлар билан таққослаганда жиддий афзалликка эга бўлган метод ва методикани ишлаб чиқиш; 4) тавсия этилаётган принципиал жиҳатдан янги методик ечимнинг тарихий ворислиги; 5) тақдим этилаётган янги такомиллашган методика самарали эканлигини иқтисодий жиҳатдан асослаш.

4. Баён этувчи тадқиқот

Тадқиқотнинг баён этиш усули жуда кўплаб фалсафий, математик ва социал фанларда, шунингдек, геология, медицина, астрономия, биология фанларида қўлланилади.

Бу- ана шу фанлар томонидан ўрганиладиган объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг ўзига хослиги, мураккаблиги, эксперимент ўтказишнинг имкони йўқлиги билан изоҳланади.

Баён этувчи тадқиқот учун айниқса, қуйидаги белгилар характерли:

1) Объектив мавжуд бўлган, бироқ ҳали ўрганилмаган илмий бирламчи манбалардаги фактлар, ҳодисалар, эпизод, деталларни ҳужжатлар асосида аниқ баён этиш (тавсифлаш).

2) Фактлар, ғоялар моҳиятини ўзаро алоқадарлик, ўзаро таъсирда очиб бериш ва уларнинг ривожланиш қонунларини кўрсатиш;

3) Фактик материалларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва муайян хулосалар чиқариш.

Баён этувчи тадқиқотнинг бундай хусусиятлари тавсифловчи илмий асарлар учун ҳам бошқа турдаги илмий ишлар учун ҳам хос бўлиб, баён этиш бошқа тадқиқотлар учун таркибий қисм сифатида киради.

Баён этиш усули фақат илмий тадқиқотлардагина эмас, балки бадий адабиёт ва публицистикада ҳам кенг қўлланилади.

“Фактларнинг аччиқ ҳақиқати” , кузатиш жараёнида олинган материалларни ҳужжат асосида ёритиш илмий ижодий жараённинг зарур шarti ҳисобланади. Бадий асарлардаги баён этиш усули эса бадийлик (ўхшатиш, муболаға, типиклаштириш, бадий тўқима ва ҳ.о.)ни талаб этади.

Баён этувчи тадқиқотда объектив мавжуд бўлган, бироқ тўла билиб олинмаган, амалиёт учун ҳали кашф қилинмаган бирламчи манбаалар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Манбаалар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, унга индивидуал ёндашишни, унинг муҳимлигини, ишончлилигини ҳар томонлама баҳолашни талаб этади. Бу ҳақда буюк француз мутафаккири Вольтер: “Ҳамма нарса ҳам тавсифлашга лойиқ бўлавермайди”, - деб ёзган эди.

Образли қиёслаш усулини қўллар экан, илмий фактлар материалларнинг юза қисмида мавжуд бўлмайди, балки худди олтин заррачалари улкан саҳро қумлари ичида яширингани сингари материалларнинг остида яширинган бўлади.

Академик В. И. Вернадскийнинг таъкидлашича, “Аниқ, илмий асосланган факт моҳиятан ҳар доим унинг устига қурилган, уни изоҳловчи назарияга қарагандакўпроқ нарса беради. У бўлғуси назариялар учун ҳам тўғридир ва у

назарияларнинг тарихий алмашинувида ҳам ўзгармас бўлиб қолади”¹⁵. Бироқ фактлар уларни қандай ёритишига қараб, ўз қиёфасини ўзгартириши мумкин. Конкрет-социологик тадқиқотларда кузатишни макон ва замоннинг айни ҳозирги шароитларида олиб бориш лозим. Тадқиқотчилар фақат йирик ҳодисаларни анализ қилиш ва умумлаштириш билан чекланмайдилар. Ўрганилаётган муаммо учун муайян роль ўйнайдиган алоҳида фактларни синчиклаб ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш зарурдир.

Социал ва социологик муаммоларни татқиқ этиш устида ишлаётган тадқиқотчилар кўпинча математик моделлаштиришнинг статистик усуллари билан бир қаторда оптимал ҳисоб-китоб усулидан ҳам фойдаланадилар.

Шундай хулосага келиш мумкин: *бирламчи манбаларни танлаш* оддий иш эмас, балки худди тадқиқотнинг ўзи сингари ижодий жараёндир.

Тадқиқотчи ўзи учун зарур бўлган бирламчи материалларни излашда уларни архив ва кутубхоналардан топа олмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда тадқиқотчи воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги турли уйдирмаларни айтишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши зарур.

Илмий тадқиқотни баён этиш усулининг зарур белгиси –фақат фактларни баён этишгина эмас, балки нарсалар моҳиятини, уларнинг сифатий намоён бўлишини очиқ беришдир. Материалларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларни шакл ва мазмунига кўра қиёсий ўрганиш, ҳодисаларни умумлаштириш ва уларнинг қонуниятларини аниқлаш ана шунга имкон беради. Фактик материалларни анализ қилиш ва қайта ишлашнинг турли усуллари факт ва ҳодисалар моҳиятини очишга кўмаклашади. Айрим ҳолларда аналогия (ўхшатиш) методини, бошқа ҳолларда қиёслаш, учинчи ҳолатда янги назарий позициядан ёндашиш ҳодисалар моҳиятини билишда муҳим аҳамият касб этади.

¹⁵ Вернадский В.И. История минеральной земной коры. Т. 1. Л., 1925. с.3-4.

Аналогия усули ҳодиса ёки воқеаларнинг бирон бир белги ёки муносабатларга кўра ўхшаш эканлигини аниқлаш имконини беради.

Фактларни таҳлил қилишнинг бу тури ҳам ишончли, ҳам тўғри, ҳатто ёлғон хулосаларга олиб келиши мукинлигини унутмаслик зарур.

Бутун гап аналогиянинг қанчалик ҳақиқий эканлигидадир: у ҳақиқий бўлсагина хулосалар ҳам исботланган бўлиши ва илмий факт аҳамиятига эга бўлиши мумкин.

Тадқиқотчи илгари сураётган ҳар бир қоида яхши асосланиши керак. Ана шу талаб кўпинча ёш тадқиқотчилар томонидан унутилади.

Илмий мақола ва диссертацияларда кўпинча муаллифнинг “Бизнинг тадқиқотимиз кўрсатишича”, “Биз шунини аниқладикки”, “Шу нарса аниқки...” сингари каби ибораларни учратиш мумкин, лекин ана шу иборалардан кейин китобхон зарур фактик материални, муаллифнинг илмий далиллари топа олмайди. Натижада тадқиқотчи илгари сураётган қоидаларнинг исботланмаганлиги, қуруқ гап эканлиги тўғрисида салбий таассурот ҳосил бўлади.

Фактик материални умумлаштириш – турли фактларни шунчаки санаш ва системалаштириш эмас, балки илмий таҳлил қилишнинг конкретликдан мавҳумликка ва яна ҳам юксак назарий даражада конкретликка ўтишнинг энг муҳим ва самарали усулларида биридир.

Воқеликни билиш жараёнида фактик материаллар тўплашнинг муайян босқичида уларни умумлаштириш обектив танқид элагидан ўтказиш, ўзингиз олган илмий натижаларни қатъий ва адолатли баҳолаш жуда муҳимдир.

Илмий анализ ва синтезнинг бу усули тафтиш қилиш, илгари сурилган гипотеза, илмий назария принципаал янги илмий фактларга мос келмаган ҳолатларда уларни қайтадан кўриб чиқиш кўринишида ҳам татбиқ этилади.

Ҳар бир тадқиқотчи илмий материалларни умумлаштиришни ўрганиши керак.

Академик С. И. Вавилов шундай деб ёзган эди. “Ҳозиргина “Ёруғликнинг микроструктураси” китобини ўқиб тугатдим, унда ўзимнинг ва ҳамкасбларимнинг жуда кўп ишларини бирлаштирдим ва янгича қайта кўриб чиқдим. Бу одамлар ва ўзим учун фойдали. Бу ерда вақт синовидан ўтган энг асосий қоидалар ажратиб кўрсатилди”¹⁶.

Баён этиш характериға эа бўлган илмий материалларни умумлаштириш албатта, қисқа ёки кенг хулоса билан якунланиши керак.

Уларда янги илмий материалларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалий таклифлар бериш, мазкур муаммо бўйича кейинги тадқиқотларда амалга ошириши зарур бўлган вазифаларнинг кўрсатилиши айниқса муҳимдир.

6. Тарихий-биографик тадқиқотлар

Тарихий-биографик тадқиқотлар баён этувчи тадқиқот таркибига киради. Ўзининг мазмунига кўра, тарихий-биографик тадқиқотларнинг қуйидаги турлари бир биридан фарқланади.

- 1) Илмий биография;
- 2) Дунёқараш ва ижод тўғрисидаги тадқиқотлар;
- 3) Ўз замонасининг ғоявий ҳаётида муҳим роль ўйнаган кишиларнинг тарихий хизматлари тўғрисидаги тадқиқотлар;
- 4) Мамлакат фани, техникаси, маданияти ва олимларининг буюк хизматлари тўғрисидаги тадқиқотлар.

Илмий биография қайсидир машҳур инсон ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни хронологик изчилликда объектив баён этадиган тадқиқот бўлиб, унинг, маиший,

¹⁶ Левшин В.Л. Труды В.И. Вавилова в области оптики. Труды института естествознания и техники. История физика математических наук. Москва, 1957. С. 8.

ижтимоий, маданий ҳаёт шароитлари факти ёритилади; унинг маънавий, ғоявий, ижодий биографияси чуқур шарҳланади.

“Илмий биография” тушунчаси тадқиқотчининг ўрганилаётган шахснинг ҳаётига доир фактлар, ҳодиса, воқеаларни дунёқараш ва фалсафий нуқтаи назардан тўғри, ҳаққоний тасвирлашни англатади.

Илмий биография учун автобиографик маълумотлар, кундаликлар, мактублар, нутқи, замондошларининг хотиралари, илмий ва бошқаасарлари мавзу учун муҳим манбаалар ҳисобланади. Кўпинча тарихий-биографик диссертацияларда машҳур кишиларнинг дунёқараши ва ижоди масалалари тадқиқот марказида туради ва мавзунинг асосини ташкил этади.

М. С. Шагиняннинг буюк шоир ва революционер Тарас Григорьевич Шевченко тўғрисидаги докторлик диссертацияси тарихий-биографик тадқиқотга мисол бўла олади. Бунда муаллиф қуйидаги муҳим масалаларни ёритишга ҳаракат қилади. 1) кобзар поэтикаси; 2) драматургия, музика, тасвирий санъат; 3) проза; 4) эстетика; 5) муҳаббат; 6) Орол экспедицияси; 7) Т. Г. Шевченко ва “Искра” ҳафталиги; 8) Т. Г. Шевченко ва Н. Г. Чернишевский .

М. С. Шагиняннинг Т. Шевченконинг “жонли образи” ни яхшироқ очиш учун қўллаган усуллари кўпқиррали ва ғоят таъсирчандир. Муаллиф шоир ҳаётининг турли даврларида яратилган асарларини қиёсий ўрганишда хронологик параллел усулдан фойдаланади; шоир асарларидаги автобиографик методларни қиёслайди (буни Шевченко илмий биографияси учун “улкан хазина” деб тавсифлайди); шоир томонидан воқеликнинг идрок этилиши ва шоирнинг ўз-ўзини анализ қилиши тўғрисидаги материаллар “санъат табиатини идрок этишдан қандай туғилганлиги” тадқиқ этилган; мавзуга оид библиографик изланишлар ва бошқалар чуқур таҳлил этилган.

Илмий методик нуқтаи назардан мазкур асар фақат адабиётшунослар учунгина эмас, балки бошқа мутахассислар учун ҳам катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

6. Аралаш типдаги тадқиқотлар

Бундай типдаги илмий асарлар фаннинг барча соҳаларида кўп учрайди. Илмий ишларнинг бундай шакли универсалхарактерга эга бўлиб, тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб, тадқиқотнингбир неча турларини қўллашга имкон беради.

Аралаш типдаги тадқиқотларда муаммонинг ўрганилиш ҳолати батафсил ёритилади, мавзуга оид илмий манбаалар танқидий кўриб чиқилади. Бундай тадқиқотларда Ватанимиз олимлари эришган ютуқлар, уларнинг ижодидаги гуманистик йўналишга оид материаллар ғоят қимматли ҳисобланади. Бундай типдаги тадқиқотнинг кириш қисми баён этиш сифатида бажарилади, муаллифга фан ютуқларини умумлаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг асосий қисми муаллиф томонидан олинган оригинал экспериментал материалларни таҳлил қилишга бағишланади. Унда соф методик масалаларни ҳал қилишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

II. 3. Илмий ишлар ва уларнинг характерли хусусиятлари

Илмий асарлар материалларнинг мазмуни, тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадига қараб турлча шаклларда бўлиши мумкин:

- 1) Илмий доклад;
- 2) Илмий мақола (журнал учун)
- 3) Монография
- 4) Брошюра
- 5) Илмий ҳисобот
- 6) Рецензия
- 7) Реферат

- 8) Аннотация
- 9) Доклад тезиси
- 10) Автореферат
- 11) Ўқув қўлланма
- 12) Дарслик
- 13) Диссертация

Юқорида саналган илмий асарларнинг ҳар бири ўз шакли ва мазмунига, умуман тузилишига кўра, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Илмий мавзудаги докладга қуйидаги талаблар қўйилади: 1) қисқача кириш қисмида мавзунинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилади; 2) мавзунинг моҳияти, асосий илмий қоида (ғоя) ёритилиши зарур; 3) хулоса ва тавсиялар берилиши лозим.

Илмий докладдан фарқли равишда лекцияда илмий фактларни баён этиш ўқув-педагогик мақсад билан, тингловчиларнинг дунёқарабини кенгайтириш ва уларга предмет бўйича изчил ва системали билим бериш билан боғлиқ бўлади.

Доклад тингловчиларга тадқиқотчи амалга оширган илмий изланишнинг энг муҳим ютуқ ва янгиликларини эшиттириш ва муҳокама қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Одатда доклад учун 15-20 дақиқа вақт ажратилади, шу боисдан ҳам тадқиқотчи доклад учун тайёргарлик кўришда ана шу ажратилган вақт ичида ўзи амалга оширган тадқиқот натижаларини қисқа ва мазмунли баён қилиши зарур.

Илмий докладда икки-учта энг асосий қонидани ажратиш ва уларни асослашга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Илмий докладда кўриб чиқиладиган масалаларни ҳаддан ташқари майдалаштириш ва кўриб чиқиладиган масалалар сонини кўпайтириш ярамайди.

Акс ҳолда тингловчиларнинг хаёли сочилади, илмий докладнинг таъсирчанлиги, аҳамияти йўқолади.

Таъкидлаш жоизки, агар докладчи доклад текстига қарамай илмий ғояни оғзаки баён этса, докладнинг ишончилиги ва таъсирчанлиги ортади, тингловчида ёрқин таассурот қолдиради. Ана шундай ҳолатда тингловчи ва докладчи ўртасида илиқ ва жонли алоқа пайдо бўлади. Агар докладчи текстга ёпишиб, бир хил оҳангда қуруқ ва эҳтиросларсиз ўқиб берса, тингловчида бефарқлик ва ёмон таассурот қолдириши мумкин.

Докладчининг ўзига бўлган ишончи ва эмоционаллигидан ташқари қатъий илмий далилларга таяниши тадқиқотчи докладининг мазмунли ва таъсирчан бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Доклад тезислари докладнинг асосий қодалари, илгари сурилаётган илмий ғоянинг мазмуни билан олдиндан танишиш ва чоп этиш учун тақдим этилади. Одатда тезислар 7-8 минутдан , 1,5-2 саҳифадан иборат бўлади. Илмий мақола журнал ва илмий тўпламларда чоп этиш учун 8-10 саҳифадан иборат ҳажмда тайёрланади. Илмий доклад композицияси (структураси) илмий мақола учун асос бўлиши мумкин.

Илмий мақола қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: 1) сарлавҳа; 2) кириш қисми (мавзунинг долзарблиги, назарий ва амалий аҳамияти); 3) тадқиқот методикаси ҳақида умумий маълумот; 4) олинган илмий натижаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш; 5) хулоса ва таклифлар.

Илмий мақола тайёрлашда, албатта, манбаалар аниқ кўрсатилиши шарт. Илмий мақолада далиллар кучли бўлса, ишнинг ишончилиги ва илмийлиги шунчалик ортади. Ҳолбуки, доклад ва тезисларда илмий манбааларга муружаат қилинмайди.

Реферат (лотинча referat- доклад) илмий муаммо бўйича бирон бир китобнинг мазмунини ёзма равишда қисқача баён этиш. Реферат ёш тадқиқочилар илмий ишининг бошланғич шакли ҳисобланади. Тадқиқотчилар рефератлар тайёрлаш методикасини ўрганишга жиддий эътибор беришлари керак.

Автореферат - муаллифнинг ўзи томонидан ёзиб тугалланган диссертациянинг қисқа баёни бўлиб, 200-250 нусхада босмаҳонада чоп этилади. Одатда бундай автореферат фан доктори илмий даражасини олишга даъвогар тадқиқотчи томонидан ёзилади ва у икки босма табоқ (34 саҳифа) атрофида бўлади.

Автореферат сарлавҳаси ва мазмуни диссертацияга тўла мос бўлиши зарур. Бундан ташқари, унда ҳимоя қилинадиган вақт, жой ва илмий раҳбар, расмий оппонентларнинг фамилияси кўрсатилади. Унда диссертациянинг ҳажми, номи, илова, муаллифнинг диссертация мавзуи бўйича илгари чоп этган монография, илмий мақолалар рўйхати албатта кўрсатилиши шарт.

Рецензия (тақриз) –(лотинча “recensio” сўздан олинган бўлиб, “кўриб чиқиш” , “текшириш” маъноларини англатади) – бирон бир асар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиладиган мақола бўлиб, унда тадқиқот таҳлили берилиб, танқидий баҳоланади.

Илмий асарга тақриз ёзиш тадқиқотчидан фан, техника, маданиятнинг муайян соҳаси бўйича яхши малакага эга бўлишни, кўриб чиқилаётган масаланинг ҳозирги ҳолати ва чоп этилган янги адабиётлар билан яхши хабардор бўлишни талаб этади. Шу боисдан ҳам тақриз у ёки бу соҳага яқин мутахассислар томонидан берилади (ёзилади).

Ўқув қўлланма-мактаб, академик лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган билимларни фаннинг сўнгги ютуқлари асосида баён этадиган илмий асардир. Бу илмий тадқиқотнинг қийин, мураккаб ва масъулиятли шаклларида бири бўлиб, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури асосида алоҳида олим ёки олимлар жамоаси томонидан тузилади.

Илмий факт ва тушунчаларни қисқа, лўнда, мазмунли қилиб баён этиш, ҳозирги замон фани даражасида тушунтириш ва уни иллюстратив (рангли кўргазма) материаллар (расм, жалвал ва ҳ.о) билан таъминлаш тадқиқотчидан катта маҳорат ва санъатни талаб этади.

Олий ўқув юртлари учун дарслик, қўлланмалар яратиш учун тадқиқотчидан катта билим, бой тажриба, катта эҳтирос талаб этилади.

Илмий ҳисобот-илмий тадқиқот турларидан бири бўлиб, бажарилган илмий ишнинг режаси ва дастурини қисқачабаён этишнинг, қўлланилган методларни батафсил тавсифлашни, тадқиқотни яқунловчи хулосани, ҳал этилмаган масалаларни ва ниҳоят, тадқиқотчининг таклифларини ўз ичига олади.

Илмий ҳисоботга илова тарзида ҳисобот учун илмий далил бўла оладиган фотосуратлар, жадваллар берилади. Илмий ҳисоботда бажарилган ишнинг назарий аҳамияти, халқ ҳўжалиги учун муҳимлиги алоҳида таъкидланади.

Аннотация – китоб, мақоланинг қисқача тавсифи, унинг мазмун-моҳиятини очиқ берувчи ва баҳо берувчи кичик илмий асардир. Унда мазкур асарнинг кимлар учун мўлжалланганлиги албатта кўрсатилиши керак.

Монография - илмий асар бўлиб, унда бирон бир муаммо ёки мавзу олим томонидан батафсил ва ҳар томонлама тадқиқ этилади.

Монографиялар кўпинча диссертация ҳимоя қилинишидан олдин диссертациянинг асосий боб ва бўлимлари бўйича яратилади ва илмий жамоатчиликка илмий янгилик сифатида тақдим этилади.

Монография диссертация ҳимоясидан сўнг тадқиқотчи томонидан диссертация материаллари асосида яратилиши ҳам мумкин.

Брошюра- кичик ҳажмда (1-3 босма табок)ги, муқовасиз илмий асар бўлиб, илмий-оммабоп характерга эга бўлади.

Диссертация (лотинча dissertatio- “мулоҳаза”, “тадқиқ этиш”)- илмий тадқиқотнинг ҳукумат олий аттестация комиссияси томонидан белгаланган махсус шакли бўлиб, илмий даража олиш учун ихтисослашган илмий кенгашга тақдим этилади ва ихтисослашган илмий кенгаш мажлисида расман ҳимоя қилинади.

Мамлакатимиз конституциясига биноан олий маълумот олган ҳар бир фуқаро:

- а) магистратурани тугатгандан сўнг магистрлик илмий даражасини;
- б) докторантурани битириб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилганидан сўнг фан доктори илмий даражасини олиш ҳуқуқига эга.

2. Докторлик диссертацияси ва уни расмийлаштириш

Диссертация –бу, тадқиқотчининг янги илмий билимлар ҳосил қилиш, кашфиётлар яратиш йўлидаги муҳим бир босқич, илмий методни эгаллашдаги маҳорат кўрсаткичидир.

Энг аввало, диссертациянинг мавзуи, композицияси, боб ва бўлимлари аниқланади.

Диссертация ҳажми қандай бўлиши керак? Диссертация ҳажми тадқиқотчининг маҳоратини, олинган илмий натижаларни қисқа, лўнда, аниқ ва ҳар томонлама мукамал баён эта олишини кўрсатади.

Илмий методик нуқтаи назардан диссертация ҳажми қанча кичик бўлса, унинг қиммати шунчалик юқори бўлади. Худди ҳайкалтарош ўз асарини яратишда шакл ва мазмун уйғунлигига эришмоқ учун мармарнинг ортиқча жойларини маҳорат билан олиб ташлагани сингари диссертант ҳам тадқиқотнинг туб моҳияти ва мазмунини, илгари сураётган илмий ғоя ва янгиликни мумкин қадар ихчам, лўнда баён этиш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Математика, медицинага оид ҳимояга олиб чиқилган докторлик диссертацияларининг ҳажми 20-40 саҳифадан ошмаганлигига кўплаб мисоллар

келтириш мумкин. Эндиликда диссертацияларга баҳо беришда фақат ишнинг мазмунигагина эмас, балки материалларни илмий-методик жиҳатдан қайта ишлаш сифатига, тадқиқотчининг маҳоратига, диссертация ҳажмининг ихчам ва мазмундорлигига кўпроқ эътибор берилмоқда.

II.4. ИЛМИЙ УСЛУБ

Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришгандан кейин барча илмий асарлар, жумладан диссертациялар давлат тилида—ёзилмоқда ва ҳимоя қилинмоқда. Ҳолбуки, Марказий Осиёдан етишиб чиқиб, жаҳон фани, маданияти ва цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Мусо ал-Хоразмий , Беруний, Ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний сингари буюк алломалар ўз асарларини араб, форс тилларида ёзганлар. Собиқ совет жамиятида эса диссертацияларни, ҳатто ўзбек тилшунослигига оид илмий монография ва диссертацияларни рус тилида ёзиш ва ҳимоя қилиш талаб этилган. Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукумати Ғарб олимларининг илмий, фалсафий асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, зиёлиларимизнинг, айниқса, ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор берила бошланди. Зеро, ривожланган Ғарб мамлакатларининг илм –фан, техника ва технология соҳасида эришган ютуқларини пухта эгалламай, хорижий тилларини билмай туриб, Ватанимиз фани ва техникасини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириб бўлмайди.

Илмий доираларда илмий стил (услуб) тушунчаси кўп қўлланади. Зеро, илмий стил ўзининг муҳим хусусиятлари билан “сўзлашув тили”, “адабий стил” дан ажралиб тууради.

Илмий услуб учун хос бўлган муҳим хусусиятлар:

- 1) Фанда фўлланиладиган сўзларнинг қатъий бирмаънолиги;
- 2) Қисқа, ихчам ва лўндалиги;
- 3) Фақат илм аҳли, соҳа мутахассислари учун мўлжалланганлиги ;
- 4)Мантиқан изчил ва системали баён этилиши

Илмий услуб адабий тилнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, адабий тил нормаларига бўйсунди. Илмий ишларда маҳаллий шева, диалектларга оид сўз ва иборалар қўлланилмайди.

Мактаб ўқувчилари, таълим муассасаларининг талабалари турли фанларни ўқиш, ўрганиш жараёнида адабий тил нормаларини эгаллайдилар, аниқ, лўнда, мазмунли фикрлаш ва сўзлашиш кўникмалари ва имкониятини эгаллайдилар.

Гарчи сўзларинг аниқ, таъсирчанлиги, қатъийлиги бадиий проза, журналистика, матбуот стили учун муҳим ҳисобланса-да , бу сифатлар **илмий стил** учун ҳаётий зарурият, илмий тафаккур ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда илмий асарлар яратаётган тадқиқотчилар олдида ўз тадқиқотлари моҳиятини, ўз фикри,илмий далилларини фаннинг конкрет соҳаси билимдонлари, мутахассислари учун ниҳоятда имкон қадар аниқ-равшан қилиб баён этиш вазифаси турибди. Шунинг учун ҳам илмий стил ва илмий-оммабоп стил бир-биридан кескин фарқланади. Илмий стил фақат соҳа мутахассисларининг «тили» бўлиб, жаҳон фанига кириб келган терминология муҳим ўрин тутди. Илмий-оммабоп стил эса кенг зиёлиларни, номутахассисларни у ёки бу фанда эришилган ютуқ ва муаммолардан огоҳ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Катта билим ва салоҳиятга эга бўлган олим ўз ғояларини, муҳим ютуқларини илм аҳлига содда, лўнда ва ихчам қилиб етказа олмаса, олимнинг ёзма нутқи ривожланмаган бўлса, бу фан учун катта йўқотишдир. Машҳур немис файласуфи Иммануэль Кантнинг гносеология тарихида буюк тўнтариш ясаганлиги, асосан Ғарб файласуфлари учунгина яхши маълум бўлган. Академик Тарле «Наполеон Бонапарт» асарида ёзишича, Наполеон Пруссияни забт этганидан сўнг жаҳонга машҳур И. Кантнинг фалсафа соҳасида қилган янгилиги моҳиятини билиш учун пруссиялик бир файласуфдан И. Кант таълимотининг туб моҳиятини бир саҳифада баён этишни топширган.

Гап шундаки, Кант ўз фалсафий таълимотини кенг омма учун эмас, балки фақат файласуфлар учун мўлжаллаган. Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назарияси гарчи фанда янги йўналиш учун асос бўлса-да, кенг омма учун тушунарсиз бўлган. Лекин шунга қарамай илмий-оммабап асарлар, яратиш илмий янгилик ва кашфиётлар аҳамиятини кенг оммага етказиш ҳам тадқиқотчидан катта билим ва маҳорат талаб этади. Чунки фаннинг бўлғуси корифейлари (кашфиётлари) ана шу оммани бағридан етишиб чиқади.

Бинобарин, омма фақат сиёсатнинг эмас, балки фаннинг ҳам таянчи, ривожланиш манбаидир. Зеро, ҳақиқатни билиш, илм ҳосил қилиш машаққатлари ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, илм оламида яшаш уқубатларига фақат заҳматкаш халқнинг болаларигина бардош бера оладилар.

Махсус илмий атамаларни қўллаш-илмий стилнинг бадий ва сўзлашув тилидан фарқлайдиган муҳим хусусиятидир. Масалан: ўзбек тилшунослигида қўлланиладиган атамалар сўзлашув тилидаги сўзлардан бир неча баробар кўпдир. Бу – ўзбек тилшунослигининг жаҳон тилшунослиги ютуқларидан яхши хабардор эканлигига далилдир.

Мутахассисларнинг ҳисоблашича, кимё фанига кириб келган атама, шартли белгилар бир миллиондан ортиқроқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида Иқтисодиёт назариясига кириб келган атамалар ҳам бундан кам эмас.

Ана шундай махсус илмий атамалар, қабул қилинган халқаро белгилар туфайли кенг илмий фактлар, тушунча, жараён ва ҳодисаларни қисқа ва ихчам шаклда баён этиш, жаҳон илм аҳлини фойдали янгилик ва кашфиётлардан ҳабардор қилиш имконияти вужудга келди.

Илмий атамалар фикрни қисқа ифодалашга имкон берса, илмий тафаккур ривожига учун кенг йўл очади. Илмий ғояни ихчам, лўнда ва равшан баён этиш учун хотирада бир неча қўшимча термин, тушунчаларни сақлаш талаб этилади.

Илмий ижод, фан тараққиёти узлуксиз, тўхтовсиз жарёндир. Шу боисдан ҳам фанда мустаҳкам қарор топган илмий тушунча ва атамаларни “янгилаш” га уриниш фан ривожига жиддий ҳалақит беради.

Миллий мустақиллик халқимиз зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширибгина қолмай ақл-идроққа ёт эҳтиросларини ҳам жунбушга келтирди. Натижада Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилган Атама қўмитаси фан табиатига бутунлай ёт бўлган юмуш билан, яъни XX аср фанида мустаҳкам ўрин эгаллаган илмий, ижтимоий-сиёсий атамаларни IX-XII аср фани ва медицинасида қўлланган форсча ва арабча атама билан алмаштиришга зўр берди.: врач-ҳаким, аэропорт-тайёрагоҳ, университет-дорулфунун, медицина-тиббиёт, факултет-куллиёт, район-туман, граждани-фуқаро, журнал-ойнома, газета-рўзнома, инженер-муҳандис, эстетика-нафосатшунослик, этика-ахлоқшунаослик, кутубхона-ресурс маркази ва ҳ.о.атамалар билан алмаштирила бошланди. Бу эса охири-оқибатда қатор англашилмовчилик ва ноаниқликларни вужудга келтириб, илмий тафаккур ривожига жиддий ҳалақит бера бошлади.

Хуллас, фан умумбашарий маънавий қадрият сифатида бутун инсониятга хизмат қилар экан, унинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган халқларнинг

истеъдодли олимлари фанга янги илмий тушунча ва атамаларни олиб кирадилар. Мамлакатимиз фани жаҳон фанининг таркибий қисми сифатида илмий тафаккур мустаҳкам ўрин эгаллаган илмий тушунчалар моҳиятини чуқур ўзлаштириш ва ривожлантириш орқали унинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Фан ва техника ривожланиб боргани сийин фикрни илмий стилда баён этиш тобора такомиллашиб боради. Бу махсус илмий атамалар бевосита нутқни мазмунли таъсирчан ва образли баён этишда ўзига хос, ихчам ва аниқ гап қурилишида яққол намоён бўлади.

Ҳояни илмий баён этиш услуби асарни китобхонларнинг қайси тоифасига тегишли эканлигига боғлиқ равишда қуйидаги турларга бўлинади.

- 1) Соф илмий,
- 2) Илмий - педагогик;
- 3) Илмий - оммобоп услуб.

Соф илмий услуб мутахассис зиёлилар учун бағишланган журнал мақолалари, монографиялар, диссертация, олимларнинг кундаликлари, илмий асарлар учун хосдир.

Илмий асарнинг сарлавҳасидан бошлаб муаммонинг чуқур ўрганиш зарурлигини кўрсатиши лозим. Илмий асар мазмунига тўла мос бўлган аниқ ва тўғри сарлавҳада, илмий асар структурасида олим танлаган стил яққол кўзга ташланади. Асар муаллифи илмий ишга қўл уришдан олдин кимларга мурожаат қилаётганини, яъни ўз ўқувчиларини яққол кўз олдига келтириши лозим.

Соф илмий асарнинг ўз олдига қўйган мақсадига мувофиқ бир неча вариатларга бўлинади. 1) илмий тадқиқот якуни; 2) полемик (баҳс-мунозарага чақирувчи); 3) малакавий (тадқиқотчининг илмий малакасини намоёниш этувчи диплом иши, реферат, магистрлик диссертацияси, автореферат) бўлиши мумкин.

Нутқнинг экспрессивлиги, яъни ифодали ва образлилиги илмий стилга хос муҳим хусусиятдир. Ана шу маҳоратни эгаллаш тадқиқотчидан катта билим, сабот-матонат талаб этади.

Илмий нутқнинг ёрқин ва ифодалилиги образли иборалар, мақол ва маталларни ўз ўрнида қўллашда яққол кўзга ташланади. Илмий нутқ стилининг энг муҳим белгиси назарий позициядаги изчиллик, собитқадамлик, фикрни мантиқан тўғри баён этишдадир.

Илмий стилнинг яна бир муҳим белгиси назарий қоидаларнинг чуқур ички алоқадорлигидир. Фикрни илмий баён этишнинг яна бир муҳим белгиси ҳадисалар, жараёнлар, воқеаларни, уларнинг энг характерли томонларини, қирраларини очиб беришдир. Илмий фактларнинг миқдорий ва сифатий хусусиятларини ифода этувчи, таърифловчи тушунчалар ана шу вазифани адо этади.

Ана шундай тушунчаларни топа олиш ва ажратиш иқтидори олимларнинг индивидуал маҳоратига боғлиқдир.

Илмий нутқнинг ритми ва гўзаллиги ҳақида алоҳида тўхталиш жоиздир. “Ритм” юнонча сўз бўлиб, “ўлчамнинг тенглиги, такт ” маъносини англатади.

Илмий ижодий ишда нутқдаги ритм образлилик билан қўшилиб, фикрга ёрқинлик ва таъсирчанлик бағишлайди. Бир сўзнинг кўп марта такрорланиши нутқдаги ритм ва таъсирчанликка халақит беради. Бундай ҳолда такрорланаётган сўзнинг синонимини қўланг. Яхши таҳрир қилинган илмий асарда бир сўзнинг такрорланиши 90-100 сўздан кейин рўй бериши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Илмий нутқнинг гўзаллиги сўзларни синчиқаб танлашни тақозо этади. Бу ерда гап фанда мустаҳкам қарор топган илмий атамалар устида эмас, балки таъсирчан, аниқ, мазмунли ва мантиқан асосли гап қурилиши ҳақида кетяпти. Масалан: бир жойда ҳаққоний фикр, деб ёзилса, бошқа жойда энг тўғри фикр, адолатли фикр, чин фикр ва ҳ.о. деб ёзиш мумкин.

Америкалик таниқли олим Норберт Винер “Математик эстетика” ҳақида фикр юритиб, рақамлар маданий ва эстетик қадрият касб этиши ва гўзаллик, куч, илҳомланиш тушунчалари билан нисбатдош бўлиши мумкин, чунки улар олам тўғрисида янги, анча мукаммал тасаввур ҳосил қилишга имкон беради”¹⁷, - деб ёзган эди.

Фикрнинг битта нуқтага тўпланиши буюк олимларнинг илҳом билан ижод қилишига, ўз ғояларини ўта таъсирчан, гўзал ва мазмунли ифодалаши учун имкон беради.

Тафаккурнинг ёрқин ва гўзаллиги олимларга хос маҳоратнинг бир кўриниши бўлиб, ўз асарларининг мазмунли, тушунарли бўлиши учун тинмай изланадилар, сўзнинг мазмуни, моҳиятига нисбатан ғоят талабчан бўладилар.

2. Илмий - педагогик услуб

Бу услубнинг характерли белгилари:

- 1) Фикрни баён этишдаги изчиллик, материални ўзлаштиришда оддийликдан мураккабликка ўтиш;
- 2) Кўриб чиқиладиган объектни системалаштириш ва тасниф қилиш;
- 3) Материалларни баён этишнинг дидактик характерга эга бўлиши, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги.

Илмий материални бундай тасниф этиш стили мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, университет талабалари учун ёзиладиган қўлланма ва дарсликлар учун, хрестоматия, маълумотнома, энциклопедия ва бошқа нашрлар учун характерли хусусиятдир.

Бундай адабиётларга қўйиладиган асосий талаб тушунчаларнинг аниқ ва тушунарли бўлиши, материалнинг жонли, ишончли баён қилинишидир.

¹⁷ Норберт Винер. Я -математик. –М., Наука, 1965. С. 55-57.

Ёш тадқиқотчининг ҳар ҳафтада 3-4 соат ўз соҳаси устида юқори малакали педагогик жамоа билан фаол ишлаши фойдалидир. Чунки педагогик фаолият ёш мутахассиснинг дунёқарабини кенгайтиради, уни фан ва техникадаги сўнгги янгиликлардан мунтазам равишда хабардор бўлиб туришга, изланишга, ўз устида ишлашга, тартиб- интизомга, нотиклик маҳоратини эгаллашга ўргатади.

Илмий оммабоп (публицистик) стил қатъий илмий факт ва материалларни нутқни образли ифодалаш билан уйғунлаштиришни талаб этади. Жаҳон илм-фани тарихида чуқур из қолдирган олимларнинг асарлари илмий оммабоплиги туфайли уларга катта шуҳрат келтирган. Улар фаннинг қандай яратилишини, ундаги янгилик ва ютуқларни содда, мазмунли ва таъсирчан сўзлар билан кенг оммага етказиш маҳоратига эга бўлганлар.

III БОБ. ОЛИМ ВА РАҲБАР ШАХСИНИНГ НОЁБ

ҚИРРАЛАРИ

Инсоният тарихининг бурилиш давларида ижтимоий фанлар, айниқса, фалсафа олдида шахс ва жамият, шахс ва давлат, олим ва раҳбар шахси муаммолари қизғин баҳс-мунозаралар предмети бўлиб келган. Шахс – тарихий давр вояга етказган ноёб ижтимоий ва маънавий ҳодиса, тарихни ҳаракатга келтирувчи куч, жамият ва халқнинг маънавий раҳнамосидир. Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган тарихий шахслар ижтимоий адолатсизлик, сиёсий зулм ва зўравонликларга қарши бутун қалби, ақл-идроки билан курашганлар.

Ўзининг 82 йиллик ҳаёти, 60 йилдан ортиқ илмий-педагогик, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ноёб ва бетакрор инсоний сифат ва фазилатлари билан мамлакатимиз илм-фани, медицинаси, олий таълим, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшган Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Бош маслаҳатчиси ва Бутунжаҳон информациологик парламенти мақомидаги Халқаро Информациолаш Академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор, 150 дан ортиқ илмий иш ва 19 та ихтиро муаллифи Муҳаммаджон Қорабоев (1942 - 2024)нинг ғоят машаққатли ва ибратли ҳаёт йўли, сермахсул илмий – ижодий фаолияти, ноёб ташкилотчилик қобилияти, олижаноб инсоний фазилатлари мисолида ижодкор олим ва раҳбар шахси шаклланишининг ижтимоий, сиёсий ва маънавий омилларини манбалар орқали ўрганиш долзарб ва катта маърифий аҳамиятга моликдир.

Республикамиз файласуфлари: Иброҳим Мўминов, Музаффар Хайруллаев Эркин Юсупов, Ҳайдар Пўлатов, Қиёмиддин Назаров, Анвар Чориев, Қодиркул Рўзматзода ва бошқа тадқиқотчилар шахсининг моҳияти, уни ўрганишнинг назарий-методологик муаммолари, шахсининг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва ролини ўрганишда муайян ижобий натижаларга эришдилар. Лекин шунга қарамай, тарихий давр ўзгариши билан тадқиқотчи Анвар Чориев таъкидлаганидек, “совет жамиятшунослиги ва фалсафа шахс муаммосини бирёқлама ўрганди ва бузиб талқин этди. Шахс муаммоси ҳақида эркин фикрлашга йўл берилмади. Эркин баён қилинган фикр – мулоҳазалар турли тазйиқлар билан сўндирилди. Коммунистик мафкура инқирозга юз ўтирганидан сўнг шахс муаммосини ўрганишга цивилизацион ёндашиш имконияти вужудга келди”¹⁸.

Академик Эркин Юсупов собиқ совет жамиятида эркин фикрга, шахсга қарши бўлган тоталитар тузумнинг зулм ва зўравонликлари ҳақида: "Биз мустақил фикрлаш имкониятидан махрум бўлиб, сиёсий андозалар, авторитар кўрсатмалар чегарасидан чиқа олмадик. Эркин фикрлаш, ижод қилиш имкони берилмади", - деб ёзди (3,4).

1. ¹⁸ Эркин Юсупов. Зулматдан зиё излаб. Хотиралар. Биринчи китоб. – Т., TURON-IQBOL, 2019. - 4- б.

Мустақил Ўзбекистоннинг 32 йиллик энг янги тарихида зўр бериб ҳаётга татбиқ этилаётган давлат тоталитаризми (“давлат бош ислохотчи”, “ижтимоий давлат”, “халқпарвар давлат”), таълим муассасаларида сурункали ҳукм сураётган инкирозли жараёнларни оқилона бартараф этиш зарурияти шахснинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини янгича илмий методология асосида тадқиқ этишни, бутун таълим-тарбия жараёнини шахсни шакллантиришга йўналтиришни, “олим шахси”, “раҳбар шахси”, “бола шахси”, “инсон шахси” ва ҳоказо тушунчалар моҳиятини илмий асосда ўрганишни талаб этапти.

“Биз бугунги кунда ривожланган Ғарб мамлакатлари файласуфларининг инсон ва шахс моҳиятини билиш борасида эришган ютуқларини чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш орқали оила, мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва олий ўқув юртларида бола шахси, ўсмир шахси, ўқувчи шахси, ўқитувчи шахси, олим шахси, зиёли шахси, раҳбар шахси ва ҳ.о.ларнинг шаклланиш хусусиятларини илмий асосда ўрганишимиз, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида инсон шахси шаклланишининг илмий жиҳатдан асосланган мезонларини яратишимиз ва амалда барча тарбиявий ишлар йўналишини инсон шахсини шакллантиришга қаратишимиз зарур”¹⁹

Демократик тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистоннинг аграр жамиятдан индустриал жамиятга ўтиши учун маънавий-интеллектуал шароит яратишга буюрилган Учинчи Ренессансни барпо этиш шахс эркинлиги, плюрализм, рационализм, либерализм принципларини ҳаётга татбиқ қилишни, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиёти йўлида катта ғов бўлаётган коррупция, таъмагирлик, қаллоблик, фирибгарлик сингари социал иллатлар, чиркин одатлар (ўғил уйлаш, қиз чиқариш, невара тўйи, ўлим маросимлари)ни оқилона бартараф этиш – ана шуларнинг ҳаммаси шахс муаммосини ўрганишга

¹⁹ Рўзматзода Қодиркул. Жамиятни шахслар, давлатни сиёсатчилар бошқарадилар ёхуд нега шахс муаммоси файласуфлар эътиборидан четда қолди? – JCAR. Journal of central Azian. Volume 2. ISSUE 1. 2021. V.13-6..

янгича ёндашишни талаб этипти. Мамлакатимизда миллатпарвар, тараққийпарвар, маърифатпарвар жаҳидчилик ҳаракатининг муносиб ворисларини тарбиялаш ҳаётий заруриятга айланди.

Цивилизация назариясининг асосчиси, буюк инглиз мутафаккири ва тарихчиси Арнольд Тойнби ўзининг машҳур “Тарихга кириш” асарида тарих ижодкори илмсиз авом (ишчи, деҳқон, меҳнаткаш халқ) эмас, балки жамиятда озчиликни ташкил этадиган ижодкор элитар қатлам – жамиятнинг энг сара ва хос кишилари – шахслар эканлигини илмий ва тарихий далиллар билан исботлади (7).

Ижодкор олим ва раҳбар шахсига хос хислат ва фазилатларнинг туб моҳиятини билиш ҳамма замонларда ҳам улуғ мутафаккирлар эътиборини тортган. Буюк рус файласуфи Александр Герценнинг ёзишича, “ҳақиқат учун курашувчи жангчиларнинг ўз кучларини синаб кўришлари учун муқаддас беҳаловатлик, ҳаёт олови ва абадий чақириқ сингари шароит, улар бормоқчи бўлган йўл бўлади, агар бундай йўл бўлмаса, бу йўлни биринчи бўлиб генийлар очадилар”²⁰

Жамиятимиз тараққиёти учун мустақил фикрлайдиган, иймон-этиқодли, ташаббускор, ижодкор, ватанпарвар, меҳнатсевар, ростгўй ва фидойи кишилар керак экан, ана шундай сифатларнинг мажмуаси бир сўз билан шахс дейилади. Шахс ўз-ўзини муттасил тарбияловчи, жамият, давлат, халқ ва Ватан манфаатларини ўз шахсий манфаатларидан устун қўядиган, ўзини ватан, халқ олдида қарздор деб ҳис этадиган фаол ва ижодкор мавжудотдир (6, 13).

Фан ҳам, сиёсат ҳам фидойиликни талаб этадиган, шахснинг ўзига хос сифат ва фазилатларини камол топтирадиган инсон ақлий фаолиятининг муҳим шакллариدير. Фан ростгўйлик, холислик ва юксак идеаллар устига қурилса,

²⁰ Тойнби Арнольд. Постигение истории. М., 1991., 27-б.

сиёсат реал воқеликка очик кўз билан қарашни, вазиятга адекват қарор қабул қилишни, муаммони бир зарб билан ҳал этишни, қатъият, қаттиққўллик ва ҳатто шафқатсизликни талаб этади. Фан ва сиёсат амал қилиш ва ижтимоий ҳаётдаги вазифалари жиҳатидан бир-бирига зид бўлишига қарамай бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган, бир-бирини тақозо этадиган маънавий қадриятлардир.

Бироқ таниқли олим ва сиёсий арбоблар шахсида ҳалоллик ва ростгўйлик, донишмандлик ва огоҳлик фазилатлари ўзаро уйғунлашади. Етук олимлар шахси учун профессионализм, ташкилотчилик ва ташаббускорлик сифатлари қай даражада хос бўлса, улар шахси учун ўзига ва шогирдларига нисбатан қаттиққўллик, талабчанлик сифатлари, камтарлик, самимийлик, одиллик, истеъдодларни қўллаб-қувватлаш фазилатлари ҳам шу даражада хосдир.

“Шахс –жамиятнинг ноёб кашфиёти, соғлом ва оқилона таълим-тарбия тизимининг маҳсулидир. Жамият ўзи яратган шахсларнинг буюк жасорати туфайли таназзул ва турғунлик уқубатларини бартараф эта олади ва ўз навбатида шахслар ўзи мансуб бўлган халқ, миллат ва ватанни дунёга танитадилар”²¹.

Олим ва раҳбар шахсининг муҳим қирраларини академик, физика-математика фанлари доктори, профессор, таниқли давлат арбоби Муҳаммаджон Қорабоев шахси шаклланишининг муҳим омиллари мисолида тадқиқ этиш қизиқарли, фойдали ва жозибалидир.

Профессор М. Қорабоев Ўзбекистон фани, таълим тизими, медицинаси ривожда порлоқ, хайрли ва шарафли йўл очган шахс эди: 1992 йили Ўзбекистон олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишда ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг оқилона усули сифатида тест синовларининг қўлланиши,

²¹ Рўзматзода Қодиркул. Жамиятни шахслар, давлатни сиёсатчилар бошқарадилар ёхуд нега шахс муаммоси файласуфлар эътиборидан четда қолди? – JCAR. Journal of central Azian. Volume 2. ISSUE 1. 2021. V.15.

медицинанинг истиқболи касалликни даволашгина эмас, балки, муҳими – соғлиқни сақлаш эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асосланиши, фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Марказий Осиёда касалликнинг олдини олиш, соғлиқни сақлашга йўналтирилган Фарғона жамоат саломатлигини сақлаш тиббиёт институтининг ташкил этилиши, Ўзбекистонда биринчи бўлиб медицина мухандислиги бўйича Фарғона политехника институтининг Андижон медицина институти билан ҳамкорликда мутахассис-кадрлар тайёрлаши – ана шуларнинг ҳаммаси проф. Муҳаммаджон Қорабоевичнинг мислсиз матонати, шижоати ва шахси билан боғлиқдир.

Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк шахслар тақдирида кўп ўхшашликлар бор: уларнинг болалиги ўта бахтсиз кечибгина қолмай, боболарига хос мислсиз маънавий жасорат, истеъдод ва қобилиятни такрорлайдилар.

Муҳаммаджон Қорабоев 1942 йил 8 мартда Андижон Вилоятининг Андижон районидаги Харобек қишлоғида Абдужамил ота ва Хайринисо момо хонадонида опаси Лобархондан кейин дунёга келди. Бобоси Қорабой ота катта ер эгаси, мулкдор, уддабурон деҳқон бўлгани учун 30-йиллардаги қишлоқ мулкдорларига қарши бошланган оммавий қатағондан бешиб, Жалолобод вилоятининг Сузоқ қишлоғига кўчиб боради, бироқ ўша ердан уни икки ўғли билан Сибирга сургун қиладилар ва ўша ерларда кафансиз кўмилган жафокашлардан бири эди.

Муҳаммаджоннинг болалиги Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги тикланиш йилларига тўғри келди. Болалик йилларида худди катталардек далада меҳнат қилди. Ҳаёт қийинчиликлари уни тез улғайтирди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам қишлоқдаги ўрта мактабни 1958 йили олтин медаль билан тамомлади. Ўзининг илмга бўлган иштиёқи, ноёб қобилияти билан ўқитувчиларининг назарига тушди. У математика, физика, кимё, биология фанларини алоҳида қунт билан ўзлаштирди. Физика ва математика фанларига бўлган қизиқиш ва интилиш, фан олимпиадаларида эришган ютуқлари уни Андижон давлат

педагогика институтининг физика-математика факультетида ўқишга рухлантирди. Ўша даврдаги тартибга биноан ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган абитуриентлар фақат мутахассислик фанидан имтиҳонга қўйилар, агар “аъло” баҳога топширса, конкурссиз ўқишга қабул қилинар эди. Муҳаммаджон физика фанидан “аъло” баҳо олиб, институтга қабул қилинди.

М. Қорабоевнинг талабалик йиллари бутун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида юксалиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги “илиқлик” кишиларга кўтаринки руҳ бағишлаган 60-йилларга тўғри келди. У фанларни “аъло” баҳолар билан ўзлаштирибгина қолмай, институтнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-интеллектуал ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. Бу эса институт профессор-ўқитувчиларининг шундоқ кўз ўнгида рўй берди.

Муҳаммаджон Қорабоев 1963 йили институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, физика кафедрасига ассистент лавозимида илмий педагогик фаолиятини давом эттирди, фаннинг долзарб муаммоларини чуқурроқ ўрганиш имконига эга бўлди. Кафедра жамоасининг тавсиясига биноан М. Қорабоев 1964-1969 йиллари Москвадаги Н. К. Крупская номидаги Москва вилоят педагогика институтининг физика кафедрасида стажёр-шогирд, шу кафедра қошидаги аспирантурада тадқиқотчи сифатида илмий изланишлар олиб борди. 1971 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олди. Андижон давлат педагогика институтининг физика кафедрасида катта илмий ходим, доцент лавозимларида ишлади. 70-80-йиллар М. Қорабоевнинг илмий-педагогик фаолиятида ўсиш-улғайиш, физика фанининг долзарб муаммоларини тадқиқ этишда истеъдодли олим ва ташкилотчи-раҳбар сифатида камол топиш йиллари бўлди.

М. Қорабоев 1977-1987 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг теплофизика институтининг директори лавозимида ишлади. Аҳил ва ижодкор жамоани улуғвор ишларга рағбатлантирди, шахсан ўзи 15 та ихтиронинг муаллифи сифатида бошқаларга намуна бўлди, 1987 йил 17 октябрда Москвада

теплофизиканинг долзарб муаммоларига бағишланган докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олди.

Проф. М. Қорабоевнинг етук олим ва фан ташкилотчиси сифатидаги ноёб истеъдод ва ютуқлари республика раҳбариятининг эътиборини тортди. У 1987 йили Фарғона политехника институтининг ректори этиб тайинланди. Бутун мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий инқироз аломатлари яққол кўзга ташланиб қолган, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида туб ислохотлар қилишга катта эҳтиёж сезаётган ана шундай мураккаб шароитда проф. М. Қорабоев шахсига хос ҳалоллик, холислик, юксак профессионализм ва ноёб ташкилотчилик қобилияти республика раҳбариятининг ишонч ва эътиборига сазовор бўлди. 1989 йили республиканинг олий бошқарув тизимидаги туб ўзгаришлар, жумладан, Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг республика компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, яъни давлат раҳбари этиб сайланиши сиёсий бошқаришнинг қуйи бўғинларида ҳам туб ижобий ўзгаришларга туртки берди.

Проф. М. Қорабоев табиатан янгиликларга интилувчан, мамлакатнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун ноёб истеъдод эгаларини қадрлаб, уларни эзгу мақсад сари илҳомлантирадиган, ноёб ташкилотчилик қобилиятига эга эди.

Ана шу йиллари олим ва раҳбарнинг ташкилотчилик фаолияти тўлароқ кўзга ташланди. М. Қорабоев институтда биомедицина мухандислари тайёрлашга бўлган тиббиёт муассасаларидаги катта эҳтиёждан келиб чиқиб, институтда “Биомедицина аппаратлари ва тизимлари” ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берди. Чунки бу даврга келиб, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ташхис ва даволаш учун қўлланадиган аппаратлар ва қурилмалардан унумли фойдалана оладиган мутахассислар йўқ эди. Ўзбекистонда бундай мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилмаган эди.

Маълум бўлишича, бундай мутахассислар фақат Москвадаги Бауман номидаги олий техника билим юртида тайёрланар эди.

Профессор М. Қорабоев ана шу мақсадни амалга ошириш учун Москвага, Бауман номидаги Олий техника билим юртининг ректори, учувчи-космонавт, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, техника фанлари доктори, профессор Алексей Станиславович Елисеев қабулида бўлди. Сухбат чоғида жаҳонга машҳур билим юртининг раҳбари биомухандис инженерлар тайёрлашни политехника институтида тайёрлаб бўлмаслигини, чунки бу соҳа мутахассислари айна бир вақтда техника ва асбобсозлик ҳамда тиббиёт соҳасини эгаллашлари зарурлигини, Бауман олий техника билим юртида ҳар уччала соҳа бўйича юқори даражада ривожланган факультетлар, юқори малакали профессор-ўқитувчилар, амалий машғулотлар учун етарли техник ва клиник имкониятлар мавжудлигини айтади. Ана шу учрашув чоғида профессор М. Қорабоев Бауман номидаги олий техника билим юртида узоқ йиллар давомида шаклланган илмий анъаналар, илмий жамоада шаклланган соғлом илмий-ижодий муҳитнинг мамлакат тараққиётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини қалбан ҳис этади. Унда ана шу билим юртида мазкур мутахассислик бўйича тайёрланган ўқув режаси, ўқув-услубий материаллар билан танишиш нияти туғилади. Билим юрти раҳбарининг розилиги билан зарур ўқув режа ва услубий қўлланмалардан нусха олгач, эзгу ниятлар қанотида Фарғонага қайтади. Илмий жамоа билан мазкур ҳужжатларни ўрганиб, ҳар томонлама таҳлил қилгач, М. Қорабоевда биомухандислик бўйича инженерлар тайёрлашни Фарғона политехника институти ва Андижон медицина институти билан ҳамкорликда амалга ошириш ғояси туғилади. Унинг шахсида собитқадамлик, эзгу мақсадларни амалга ошириш учун муттасил изланиш, сабот-матонат каби хислатлар яққол кўзга ташланиб турарди. . Жаҳонга машҳур итальян А. Печчеи илғор ғоя туфайли ҳаракатга келган ва тиниб-тинчимас ижодкор шахслар ҳақида: “Ғоя туфайли ҳаракатга келган инсонни ҳеч нарса тўхтата олмайди. Энг муҳими – инсон

шахсидир, бошқа барча нарсалар, бошқа ҳар қандай ғоя ҳеч нарсага арзимаиди”²²
– деб ёзганида нақадар ҳақ эди.

Профессор М. Қорабоев Фарғона политехника институтининг ректори сифатида 1988 йили Андижон давлат медицина институтининг ректори, медицина фанлари доктори, профессор Ю. А. Отабеков билан учрашиб, ҳамкорликда Фарғона политехника институтида биомухандислик бўйича мутахассис-инженерлар тайёрлашни таклиф этди. Профессор Ю. А. Отабеков мазкур йўналиш бўйича медицина муассасаларида катта эҳтиёж мавжудлигини, бироқ бу соҳада икки вазирлик (Олий таълим ва соғлиқни сақлаш вазирликлари) ўртасидаги кооперациянинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозимлигини таъкидлар экан, бу таклифни шахсан қўллаб-қувватлайди.

Бундан мамнун бўлган профессор М. Қорабоев суҳбатдошига: “Агар Сиз рози бўлсангиз, биргаликда биомухандислик ихтисослиги учун ўқув режасини тузиб, ҳар иккала вазирликларда тасдиқлатиш, ҳамкорликда медицина ва техника йўналишида таркиб топган мутахассислик бўйича талабалар қабул қилишга рухсат олишга уриниб кўришини айтди. Ниҳоят, биргаликда ўқув режаси ва дастурлар тайёрланиб, ҳар иккала вазирликдаги муҳокамалардан сўнг 1988 йили Ўзбекистонда биринчи бўлиб, турдош бўлмаган икки олий ўқув юртлари – Фарғона политехника институти ва Андижон тиббиёт институтлари ҳамкорликда мутахассис тайёрлай бошладилар.

Профессор М. Қорабоев 1988 йили Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланганидан кейин ҳам Фарғона политехника институтида бошланган соғлом илмий-ижодий муҳитни яхшилашда яқиндан ёрдам беришни давом этдирди.

1989 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланган И. А. Каримов жойларда маънавий-мафкуравий ишларни

²² Печчеи А. Человеческие качества. М., Прогресс, 1980, 311-б.

яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, профессор М. Қорабоевни Фарғона вилоят партия комитетининг мафкуравий ишлар бўйича котиблигига тавсия этади. 1989-1991 йиллар бутун мамлакат ҳаётида кадриятлар тизими алмашинаётган, мамлакат тарихи, маънавий ва диний кадриятлар янгича англанаётган ғоят мураккаб давр эди. Янги тарихий давр учун том маънодаги новатор, шижоатли ва ташаббускор раҳбарлар, миллатпарвар ва тараққийпарвар шахслар зарур эди. 90 - йилларда Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган жараёнлар профессор М. Қорабоевдаги ноёб истеъдод ва ташкилотчилик қобилиятининг тўлароқ намоён бўлишида муҳим омил бўлди.

Миллий мустақилликка эришиш арафасида республиканинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар фаол шахсларни дунёга келтирди. Айниқса, 1990 йили Ўзбекистонда Президентлик институтининг ташкил этилиши амалда Республиканинг сиёсий мустақиллик сари қўйган муҳим қадами бўлди. Бу ҳақда академик Эркин Юсупов шундай деб ёзди: “Агар республиканинг биринчи раҳбари мамлакат президенти ҳам бўлса, бу ҳол унинг ҳуқуқ ва имкониятларини анча кенгайтирар эди. У КПСС Марказий Қўмитасидан розилик олмай, республика ва миллий манфаатлари билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни ўзи ҳал қилиш имконига эга бўларди. ...Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон ўз Президентини сайлаши, кейинроқ бошқа республикалар ҳам бу мисолдан ўрнак олиши ягона давлат аста-секин парчалана бошлашининг асосий сабабларидан бўлди.” (7,351-352,353). 1990 йил декабрида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти этиб сайланган Ислом Каримов шу йил декабрида Фарғона вилоятидаги аҳвол билан яқиндан танишиш ва вилоят фаоллари билан учрашиш учун Фарғонага келди. Учрашув ғоят кўтаринки руҳда ўтди. Учрашувдан сўнг И. Каримов вилоят раҳбарлари билан суҳбатлашди. Суҳбат чоғида профессор М. Қорабоев Фарғона вилоятининг энг долзарб муаммоларига тўхталар экан, Фарғона водийсининг худуди Республика худудининг атиги 5 фоизини ташкил этгани ҳолда мамлакат аҳолисининг 30

фоизи Фарғона водийсида яшаб, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва илмий - интеллектуал салоҳиятига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини, вилоятнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини юксалтирмай туриб, халқ хўжалигининг бирон бир соҳасида кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини, Фарғонада 1930 йили ташкил этилган педагогика институти ўзининг 60 йиллик фаолияти давомида илм-фаннинг жуда кўп соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашда катта илмий салоҳият ва имкониятларга эга эканлигини, Фарғона давлат педагогика институти негизида Фарғона давлат университетини ташкил этиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этди. Президент И. Каримов бу фикр-мулоҳазаларни маъқуллайди. Орадан бир ярим ой ўтганидан сўнг вазирликнинг водийдаги олий ўқув юртларини ўрганиб, берган тавсиясига биноан Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 14 февралда Фарғона давлат педагогика институти негизида 1991 йил 1 мартдан Фарғона давлат университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу – Ўзбекистон тарихида ўз Президенти томонидан ташкил этилган биринчи университет бўлди. Энг муҳими – ана шу таклифни ўртага қўйган профессор М. Қорабоев ана шу университетнинг биринчи ректори этиб тайинланди (10,4).

Профессор М. Қорабоев қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, ҳамма жойда Ватан ва халқ манфаатларини муқаддас деб билди, истеъдодли олим, донишманд раҳбар ва илғор ғояларнинг ташаббускори бўлди. Ундаги ноёб ва туғма истеъдод илм-фан ва республика раҳбарияти томонидан қадрланди.

Университетнинг илмий жамоасини юксак ва улуғвор мақсадлар сари илҳомлантириш, истеъдодли олимларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, профессор-ўқитувчиларни ҳар бир соҳада биринчи бўлишга илҳомлантириш ва шу масалада шахсан намуна бўлиш – профессор М. Қорабоев шахсига хос ноёб ва бетакрор хислатлар эди.

Профессор М. Қорабоевни яқиндан билган ва кўп йил бирга ишлаган фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмуд Абдуллаев (1938-2011) ўзининг 50 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида 15 та ректор билан бирга

ишлаб, уларнинг яхши хислат ва хизматларини камситмаган ҳолда профессор М. Қорабоевга хос раҳбарлик услубининг ноёб ва бетакрор хислатлари ҳақида шундай деган эдилар: “Профессор М. Қорабоев университетга раҳбарлик қилган йиллари истеъдодли олим, психология фанлари номзоди Мирзали Рўзалиев оғир хасталикка чалинади. Унга врачлар Москвада даволанишни тавсия этадилар. У Москвага бориб, юрак операциясини қилдириш учун навбатга ёзилади, бироқ бунинг учун катта миқдорда пул тўлаш лозим бўлади. Бундан хабар топган ректор М. Рўзалиевга қонуний амалий ёрдам кўрсатиш учун университет илмий кенгашига мурожаат қилиб, агар илмий кенгаш тасдиқласа, М. Рўзалиевга университет ректорати моддий ёрдам бериши мумкинлигини асослади. Университет ректорининг ўз ходимининг тақдири ҳақида қайғуриши ва унинг қонуний ечимини топиши илгари амалиётда кўрилмаган ноёб ҳодиса эди. Одабийликнинг ёрқин намунаси бўлган бундай ҳиммат ва олижаноблик гарчи амалга ошмай қолган, доцент М. Рўзалиев навбат келгунича вафот этган бўлса-да, профессор М. Қорабоевнинг раҳбар шахсига хос фавқулудда вазиятда оқилона ечим топиши ўзига хос маънавий жасорат ва раҳбар шахсининг ноёб кўриниши, университет илмий жамоасида унутилмас таассурот, ишонч ва чексиз ҳурмат ҳиссини уйғотган, мен гувоҳ бўлган ҳаётий ҳақиқатдир” (12,164). Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. 1994 йилда Фарғона давлат университети Социология йўналишининг 1-курс талабаси бўлган Козимжон Қосимов шундай хотирлайди: Ўша йили ноябрь ойининг охирларида пахта йиғим-теримидан ўқишга қайтдик. Бу умумхалқ хашарида фаол иштирок этган илғор талабаларни тақдирлаш маросимида университетимиз ректори проф. М. Қорабоев Тарих факультетининг 1-курс талабаси М. Ортиқова мавсумда тўрт минг килограмм пахта териб, рекорд натижага эришганлигини алоҳида таъкидлаб, университет томонидан мукофот тариқасида тақдим этилган, ўша пайт учун энг қимматбаҳо ва топилмас жиҳозлардан ҳисобланган телевизорни ректор унга ўз қўли билан топширади. Шу пайтда талаба М. Ортиқова анчагина миннатдорчиликлардан сўнг истиҳола билан, ийманибгина проф. М. Қорабоевга

юзланиб, хижолат ва илтимос оҳангида мурожаат этади. Яъни, бу қиз олийгоҳда контракт шартномаси асосида ўқишини, отаси анча йиллар аввал вафот этиб кетганлигини айтиб, агар иложи бўлса, телевизорни пулга ҳисоблаб, бу суммани ўз контракти учун университет ҳисоб рақамига ўтказиб беришларини сўради. Шу пайтда залда ўтирган барчани ҳайратга солган воқеа юз берди: проф. М. Қорабоев: - Мукофотни қайтарма, қизим, уни уйингга олиб бор-да, онангни хурсанд қил. Шартнома тўловидан эса, ташвиш қилма, мен сендай қизни бу университетда бюджет тизимига ўтказиш учун қўлимдан келган барча ҳаракатни қиламан, зарур бўлса университет илмий кенгашидан сўрайман, ишонаманки, Кенгаш аъзолари сендай қизни қўллаб-қувватлайди”, - деди.

Бу воқеа биз талабаларда унутилмас таассурот қолдирди, устозга, ғамхўр раҳбарга бўлган меҳримиз ортди. Кўпинча ҳар ой охирида стипендия олиш учун университет кассасига бориб, гуруҳ сардорлари навбат кутиб турганимизда, проф. М. Қорабоев ўз хонасидан чиқиб, биз талабалар билан турли мавзуларда суҳбатлашар, муаммоларимиз ҳақида сўрарди. Бу суҳбатлар жуда самимий кечар, талабалардан ҳеч биримиз тортинмас эдик, бизнинг устоз шахсига бўлган ҳурмат ва эҳтиромимиз чексиз эди”.

Бугунги кунда республикамиз олий ўқув юртларида ёрдамга, ҳимояга муҳтож талабаларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилаётган шароитда бундан роса чорак аср муқаддам раҳбарнинг илғор, меҳнаткаш талабага кўрсатган меҳр-муруввати унутилмас жасорат эди, албатта.

Фарғона давлат университети профессор М. Қорабоев раҳбарлигида 1992 йил сентябрида Фарғона водийсида биринчи олий педагогика институти ташкил топганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлади. Бундай тадбирлардан кўзланган бош мақсад илм-фанни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш, илм аҳлини руҳлантириш, истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор илмий анъаналарни давом эттириш, халқимизга муносиб фаровон, тўкин ва бахтли ҳаёт даражасини яратишдир.

Профессор М. Қорабоевнинг ғайрат-шижоати, саъй-ҳаракатлари билан университет илмий салоҳиятини ошириш учун қисқа муддатда фаннинг қайси соҳалари бўйича фан номзодлари, фан докторлари тайёрлашнинг аниқ чоратadbирлар белгиланди. “ФДУ илмий хабарлари” илмий журнали чоп этила бошланди. Журналнинг илмий салоҳиятини ошириш учун Республикамизнинг таниқли академик, профессорлари тахририят аъзолигига жалб этилди. Янги имконият ва ташаббусдан илҳомланган университет илмий жамоаси 1991 йил августида университетга анъанавий педагогик йўналишлар билан бир қаторда янги ўн тўртта йўналиш бўйича талабалар қабул қилишга ҳозирлик кўрди. Ана шу йиллари университет ректори ўзининг кўп йиллик тажрибасидан фойдаланиб, пойтахтдаги олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг қатор илмий тадқиқот институтларида фаолият кўрсатаётган кимё, иқтисодиёт, физика, биология сингари соҳаларда катта илмий натижаларга эришган ўнлаб профессорларни университетга жалб этиб, ҳуқуқшунослик, медицина, молия, халқаро иқтисодий муносабатлар, психология, социология, менежмент сингари муҳим соҳаларда мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бера бошланди.

Фарғона давлат университети ташкил этилиши муносабати билан вилоят раҳбари Ғулом Ғозилов университет раҳбарияти олдида тиббиёт бўйича юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш вазифасини қўйди. Фарғона водийсидаги ягона Андижон тиббиёт институти кўпсонли фан докторлари, доцентлари, етарли даражадаги ўқув, илмий ва клиник базага эга эди. Сиртдан қараганда, Фарғона давлат университетида фаолият кўрсатаётган атиги 3-4 та медицина фанлари номзодига таяниб тиббиёт факультетини ташкил этиш имконсиздек туюларди, бунга вазирликнинг рухсатини олиш ҳам мушкул эди. Лекин шунга қарамай, Фарғона давлат университети табиётшунослик фанлари (физика, биология, кимё, генетика, микробиология ва бошқалар) соҳасида бой тажриба, катта илмий салоҳиятга эга бўлиб, илмий мактабларга эга эди. Университет илмий жамоаси ана шу имкониятлардан келиб чиқиб, 1991 йили тиббиёт

аппаратлари бўйича “Тиббий мухандислик” йўналиши бўйича дастлабки 25 талабани ўқишга қабул қилди. 1992 йили эса университет қошида Тиббиёт Маркази ташкил этилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси бўйича “Тиббий мухандислик иши” ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлана бошланди (10,6).

Фарғона давлат университетида ташкил этилган Тиббиёт Маркази бўлажак шифокор-мутахассислар тайёрлашда бутунлай янгича тиббий дунёқараш ва янгича концепцияга асосланиши, анъанавий шифокорлар тайёрлашда катта илмий потенциал ва замонавий клиник базага эга бўлган, ўқитишнинг замонавий асбоб - ускуналари, илмий лабораторияга эга бўлган Андижон давлат медицина институтидан фарқли равишда беморларни даволашга эмас, балки инсон саломатлигини сақлашга йўналтирилган мутлақо янги типдаги тиббий олий ўқув юрти бўлиши лозим эди.

Профессор Муҳаммаджон Қорабоевич мутлақо янги типдаги тиббиёт олий ўқв юртларининг зарурлигини илмий далиллар билан асослашга ҳаракат қилди, бунда далил сифатида жаҳонга машҳур ҳаким Абу Али ибн Синонинг беш жилдлик “Тиб қонунлари” асарида илгари сурилган илмий ғояларга таянди.

Ҳар қандай фан илмий тушунчаларга аниқлик киритишни талаб этади. Маълумки, Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги шифохоналар инсон соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш омилларига эмас, балки соғлигини йўқотган бемор саломатлигини тиклашга кўп эътибор берадилар. Ҳолбуки, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг камида 50-55 фоизи унинг яшаш шароити ва турмуш тарзига, 20-25 фоизи эса атроф-муҳитнинг экологик ҳолатига, 15-20 фоизи ирсий омилларга, фақат 10-15 фоизигина тиббиёт соҳасига боғлиқдир (10,7). Инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият экан, ҳозирги замон медицинаси бутун эътиборини беморни даволашга эмас, балки тиббий профилактикага, хасталикнинг олдини олишга, аҳоли кенг қатламининг тиббий билим ва маданиятини ошириш, инсон соғлигини мустаҳкамлашнинг иқтисодий, социал ва маиший омилларини тубдан

яхшилашга қаратиши лозим. Соғ одамлар соғлигини сақлашга уларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш, касал бўлишларининг олдини олиш орқали эришиш мумкин.

Янги йўналишдаги замонавий медицинанинг фаолият объекти соғлом одамлар бўлиши лозим. Профессор М. Қорабоевга кўра, бутун муаммо қандай мутахассисларни тайёрлаш масаласи билан боғлиқдир. Аҳоли саломатлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили, бош кўрсаткичи ва асосий мақсадидир. Ривожланган Европа мамлакатларида аҳолининг саломатлик даражаси, узок умр кўриши ҳаёт сифатининг муҳим мезони (ўлчови) ҳисобланади.

Профессор М. Қорабоев Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси берган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида республика соғлиқни сақлаш тизимининг фаолиятида инсон соғлигини сақлаш эмас, балки беморлар соғлигини тиклаш, касалликнинг олдини олиш борасидаги ишлар санитария-эпидемиология назорати ва болаларни эмлашдан нарига ўта олмаяпти. Касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш эса мутахассислар эътиборидан четда қоляпти. Яна бунинг устига, профилактик тиббиётнинг туб асосини ташкил этадиган санитария, эпидемиология, гигиена соҳаларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш Фарғона водийсидаги вилоятларда бу соҳаларда асосан даволаш факультетларини тамомлаган врачлар фаолият кўрсатаётганлиги маълум бўлди.

Республикадаги барча медицина олий ўқув юртлари медицинанинг барча йўналишлари бўйича даволовчи врачлар тайёрламоқда. Касалликни даволаш ўта долзарб, бироқ бу соғлиқни сақлаш эмас, балки йўқотилган соғлиқни тиклашдир. Республикамизда соғлиқни тиклаш билан бир қаторда инсон саломатлигини сақлашга хизмат қиладиган тиббиёт ходимларини тайёрлаш – ҳозирги давр талабидир (10,8).

Соғлиқни сақлаш, касалликларнинг олдини олишга қаратилган медицинанинг янги йўналиши табиийётшунослик фанлари: биология, биофизика,

биохимия, гигиена, статистика фанларининг интеграциялашуви ва гуманизациялашувини, экология, токсикология, эпидемиология, ижтимоий психология, медицина социологияси, медицина фалсафаси фанларини ўқитиш сифати ва самарадорлигини ҳозирги давр талаблари даражасига кўтаришни талаб этади.

Профессор М. Қорабоевнинг 60 йилга яқин илмий-иждодий ва раҳбарлик фаолиятида ижтимоий адолатни қарор топтириш, талабаларни ўқишга қабул қилишда ўқитувчи, олим ва раҳбар шахсини ҳурмат қилиш, жамоада соғлом илмий-иждодий муҳит яратиш муҳим ўрин эгаллади. Республикамиз олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишдаги адолатсизликларни бартараф этиш учун тест синовларини қўллаш тизимининг қўлланиши ҳам профессор М. Қорабоевнинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Фарғона давлат университетининг ректори, профессор М. Қорабоевнинг 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари этиб тайинланиши истеъдодли олим шахсининг камолотида муҳим омил бўлди. У қаерда ишламасин, бутун куч ва имкониятларини Ўзбекистон равнақи, халқимизнинг фаровонлиги, илм-фан тараққиёти учун бағишлади. Профессор М.Қорабоевга 2000 йили стратегик менежмент йўналиши бўйича эришган буюк ютуқлари учун Франция халқаро ташкилоти томонидан Олтин медаль билан тақдирланиши, 2002 йили эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош маслаҳатчиси мақомидаги Халқаро Информациялаш Академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланиши истеъдодли олимнинг кўпйиллик илмий ва ташкилотчилик соҳасидаги ютуқларининг халқаро миқёсда эътироф этилиши бўлди.

Бирок, афсуски, республиканинг юқори бошқарув органларида чуқур томир отган уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик иллатлари профессор М. Қорабоевнинг катта билим, илмий салоҳият ва ташкилотчилик қобилиятидан халқимиз ва ватанимиз равнақи йўлида фойдаланишга имкон бермади.

Профессор М. Қорабоев 1994-1997 йиллари иккинчи марта Фарғона давлат университетининг ректори, 1997-1998 йиллари ФДУда кафедра мудири лавозимида ишлади. 1998 йиллари ФДУ қошидаги Тиббиёт Маркази негизида 2-Тошкент тиббиёт институти Фарғона филиалининг ташкил этилиши муносабати билан профессор М. Қорабоев 2004-2006 йиллари 2-Тошкент Тиббиёт Академияси Фарғона филиали директорининг ўринбосари лавозимида ишлади, 2020 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг қарорига биноан Фарғона жамоат саломатлигини сақлаш тиббиёт институтининг ташкил этилиши, шак-шубҳасиз, бутун институт жамоасининг, хусусан, профессор М. Қорабоевнинг узоқ йиллик орзу-умидларининг рўёбга чиқиши бўлди. Жамоа профессор-ўқитувчилари ҳаётидаги бундай ўзгаришлар бутун жамоани улуғвор мақсадлар сари илҳомлантирди.

Ўзбекистон медицинаси тарихида бутунлай янги типдаги медицина олий ўқув юртининг ташкил этилиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда сўзлаган нутқида профессор М. Қорабоев институт профессор-ўқитувчилари ва талабаларни илмий-ижодий фаолиятда “Республикада биринчи” номинацияси бўйича ғолиб бўлишга чақирди, ўзи эса бу масалада ҳамisha ўрناق бўлди.

Профессор М. Қорабоев ҳаётни, одамларни, Ватанимизни, ўз касбини севар эди. Ўзининг ҳалол меҳнати, ноёб истеъдоди ва раҳбарлик қобилияти билан замондошлари хотирасида ёрқин из қолдирган буюк шахс эди.

М. Қорабоев турмуш ўртоғи Сундус Усеинова билан аҳил ва тотув яшаб, уч фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Устоз оддий ва камтарона ҳаёт кечирди. Ўзининг табаррук 80 йиллик юбилейини ўтказишга розилик бермади. Бироқ, афсуски, шафқатсиз ўлим 2024 йил 23 февраль куни М. Қорабоевни орамиздан олиб кетди.

Хулоса. Профессор М. Қорабоевичнинг бутун онгли ҳаёти одамларга фақат яхшиликлар қилиш, Ватанимизнинг порлоқ келажаги, халқимизнинг фаровонлиги, илм-фан равнақи йўлида ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилишга

бағишланди. Ўзига замондош бўлган мансабдорлардан фарқли равишда молу дунё тўплашга интилмади, олимлик шаъни, раҳбарлик лавозимига ҳеч қачон доғ туширмади. Устоз янгилик қилишда, ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва руҳлантиришда беназир эдилар. Иш кабинетидан одам узилмас, ҳамкасблар, шогирдлар устознинг мароқли ва дилтортар суҳбатларига ташналик билан келар, устознинг кенгқамровли, ҳикматларга тўла суҳбатларидан интеллектуал завқ ва қониқиш ҳосил қилар эдилар.

Устознинг иш кабинети республикамиз ва дунёга машҳур олимларнинг жуда кўп соҳаларга оид китоблари, ҳар бир китобга ёзилган нодир дастхатларга тўла эди. Устоз ўзига яқин ҳамкасблари, истеъдодли шогирдларининг нимага мухтожлигини қалбан хис этар, улар бетоб бўлганида ёки илмий ишда сунъий ғовларга дуч келганида, албатта уни қўллар ва: “Мендан қандай ёрдам керак?” деб сўрайдиган яхши одатлари бор эди.

Устознинг қизиқиш географияси ниҳоятда бепоён, чексиз эди. Устозни фаннинг бирон бир соҳасидаги янгилик ёки яқинда чоп этилган янги китоблар билан ҳайратга солиш имконсиз эди. Устоз ҳамма нарсадан доим огоҳ ва бедор эдилар. Устоз, шак-шубҳасиз, замонамизнинг буюк олими ва донишманди эдилар. Устознинг бутун борлиғи, ҳаёт ва фикрлаш тарзи донишманд ақлга мувофиқ эди. Одамларга беғараз яхшиликлар қилиш орқали уларнинг кимлигини синар эдилар ва:

“Яхшига қилсанг яхшилик, ҳам айтади, ҳам қайтади,

Ёмонга қилсанг яхшилик на айтади, на қайтади” -

мисраларини кўп такрорлар эдилар.

Бутун борлиғи Ўзбекистонда илм-фан, таълимни равнақ ривожтиришга, Эзгулик, Гўзаллик ва Ҳақиқатни қарор топтиришга бағишланган, замона носозликларини илм-маърифат, ақл ва тафаккур нури билан тузатишга ишонган ва интилган Улуғ Устознинг порлоқ хотираси миннатдор шогирдларни яхшиларни авайлаб-асраш ва қадрлашга ундаяпти.

ХУЛОСА

Янги Ўзбекистонда фанни ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз илмий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилаётган ҳозирги даврда фаннинг инсоният маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини фалсафий аспектда тадқиқ этиш, илмий тадқиқотни амалга ошириш йўллари, шарт-шароитлари, олим шахсининг ноёб қирралари ҳақида аниқ билим ва тасаввурга эга бўлиш долзарбдир. Ўзига муносиб шогирд тайёрлаш масаласида олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд.

Баъзи олимлар ёшларни мустақил ижодий фаолиятга тайёрлашда уларга ҳаддан ташқари ғамхўрлик қилишни, яъни ёшларга диссертация ёзиб беришни фанга қилинган хиёнат деб ҳисоблайдилар. Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Иккинчи бир гуруҳ олимлар ёшлар фанда янгиликлар яратиш йўлини ўзлари излаб топсинлар: жон қийналмаса, жанона қайда, дейдилар ва фан заҳматларини чекмаган, пул бериб диссертация ёздирган “олимлар” илм аҳлининг қадрини билмайдилар, деб ҳисоблайдилар.

Узоқни кўрувчи яна бир гуруҳ олимлар эса ёш тадқиқотчиларда мустақилликни тарбиялаш, уларнинг ўзларини илмий ижодий фаолиятга йўллаш

керак, уларни ҳаддан ташқари эркалатиш фан учун зарарли, деб ҳисоблайдилар. Бироқ ўзинга муносиб бўлғуси олимлар авлодини етиштиришда бирёқлама қарашнинг нима кераги бор? Муҳими, инсониятнинг машҳур олимлари орттирган бой тажрибани, яъни илмий билимлар ҳосил қилиш, илмий кашфиётлар яратиш усулларини ёшларга ўргатиш маъқул эмасми?

Тўғри, олимлик маҳорати тезда шаклланиб қолмайди. Бунинг учун фанни севиш, унга бутун онгли ҳаётингни бағишлаш, эришган ютуқларингдан интеллектуал завқ олиш, умумий ишга ўз ҳиссангни қўшаётганингни қалбан ҳис этиш талаб қилинади.

Агар ёш тадқиқотчида юқоридаги сифат ва фазилатлар бўлмаса, яна муҳими, фаннинг умумбашарий аҳамиятини англамаса, фанга бойлик орттириш, сохта обрў топиш, гердаиш, кибр- ҳаво воситаси деб қараса, ҳеч бир китоб, жумладан, мазкур китоб ҳам “эзгу” орзулари ушалишида ҳеч бир ёрдам бера олмайди.

Академик Эркин Юсуповнинг олимларни: “Отилиб чиққан ва осилиб чиққан олимлар” тоифасига ажратиши бежиз бўлмаган. Отилиб чиққан олимлар, шубҳасиз, илмий ижодга ўзлигингни намоён этиш, истеъдод ва қобилиятингни рўёбга чиқариш, илм заҳматларидан ҳаловат топиш, ўзлигингни абадийлаштириш, фан ва инсоният олдидаги бурчингни сидқидилдан адо этиш имконияти, воситаси деб қарайдилар ва бутун ҳаётларни илм-фанга бағишлайдилар.

Осилиб чиққанлар эса бир амаллаб диссертацияни “ҳимоя қилиб”, бутун умр бўйи илмий даража соясида жон сақлайдилар ва илмий унвонга амал пиллапояларидан юқори кўтарилиш, молу дунё орттириш, ҳақиқий истеъдодларни йўқ қилиш билан машғул бўладилар.

Шу боисдан ҳам фан “де факто” олимлар “де юра” олим сифатида қадр қиммат топишдан ҳаётий манфаатдордир. Диссертация ҳимояларининг ўта талабчан ва принципиал танқидий руҳда бўлишининг боиси пок ва муқаддас фанни қалбаки, сохта, фирибгар “олимлар” дан ҳимоя қилиш; фаннинг жамият ва шахс тақдиридаги буюк аҳамияти ва моҳиятини тўлароқ рўёбга чиқариш орқали

жамиятни қоқоқлик, жақолат, зулм ва адолатсизликлардан қалос этиш, муносиб ҳаёт даражасини яратишдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017.
2. Абдурахим Эркаев. Тарих сабоқлари ва учинчи Ренессанс зарурияти – «Халқ сўзи» газ., 2021 йил 6 январь.
3. Мўминов И. М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., 1993.
4. Хайруллаев М. М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., Ўзбекистон, 1971.
5. Юсупов Э. Ю. Зулмат ичида зиё излаб. Хотиралар. Биринчи китоб. – Т., TURON-IQVOL, 2019. -512 б.
6. Пўлатов Ҳайдар. Ўзбек мафкураси. Т., Ўзбекистон, 1996.
7. Чориев Анвар. Инсон фалсафаси. Иккинчи китоб. Мустақил шахс. Т.,CHINOR ENC, 2002. –
- 8..Тойнби Арнольд. Постигение истории. М., 1991.
- 10.Герцен А. И. Сочинения в 2 томах. Т.2. – Москва, Мысль,1986.
- 11.Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали. Чорак аср сарҳисоби. Тарих, юксалиш йиллари, илм ва таълим фидойилари. Фарғона, 2017. – 149 б.
12. Печчеи А. Человеческие качества. М., Прогресс, 1980. -312 б.
- 13.Эволюционная концепция Герберта Спенсера - История социологии. Учебник. Минск, “Высшая школа” 1997.
- 14.Тўхтаўжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. Тошкент, 2001
15. Кюри Е. Мария Кюри. М.Атомиздат, 1979.
16. Павлов И.П. Полн. Собр. Соч. В 6 томах. Изд.2. т.1. М.-Л. Изд. АН СССР. 1951.
17. Писаржевский О.Н. Александр Евгеньевич Ферсман (1883-1945) (Серия “Жизнь замечательных людей”). М., “Молодая гвардия”, 1955.

18. Кузнецов В.Д. Система подготовки кадров требует перестройки – «Вестник высшей школы», 1955, № 8, С.14.
19. Анохин П.К. Иван Петрович Павлов. Жизнь, деятельность и научная школа. М.-Л., 1949.
20. Песков В. Шаги по росе. М., «Молодая гвардия», 1963.
21. Глушков В. М. Гносеологическая природа информационного моделирования. – Вопросы философии, 1963, № 10 С.14.
22. Конин П. В. Логика научного исследования и её основные понятия. // «Вопросы философии», 1964, № 3. С.65.
23. Даль В.И. Толковый словарь русского языка. Т.4.-Спб. – Москва, 1882.
24. Павлов И.П. Полн. Собр. Соч. Т.1.
25. Павлов И.П. Лекции по физиологии. 1912-1913. – М, 1956.
26. Левшин В.Л. Труды В.И. Вавилова в области оптики. Труды института естествознания и техники. История физика математических наук. Москва, 1957.
27. Лебедев-Полянский. «Смена» , 1946, № 23-24.
28. Норберт Винер. Я -математик. –М., Наука, 1965.
29. 30. Рўзматзода Қ. Фан ва фалсафанинг долзарб муаммолари // ЎзМУнинг 2015 йилдаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- Т., 2015.
30. Рўзматзода Қодиркул. Жамиятни шахслар, давлатни сиёсатчилар бошқарадилар ёхуд нега шахс муаммоси файласуфлар эътиборидан четда қолди? – JCAR. Journal of central Azian. Volume 2. ISSUE 1. 2021. V.7-15.
31. Рўзматзода Қодиркул. Устозлар ибрати. Биринчи китоб. Т, Наврўз, 2012. -272 б.